

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма хуқуқида  
УДК: 334.75 (575.1)

ДЖАМОЛОВ ЎТКИР ИЛХОМОВИЧ  
**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
МОТИВАЦИЯ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент  
08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисод фанлари бўйича фалсафа фанлари (PhD)  
олиш учун тақдим этилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар  
и.ф.д., Саидахмедова Н.И.

Жиззах – 2022

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
1.1. Тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	13
1.2. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишнинг илмий ва услугубий асослари.....	33
1.3. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар таъсири ва уни баҳолаш услугубияти.....	49
1-боб бўйича хулосалар.....	63
<b>II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА БОШҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>66</b>
2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уни бошқариш ҳолати.....	66
2.2. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи мотивацион омилларни баҳолаш .....	80
2.3. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришнинг хорижий услубиёти .....	90
2-боб бўйича хулосалар.....	105
<b>III-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖИ ВА УНИ БОШҚАРИШДА МОТИВАЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	<b>108</b>
3.1. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишида мотивацион омилларни бошқаришда кўп омилли моделлардан фойдаланиш истиқболлари .....	108
3.2. Тадбиркорликни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.....	121
3.3. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий мотивациявий омилларини такомиллаштириш .....	132
3-боб бўйича хулосалар.....	142
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>144</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>150</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 55-67 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-57 фоизни ташкил этади. «Гарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхоналарнинг 99,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига умумий саноат ҳажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келиб, 70 фоиздан ортиқ иш жойлари кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари ҳисобига таъминламоқда»<sup>1</sup>. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожлантириш барқарор иқтисодий юксалишнинг ажralmas бўғинига айланган. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотларидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда

Жаҳондаги халқаро бизнесга кириш ташкилоти (Doing Business), Ўрта Осиёда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш лойиҳаси (USAID), ҳамда Жаҳон банки бизнес гуруҳлари (The World Bank Group) тадқиқотларига қўра, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожлантиришда мотивацион омиллар таъсирини кучайтириш давлатларнинг иқтисодий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Шу боис жаҳон илм фанида кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш, ҳамда ривожлантириш бўйича қўплаб тадқиқотлар, хусусан, «Инновацион иқтисодиёт тадбиркорлик мотивацияларини тадбиркорлар психологиясига таъсири тахлили» (School of Economics and Management), «Европа иттifoқи давлатларининг иқтисодий ривожланишида инновацион тадбиркорликнинг ривожлантиришни ўрни» (Journal of Entrepreneurship, Management And Innovation), «Ўз бизнесини бошлиётган тадбиркорлар учун мотивацион омиллар ва тўсиқлар» (Economic

<sup>1</sup> [https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition\\_en](https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en)

Research-Ekonomska Istraživanja) каби устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожи, камбағаллик даражасини пасайтириш учун ижтимоий, молиявий иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлиши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-куватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-хуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим»<sup>2</sup>. Мазкур вазифалар ижросида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишини таҳлил қилиш, унга таъсир қилувчи мотивацион омиллар таъсирини оширишда, замонавий талаблар асосида ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар қамровини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон «Тадбиркорлик субектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони, 2021 йил 27 мартағи ПҚ-5041-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон «Тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020/ [/https://aza.uz/oz/politics](https://aza.uz/oz/politics).

яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги №504-сон «Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғриси»да, 2021 йил 31 августдаги №554-сон Европа инвестиция банки иштирокида «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарап кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, уни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқариш масалалари борасида қўплаб хорижлик олимларнинг ишларида ёритилган. Булар қаторига К.Маркс, Д.Рикардо, А.Смит, Ж.Кейнс, Фон Дер Липпе, Дж.Роулс, У.Петти, О.В.Воронкова, А.Тюрго, Р.С.Ронштадт, Й.Шумпетер, Д.О.Грубенкова, Р.Кантисон, Т.Веблен<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш

---

<sup>3</sup> Рикардо Д. Классика экономической мысли. – М.: 2000. – 896 с, Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241; Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995. – 650 с.;; Роулс Дж. Идея блага и приоритет права. М.:, 1998 .-243 с. Петти У. Экономические и статистические работы. – М., 1940 г. 156 с. О.В.Воронкова. Current Trends in the Development of Small and Medium-Sized Enterprises and Individual Entrepreneurship in the Russian Federation. makola revistaespacios 11.05.2018 Тюрго А Избранные экономические произведения – М., 1961-с 17; Й.Шумпетер Теория экономического развития – М. «Эксмо», 2007 Грубенкова Д.О. Предпринимательство в теориях р. Кантильона, Маркса, Веблена и Шумпетера: сравнительный анализ // Международный студенческий научный вестник. – 2016

мумкин.

МДХ мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб борган олимлардан А. Д. Шеремета, А. О. Блинов, Б. М. Широков, Д. Никологородский, М. Г. Лапуста, А. Г. Порсев, Ю. Л. Старостин, Л. Г. Скамай, Р. Грифман, М. Пастей, К. П. Янковский, Ю. Б. Рудина<sup>4</sup> ва бошқаларнинг ишларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш жараёнини ўрганиш бўйича С.С.Ғуломов, М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Н.Самадов, Ш.Отажонов, Х.Хамроев, Э.Эгамбердиев, Х.Д.Хўжақулов ва бошқа иқтисодчи олимлар кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан Н.Соатов, Т.Шодиев, Р.Алимов, Қ.Абдураҳмонов, Ё.Абдуллаев, Б.Ғойибназаров, А.Ваҳобов, Ҳ.Шодиев, Г.Сайдова, С.Салаев, Ш.Холмўминов, Н.Шоюсупова, М.Хакимова, Ҳ.Набиев, Б.Беркинов, Б.Юсупов, О.Рихсимбоев, А.Аюбжонов<sup>5</sup> ва бошқа олимлар томонидан илмий

<sup>4</sup> А.Д.Шеремета. Малое предпринимательство: организация, экономика, управление. М.: Изд. “Инфра-М” 2009.-479 стр; А.О.Блинов. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. М.: “Ось-89” 1997.-336 стр; Б.М.Широков. Малые бизнес. М.: 2006.-495 стр; Д.Никологородский. Изменение форм собственности и структуры промышленных предприятий.// Ж. Вопросы экономики. 1997, №9. 23-35 стр; М.Г.Лапуста, А.Г.Порсев, Ю.Л.Старостин, Л.Г.Скамай. Предпринимательство. М.: Изд. “Инфра-М” 2003.-534 стр; Р.Грифман, М.Пастей. Международный бизнес. Питер. 2006.-186 стр; К.П.Янковский. Введение в инновационное предпринимательства. – СПб.: Питер, 2004. –С.189; Ю.Б.Рудина. Основы бизнеса. М.: 2003.-777 стр.

<sup>5</sup> Ғуломов С.С Тадбиркорлик ва кичик бизнес – Т.: Шарқ, 2002; Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Иқтисодиёт, 2012; Хамроев Х. Тадбиркорлик асослари – Т.: Янги нашр, 2010; Эгамбердиев Т.Э., Ҳ.Хўжақулов Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Маънавият, 2003; Соатов Н.М. Статистика /Дарслик–Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005. – 126 б; Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Тохирова Ҳ.Т. Аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш /Ўқув. қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-159 б; Абдуллаев Ё. Макроиктисодий статистика 100 саволга 100 жавоб – Т.: Мехнат,1998. – 382б; Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаи ижтимоий фондлар.-Т.: Шарқ, 2003.-319 б; Шодиев Ҳ., Ҳамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 236 б; Сайдова Г ва бошқ. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы //Экономическое обозрение, 1998, №1. – 15 с; Беркинов Б.Б.Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ўйлари. Монография – Т.: Fan va texnologiya, 2019; С.К.Салаев Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш.

тадқиқот ишлари олиб борилган.

Соҳа олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аҳамиятга молик илмий ва услубий манба бўлсада, ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида яратилаётган шартшароитларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ҳамда мотивациявий омиллар таъсирини кучайтириш услубиятини бошқарув фаолиятига кенг тадбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот иши мавзуси ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда долзарб мавзу сифатида эътироф этилган ва танлашга асос бўлган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05A.01- «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда ва самарали бошқарувида мотивациявий омиллар таъсирини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари ва унинг аҳамиятини асослаш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уни бошқарув тизимидағи

---

Диссертация, – Т., 2008-324 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация, – Т., 2017. – 138-б., .Файзуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Диссертация. – Т., 2018.; Юсупов Б.А. «Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш», Диссертация, – Т., 2020. – 148 б.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илгор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Диссертация., – Т., 2019.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Диссертация., – Т., 2020.

“мотивация” ва “мотивацион омиллар” тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш;

тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ривожланиши, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини асослаб бериш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молия-хўжалик ва иқтисодий-бошқарув фаолиятидаги рискларни таҳлил қилиш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантириш ва кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўлларини кўрсатиш;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий мотивацион омилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти, шунингдек, Жиззах вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивация омиллари таъсири ва унинг бошқарув механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий, иқтисодий ва хукуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усувлари.** тадқиқот ишида тизимли ва омилли таҳлил, таққослама ва таркибий таҳлил, статистик гурухлаш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш ҳамда бошқа усувлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлилар дафтари»га киритилган

ищиз ёшларни ишга қабул қылганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкини ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш таклиф этилган;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларига уч йилдан ортиқ вақтдан буён ҳисобланган солиқлар ва божхона тўловларини муддатида тўлаб келган, молиявий аҳволига кўра солиқ ва бож тўловларини тўлаш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ищиз ёшларни ишга қабул қилиш, ўзини ўзи банд қилганлар ҳамда солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажмини 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молия-хўжалик ва иқтисодий-бошқарув фаолиятидаги рисклар таҳлил қилиниб унга таъсир этувчи омилларни пасайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантириш услубиётини кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий мотивацион омилларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, унга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантиришга оид илмий-услубий таклиф ва тавсиялар, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳукуқий хужжатларни такомиллаштиришда, Ўзбекистонда миллий тадбиркорлик тизимини шакллантириш асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади..

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурларни ишлаб чиқишида ҳамда ўқув адабиётлар, жумладан олий ўқув юртларида “Тадбиркорлик асослари”, “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришда мотивация омилларидан фойдаланишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкини

ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208 “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида, тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилиш 18,4 фоизга ошган ва 1200 дан ошиқ ёшлар «Ёшлар дафтари»дан чиқарилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208 “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Натижада, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 968,0 млн. сўм субсидия ажратилган.

тадбиркорлик субъектларига уч йилдан ортиқ вақтдан бўён ҳисобланган солиқлар ва божхона тўловларини муддатида тўлаб келган, молиявий аҳволига кўра солиқ ва бож тўловларини тўлаш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг

2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087 “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га қарорига киритилган (Ўз.Р. иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Натижада, пандемия даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан 348,1 млрд. сўмлик солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган.

ищиз ёшларни ишга қабул қилиш, ўзини ўзи банд қилганлар ҳамда солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажмини 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига жорий этилган (Ўз.Р иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2025 йилда 41,2 фоизга ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола шу жумладан 2 та республика ва 2 та нуфузли хорижий журналларда, шунингдек илмий амалий конференция тўпламларида 13 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Диссертацининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацининг умумий ҳажми 155 бетдан иборат.

# **И-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИЯЙИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий- иқтисодий аҳамияти**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўтказилаётган ислоҳотлар дастурининг муҳим йўналишларидан бири бозор муносабатлари тизимиға ўтиб бораётган даврда тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожлантириш ва унга кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлиши учун тадбиркорлар давлат билан теппантенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилиармонларнинг ҳақ-хуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим<sup>6</sup>.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодиётида турли мулкчилик шаклида ташкил этилган, ўзаро алоқада ва бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мавжуд бўлиши ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларисиз замонавий бозор иқтисодиёти бир маромда ва узлуксиз фаолият кўрсатиши ҳамда барқарор ривожланиши мумкин эмас.

Ҳозирда республикамиз ва унинг худудларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини имкон қадар кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>. 2020.29.12.

ривожлантириш давлатнинг иқтисодий сиёсатининг стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифаси сифатида қаралмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларга қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш, турли тўсиқ ва бошқарув органлари аралашувини бартараф этиш иқтисодиёт олдидаги ўз ечимини кутаётган вазифалардан ҳисобланади.

Бозор муносабатлари барқарор ривожланаётган бир даврда тадбиркорлик билан шуғулланувчи иқтисодий фаолият субъектларининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтирилган мустақиллиги, доимий фаоллиги ва ўз фикрига асосланган ташаббускорлиги ижтимоий-иктисодий ҳолат такомиллашувини ифодалайди.

Тадбиркорлик фаолияти ва унинг асосий мақсади – ўз фаолияти натижасида тадбиркорлик даромади ёки фойда олиш учун моддий ёки бошқа неъматлар ишлаб чиқариш ва бозорда истеъмолчилар талабини қондиришдан иборат. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши натижасида жойларда янги иш ўринларини яратиш, давлат ва маҳаллий бюджетга солик тўлаш йўли билан иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажариш ҳисобланади.

Тадбиркорлик тушунчасининг тўлиқ моҳиятини очиш учун албатта, у хақида соҳа олимлари томонидан берилган фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, унга берилган таърифларни бирма-бир кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасида кўплаб соҳа олимлари доимий равишда изланишлар олиб бормоқдалар. МДҲ давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб ўзининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ривожланишининг “Ўзбек модели” ни яратган ҳолда бозор иқтисодиёти йўлидан боришини афзал деб билди.

Бозор иқтисодиётининг изчил ривожланиши ва тараққиёт йўлидан бораётган бир даврда тадбиркорлик фаолиятининг турли қўринишлари

шаклланди. Бундай изчил ҳаракат турли мулкчилик шакллари ва фаолият турига асосланган иқтисодий фаолият субъектларини рақобат муҳити шароитида ҳаракатга келтирган ҳолда, турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга асосланган корхоналарнинг таъсисчилари таркиби ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти, қўшаётган сармоя миқдори ва бошқа иқтисодий ҳамда ижтимоий омиллар билан ҳам боғлиқдир.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ профессорлар М. Г. Лапуста ва бошқалар таҳрири остида Москвада чоп этилган “Предпренимательство” дарслигига – “тадбиркорликнинг умумий тавсифи, иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий шакллари, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, бизнес-режа тузиш, молиявий фаолиятни таҳлил қилиш, солиққа тортиш ва тадбиркорлик психологияси масалалари тадқиқ этилган ва аниқ фикрлар билан ифодаланган”<sup>7</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ўзининг иқтисодий, хуқуқий ва ташкилий шаклларини белгилаб олган ҳолда ўз фаолиятларини давом эттирувчи шахслар ҳисобланиб, бевосита ўз тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш жараёнида ўзининг мустақил бизнес-режасига эга бўлиши, ойлик, чораклик ва йиллик фаолиятни молиявий жиҳатдан доимий равищда таҳлил қилиши ёки молиявий ҳолатини баҳолаш учун ихтиёрий аудит ўтказиши, давлат ва маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқларни ўз вақтида тўлаши, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда тадбиркор етарли даражада психолог ҳам бўлиши талаб қилинади.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда замонавий бошқарув фаолиятига асосланган тадбиркор фақат ўз олдидаги мажбуриятлари билан эмас, балки ташаббускор, изланувчи ҳамда ижодкор шахс бўлиб гавдаланиши, истеъмолчи манфаатларини асосий приоритет деб билиши,

---

<sup>7</sup> М.Г.Лапуста, А.Г.Порсев, Ю.Л.Старостин, Л.Г.Скамай. Предпренимательство. М.: Изд. “Инфра-М” 2003.-534 стр.

бевосита ушбу жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи идеал шахс сифатида намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон миқиёсида тадбиркорлик соҳаси ривожланишида ўз изланишларини олиб бораётган тадқиқотчилардан машҳур Америкалик иқтисодчи ва социолог Й. Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» асарида қуидаги таърифни келтириб ўтган яъни, “тадбиркор иқтисодий омил сифатида аҳамияти бўйича капитал, меҳнат ва ер билан бир хил даражада туради” деб изоҳ берган<sup>8</sup>.

Шунингдек, Й. Шумпетер тадбиркорни новатор (янгилик-бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган ва тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган, янгиликларни жорий этишдан иборат деб таъкидлаб ўтади.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолияти ер, капитал ва меҳнат омилни ҳаракатга келтирувчи ташаббускорлик ва ишchanлик қобилиятига асосланган тарзда фаолият тури ҳисобланади. Шунингдек, тадбиркорлик омили бугунги реал ҳаётда бўлиши зарур ва шартdir. Чунки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш орқали амалга оширилади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти янги фаолият турлари билан шуғулланувчи ижодкорлик натижаларини жорий этишдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъектларни тадбиркор деб ҳам аташ мумкин.

Мамлакатимизнинг қайси тармоғини олмайлик иқтисодиётнинг барча соҳалари қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг барчаси тадбиркорлик асосида ташкил қилинганлигини кўриш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритувчи жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, қонун билан тақиқланмаган фаолият тури билан

---

<sup>8</sup> Й. Шумпетер Теория экономического развития. - М.: 1982. – 29 бет.

шуғулланувчи, жамият манфаатларига зид бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳамда қонун томомнидан ҳимояланган иқтисодий субъектлардан иборат бўлади.

Жаҳон ҳамжамиятининг эътироф этишича бугунги қунга келиб, иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам тадбиркорлик субъектларининг роли ва обру-эътибори кундан-кунга ошиб бормоқда. Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бу тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожлантириш ҳисобланади.

Ҳозирда «тадбиркор», «тадбиркорлик» тушунчаларини ҳаётда кўп учратишимиз мумкин, хўш бу нима маънони англатади ва қачон пайдо бўлган каби саволларга жавоб топиш илмий изланишларимизнинг дастлабки босқичи бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир иқтисодий фан ва унга тегишли бўлган тушунчаларнинг яратилиши ўзига хос тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу иқтисодий тушунчаларни ҳозирги маъносида биринчи бўлиб, инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон XVII аср охири ва XVIII аср бошларида қўллаган эди. Инглиз иқтисодчисининг фикрича, тадбиркор таваккалчилик асосида ҳар қандай соҳада бирор фаолият билан шуғулланувчи шахс сифатида эътироф этилади. Тадбиркор ер ва меҳнат омилини ўзлаштирган ҳолда иқтисодий фаровонликни таъминловчи ва шакллантирувчи бойлик манбаи деб таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги фикрларга таҳлилий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, дарҳақиқат ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятини таваккалчиликка таянган ҳолда бошлайди ва йўлида учраган тўсиқларни енгиб ўтишга ҳамда ер ва капитал омилларни яхши ўзлаштирган ҳолда фаолият юритади.

Тадбиркорлик фаолиятининг кейинги ривожланиш босқичи бу XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида машҳур француз иқтисодчиси Ж. Б. Сей (1767-1832) ўзининг «Сиёсий иқтисод» рисоласида бевосита тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқаришнинг уч асосий омили – ер,

капитал ва меҳнат омилларининг яхлитлиги сифатида таърифлаб ўтган<sup>9</sup>.

Ж. Б. Сейнинг фикрини таҳлил қиласиган бўлсак, тадбиркор ўз фаолияти ва манфаати йўлида топган даромадини ўз меҳнати ва изланишлари асосида ҳамда ишлаб чиқаришни тўғри ва оқилона ташкил этганилиги, уни тўғри бошқарганлиги ва керакли маҳсулотни истеъмолчига етказа олганлиги учун унга берилган мукофотдир. Бунга эришиш учун тадбиркор фаолиятини таваккал қилган ҳолда бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Инглиз иқтисодчи олимларидан А. Смит «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» китобида тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган. А. Смитнинг фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. Тадбиркор муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир деб таърифлаб ўтишган.

Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиласи. Бу ишлар ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ ва бозор тизимининг марказий механизми – рақобат механизми билан боғлиқдир. Демак, тадбиркор таваккалчилик асосида рақобат кураши майдонида фаолият юритишга тайёр шахс сифатида гавдаланади.

Америкалик иқтисодчи Ж. Б. Кларк француз иқтисодчиси Ж. Б. Сейнинг «учлик формуласига» ўз ўзгартиришлари билан фикрларни илгари

---

<sup>9</sup> М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2019, – 274бет.

сурди. Ж. Б. Кларкнинг фикрича, ишлаб чиқариш жараёнида доим тўрт омил иштирок этиши, яъни: капитал; ишлаб чиқариш воситалари ва ер; тадбиркорлик фаолияти; ишчи меҳнати.

Юқорида келтирилган ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради, капиталдан қўшимча фоиз олиниши; ер ижараси ҳақи; капиталистнинг ишбилиармонлик фаолияти ва ундан даромад келиши; ишчининг меҳнати маош билан таъминлаши таъкидлаб ўтилган. Ж.Б.Кларк сўзи билан айтганда: «Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади»<sup>10</sup>.

Ушбу келтирилган фикрларни таҳлил қиласиган бўлсак, дарҳақиқат Ж.Б.Кларкнинг таъкидлашича, тадбиркорлик омили бу барча омилларни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланиб, тадбиркорлик фаолияти омиллар ҳаракати натижасида шаклланади ва даромад келтирувчи манбаа сифатида шаклланади.

1974 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн тадбиркорлик тушунчасига бошқача ёндашган бўлиб, унинг фикрича, тадбиркорлик маҳсус фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлаш йўналишидир.<sup>11</sup> Фридрих Фон Хайн тадбиркорликни фаолият эмас, маълум бир соҳани ҳаракатга келтирувчи йўналиш деб талқин этади. Тадбиркорлик фаолият йўналиши эмас балки маҳсус фаолият тури ҳисобланади ва у ўзига хос ҳатти-ҳаракатдан иборатдир.

Олимнинг фикрига қарши бормаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти барча имкониятларни ишга соловчи ҳатти-ҳаракатдан иборат бўлган изланувчанлик, ташаббускорлик руҳида фаолият юритувчи ва мақсади жамият манфаатларига қаратилган фаолият тури ҳисобланади.

Соҳада изланишлар олиб борган Америкалик олим Р. Хизрич

<sup>10</sup> Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40-бет

<sup>11</sup> Ф.Хайн. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журнали, 1989. 12-сони.

«Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»<sup>12</sup>, - деб таъкидлайди.

Унинг фикрларини инобатга олган ҳолда тадбиркор ўз хизмати фаолияти натижасида маълум бир қийматга эга бўлган маҳсулотларни яратади, бунинг учун у бор куч-гайратини, ўз вақтини йўқотади, турли хавф-хатарлар эвазига даромад кўрувчи шахс сифатида эътироф этиш мумкин ва у ўзининг шахсий фаолиятидан қаноатланмаслик ҳисси пайдо бўла бошлаганини сезади, бу эса уни янада доимий ҳаракатга ундейди.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчасига инглиз профессори А.Хоскин «иши ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади»<sup>13</sup>, - деб изоҳ беради.

Унинг фикрларини таҳлил қиласиган бўлсак, келтирилган фикрлари айнан ўринли бўлиб, ҳар бир тадбиркор иложи борича ҳар қандай фаолиятни ўз ҳисобидан ёки маълум бир маблағларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш асосида ташкил этади, бошқариш масалаларига ўзи жавобгар бўлади ва барча турдаги бошқарув қарорларини мустақил қабул қилган ҳолда даромад топишга интилади.

XX асрга келиб, фундаментал тадқиқотларда тадбиркорлик тушунчасига барча ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ишларини мустақил олиб бориш усули сифатида, балки фирма ичидаги тадбиркорликка ёки “интрапренерлик”ка эътибор қаратилди. “Интра-пренер” атамаси амалиётга америкалик олим Г.Пиншо томонидан киритилганлиги барчага маълум. Интрапренерлик тушунчасининг пайдо бўлиши кўпгина йирик ишлаб

<sup>12</sup> Р. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.

<sup>13</sup> А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23-бет.

чиқариш тузилмалари, уларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг тадбиркорлик шаклига ўтиши билан боғлиқ.

Ҳақиқатдан ҳам тадбиркорлик иши ижод эркинлигининг мавжуд бўлишини кўзда тутганлиги сабабли яхлит ишлаб чиқариш бирималарининг бўлинмалари ҳаракат қилиш эркинлиги билан ифодаланса, тадбиркорликнинг асосида ётувчи ғояларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағнинг мавжудлигини назарда тутади. Демак, маблағнинг мавжуд бўлиши, тадбиркорни ҳаракатга келтирувчи қуч сифатида, шунингдек тадбиркорнинг ишчанлиги ва шиҷоати маблағни тўғри сарфлашга ҳаракатлантиради.

Тадбиркорлик фаолиятининг яратилиш тарихи ва ушбу тушунчанинг моҳиятини соҳа олимлари томонидан келтирилган фикрларини таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқдик. “Тадбиркорлик” тушунчаси энциклопедик луғатда қуидагича таърифланади:

Тадбиркорлик – капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият ҳисобланиб, бизнеснинг асосий тури, тадбиркорчилик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир<sup>14</sup>.

Шунингдек, тадбиркорлик тушунчаси (ингл. enterprise) сўзидан олинган бўлиб, шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти<sup>15</sup>. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фран. entrepreneur) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркорлик тушунчасига берилган таъриф инглиз тилидан тўғридан-

<sup>14</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома-Тўйтепа. Таҳрир Ҳайъати: А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 224-бет

<sup>15</sup> Русско-Английский словарь. Редакционная коллегия руководством А.И.Смирницкого. М.:1969 г. 765 стр.

тўғри таржима қилинган бўлиб, у жуда содда ва равон тилда ёзилган, аммо тадбиркорнинг мустақил фаолияти фақатгина фойда олиш эмас, балки мамлакат фуқароларининг эҳтиёжларини таъминлаш ёки уларга маълум бир хизматларни кўрсатадиган субъект сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.


Келтирилган таржимада қонунчилик томонидан тақиқланмаган деган жумла келтирилган бўлиб, дарҳақиқат ҳар бир соҳа маълум бир қонунчилик тамоийилларига асосланган тарзда фаолият юритиши ҳамда шу соҳани тартибга солувчи қонунларга сўзсиз бўйсимиши қонун томонидан белгилаб берилган.

Тадбиркор сўзининг француз тилидаги таржимасида тадбиркорга воситачи жиҳатдан таърифлаб ўтилганлигини кўриш мумкин, аслида тадбиркорни яратувчи, ижодкор ва ташаббускор шахс сифатида таърифлаш ўринлидир. Шу жиҳатдан энциклопедиядаги таржима қилинган ва келтирилган сўзларни маълум бир даражада такомиллаштириш фойдадан ҳоли эмас.

Иқтисодиётда ҳар бир соҳанинг ривожи ўзига хос босқичларни босиб ўтган бўлиб, улар бевосита соҳа ва тармоқларнинг барқарор ривожланишига иқтисодий дастак бўла олган. Шу жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш жараёни ҳам асосан XVIII асрдаёқ вужудга келган бўлиб, уларни тўрт босқичга бўлган ҳолда ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимиз айнан тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий босқичларини назарий жиҳатдан ўрганишга қаратилган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг биринчи босқичида турли хавф-хатарларнинг мавжуд бўлганлиги, тадбиркорлик фаолиятини юритишга қийинлик туғдиргани, турли таваккалчиликлар асосида тадбиркор ўз фаолиятини катта риск билан амалга оширганлиги, шу вақтдаги қонунлар доимо тадбиркор фаолиятига тўсиқ бўлганлиги, ишлаб чиқарилган товарларни бошқа ҳудудларга сотиш имкониятининг этишмаслиги оқибатида барча фуқаролар ҳам бу фаолият билан шуғуллана

олмаганлар (1.1-расм).



**1.1-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ижтимоий-иктисодий босқичлари<sup>16</sup>.**

Ушбу фаолият билан шуғулланиш учун ўша даврда одамларда етарлича маблағнинг бўлмаганлиги ҳамда савдо маданиятининг шаклланмаганлиги бу соҳа ривожига таъсир кўрсата олган. Шу боис, ўзига хос таъсир қилувчи

<sup>16</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган

омилларнинг мавжудлиги тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш қийин кечган. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг иккинчи босқичи эса новаторлик қобилиягининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу борада иқтисодчи олим Й. Шумпетернинг фикрларига таянган ҳолда<sup>17</sup>, тадбиркорликнинг айнан новаторлик характери қуидагиларда акс этган:

- Тадбиркор истеъмолчи талабларини ўрганган ҳолда бозор учун янги товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши;
- Тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнига янги техника-технологияларни татбиқ этиши;
- Тадбиркор товарларини сотища янги бозорларни ўзлаштириши ва ўз товарини киритиши;
- Ишлаб чиқаришга хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини излаб топиши ва жорий қилиши;
- Тадбиркорлик фаолиятидаги қонуний тўсиқларни бартараф этиш ва товарларни четга сотиш имкониятининг пайдо бўлиши.

Амалиётда тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг учинчи босқичи тадбиркорлик фаолияти ривожланишига туртки бўла олди дейилса, хато бўлмайди, чунки бу босқич айнан тадбиркорлик фаолиятининг шахсий сифатларининг пайдо бўлишига, худудлардаги ижтимоий-иктисодий вазиятларни ўрганган ҳолда фаолият юритишга, тадбиркорнинг турли вазиятларга тезда мослаша олишига, тадбиркорда бошқариш қобилиятининг пайдо бўлиши, тадбиркор бошқарув қарорларини мустақил қабул қилиши ва бошқарув жараёнига жорий этиши каби омиллар тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилишига илк пойдевор яратади олди.

Тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги даври чуқур илмий-тадқиқотларга сабаб бўлган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ва унинг ҳатти-харакатини такомиллаштириш турли фундаментал изланишлар олиб боришга сабаб бўлмоқда. Бу босқич ўз ичига қуидагиларни қамраб олади:

- Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий жиҳатдан

---

<sup>17</sup> Й. Шумпетер Теория экономического развития. - М.: 1982. – 170 с.

ўрганилиши ва унга турли иқтисодий ёндашувларнинг пайдо бўлиши. Тадбиркорлик тушунчасига турли даврдаги илмий қарашларнинг ўрганилиши ҳамда турлича таърифларнинг берилиши;

- Тадбиркорлик фаолиятига давлат аралашувининг бартараф этилиши ҳамда қонуний йўл билан аралашиб ва турли текширувларнинг камайтирилиши;

- Тадбиркор ўз фаолиятини эркин ва мустақил бошқариши ва бошқарув қарорларини мустақил қабул қилиш механизмининг яратилганлиги;

- Тадбиркор бошқарув қарорлари асосида ўз фаолиятини доимий таҳлил қилиши ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириши борасидаги чора-тадбирларни излаш имкониятларининг мавжудлиги;

- Тадбиркорлик фаолиятидаги ижодкорлик қобилиягининг шаклланиши ва уни ишлаб чиқаришга қўлланилиши;

- Тадбиркорлик фаолиятидаги турли муаммоларни мустақил ҳал этилиши, тадбиркорлик фаолиятини қонуний йўл билан ҳимоя қилиш механизмини яратилганлиги ҳамда тадбиркор томонидан ишлаб чиқилган товарларни экспорт қилиш имкониятининг тўлиқ шаклланганлиги ва бошқалар.

Юқорида номлари келтирилган таниқли иқтисодчи олимларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишидаги олиб борган изланишлари шундан далолат берадики, тадбиркор ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган йўналишлари кўп қиррали бўлиб, бу эса тадбиркордан катта маъсулиятни ва ижодкорликни талаб этади.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти турли соҳаларда амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда унинг фаолияти кўп қиррали бўлиши талаб қилинади, чунки бозор сиёсатининг ўзгариши корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида рўй беради. Ҳар қандай шароитда ҳам тадбиркорнинг асосий мақсади фойда кўриш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва хизматлар бозорида самарали фаолият юритишни таъминлаши лозим.

Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида мамлакатимизнинг етакчи олимлари ҳам ўз изланишларини олиб борганлар. Хусусан, бу илмий қарашлар уларнинг шу соҳага доир илмий асарларида ўз ифодасини топган бўлиб, Республикализ олимларидан С. С. Гуломов қуйидагича таъкидлаб ўтган, яъни “тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади”<sup>18</sup>.

Олимнинг фикрларини соҳа ривожидаги ўринли илмий қарашлардан бири сифатида эътироф этган ҳолда тадбиркор бу ўзидағи пул маблағлари билан доимо истеъмолчига янги товарларни тақдим этадиган инсон сифатида ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Иқтисодчи олимлардан А. Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, “тадбиркорлик – кишилар (мулкчилик субъектлари) нинг моддий ва пул маблағларини (капитални) амалда хўжалик айланишига тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир” деб ўз илмий қарашларини келтириб ўтганлар<sup>19</sup>.

Илмий ўрганишлар маҳсули бўлган ушбу фикрлар ўз даврида ўринли бўлиб, истисно тариқасида тадбиркорликнинг ташкил этишдан асосий мақсади фақатгина даромад топиш билан чекланмай балки аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарларни яратиш йўлидаги иқтисодий фаолият сифатида қараб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолияти ривожида илмий изланишлар олиб борган олимлардан Б. Ю. Ходиев “тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури, уни остида мустақил ташаббус, жавобгарлик, янгилик киритувчи, фойда олишга йўналтирилган фаолият ётади” деб таъкидлаб

<sup>18</sup> Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: - 32 -6.

<sup>19</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат. 1995. 192-6.

ўтган.<sup>20</sup>

Юқоридаги олимлар қаторида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида тадқиқотлар олиб борган олималаримиздан Н. Қосимова эса тадбиркорлик тушунчасини қуидагича “тадбиркорлик бизнеснинг бир тури бўлиб, фойда олиш мақсадида яратувчилик, яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидир” таърифлаган.<sup>21</sup>

Иқтисодчи олималаримиздан Д.Тожибоева ҳам тадбиркорлик тушунчасига ўз илмий тадқиқотлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қуидагича “Тадбиркорлик – бу маблағларни самарали сарфлаб, ишлаб чиқариш омилларини энг оптимал нисбатини топиб ишга тушуриш эвазига даромад, фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир” деб таърифлаган.<sup>22</sup>

Шунингдек тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш борасида М.Р.Болтабоев бошлигигида тайёрланган ўкув қўлланмада ҳам тадбиркорлик тушунчасига изоҳ берилган бўлиб, унда “тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади”.<sup>23</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуннинг З-моддасида «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига қуидагича таъриф берилади: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, тавакkal қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад

<sup>20</sup> Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлари. 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2000. 42-б.

<sup>21</sup> Қосимова Н.С. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари. 08.00.05 - “Менежмент” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2002. 27-б.

<sup>22</sup> Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Ўзбекистон” 2002. -180- б.

<sup>23</sup> Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Фойибназаров Б.К., Эргашходжаева Ш.Ж., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўкув қўлланмана. – Т.: Ношир. 2011. – 280-б.

(фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”<sup>24</sup>.

Қабул қилинган қонунинг З-моддасини илмий жиҳатдан шарҳлайдиган бўлсак, тадбиркорлик фаолияти дарҳақиқат қонун хужжатлариға мувофиқ амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб, ўзининг мулки билан барча жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда даромад олишга қаратилган ҳамда бозор муносабатлари шароитида тадбиркорнинг ижодкорлиги ва изланувчанлиги асосида ташаббускорона фаолият юритишини тушуниб етишимиз мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларда ҳам бошқа давлатларда чоп этилган манбааларда ҳам тадбиркор ёки тадбиркорлик фаолиятининг умум эътироф этилган таърифлари сўзнинг маъносини тўлиқ очиб берса олмаяпти. Тадбиркор ёки тадбиркорлик фаолияти жамият қонунлариға бўйсунган ҳолда фаолият юритади, унда ўзининг мулки ёки қарзга олинган маблағи билан иштирок этади ҳамда барча маъсулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойда қўришга шунингдек, шиддатли рақобат муҳити шароитида ўз ташаббуси ва ҳаракати билан фаолият юритишини англаб етишимиз лозим. Шу билан бирга тадбиркор бошқарувда ҳам маъсул шахс сифатида бошқарув қарорларини амалиётга татбиқ этиш услубларини яратади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб улар қуидагилардан иборат:

- бозордаги талабга тез мослаша бориши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти;
- нисбатан қисқа муддатларда ахоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларга бўлган талабни қондира олиши;
- дастлабки сармоя ҳажмининг нисбатан камлиги;
- тез орада янги ишчи ўринлари барпо этиш ва бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш имконияти;
- бизнес эгасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Конуни. 2000 йил 25 май.

бевосита иштироки ва бошқаларни киритиш мумкин.


Бунинг учун авваламбор, ҳар бир соҳа ривожида тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган бошқарув механизмини яратиш ҳамда ундан унумли фойдаланишини таъминлаш зарурдир. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъект ҳар доим бозордаги талаб ва таклиф жараёнини эътиборга олган ҳолда иш юритиши;
- Тадбиркор ўз фаолияти самарадорлигини таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўлларини излаши ва уни фаолияти давомида такомиллаштириб бориши;
- Тадбиркорлик фаолиятининг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, тадбиркорлик фаолиятини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишлари;
- Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига ижобий таъсир этмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожи борасида қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари соҳа ривожига ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши ҳамда ҳуқуқий масалалар доирасидаги муаммоларни ҳал қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қиласди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти юқори бўлиб, мамлакат фуқароларининг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган талабларини қондириш билан бирга аҳолининг реал даромадларини оширишга ҳамда иш билан бандлик масалалари каби муаммоларни ҳал қилишга ҳам ўзининг самарали таъсирини

ўтказиб келмоқда (1.2-расм).



## 1.2-расм. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти<sup>25</sup>

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти асосан қуидагилардан иборат:

- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали жамият аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги янада ортади;

<sup>25</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали аҳолини иш билан таъминланиши яхшиланади, яъни янги иш ўринлари яратилади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали аҳоли ўртасидаги турли зиддиятларнинг олди олинади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали ижтимоий яшаш тарзи ўзгаради ва аҳолининг яхши яшашига реал имкониятлар юзага келади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарорлиги ортади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали маданий-маиший соҳалардан тўғри фойдаланишга кенг имкониятлар яратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти ҳам юқори бўлиб, у қўйидагилардан иборат:

- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали хусусий мулқдан самарали фойдаланиш имконияти яратилади;
- Тадбиркор мустақил ишлаб чиқариш жараёнини шакллантиради ва аҳолини иш билан таъминлашда иштирок этади;
- Тадбиркор ўз изланишлари натижасида янги технологияларни яратиши ва ишлаб чиқаришда қўллаш орқали мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга доимо ҳаракат қиласи;
- Тадбиркор янги турдаги хом ашёларни ишлаб чиқаришга жорий этиши орқали истеъмолчи талабларини қондиришга ҳаракат қиласи;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали аҳолининг реал даромадлари ортади ва яшаш тарзи ўзгаради;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилади ва истеъмолчи ўртасида маҳсулотларни эрқин танлашга шароит яратилади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи яхшиланади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш орқали давлатнинг инвеситицион муҳити яхшиланади ва инвесторларнинг қизиқиши ортади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти юқори бўлиб, ҳар тадбиркор барча соҳаларда ҳам обру-эътиборга эришиш учун жамият олдидаги манфаатларни ўз манфаатидан устун деб билиши ҳамда ўзининг барча имкониятини бошқарув жараёнига тўғри татбиқ эта олганда яхши натижаларга эриша олади.

## **1.2. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишнинг илмий ва услубий асослари**

Бозор иқтисодиёти мураккаб ва ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлган хўжалик юритиш механизми ҳисобланади. Бу жараёнда рўй берадиган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар, иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий мавқеини ўзида бирлаштирганлиги оқибатида, бундай турли томонламалик ёндошув иқтисодиётни бошқариш механизмини янада мураккаблаштиради. Шу сабабли, иқтисодиётнинг кутилмаган муаммолари оммавий характерга эга бўлиб, уларни ҳал этишнинг ташкилий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларини ўзгартиришга мажбур бўлинади.

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар асосан аҳоли ўртасида пайдо бўлиши, яъни, бунинг туб сабабларидан бири аҳоли реал даромадларининг пасайиши ва ишсизликнинг қўпайиши оқибатида юзага келади. Бу жараёнда муаммоларнинг ечимини топища тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиниши ва ривожлантириш орқали муаммоларни юмшатиш ёки бартараф қилишга имкон туғилади.

Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш борасида ўзига хос тўпланган узоқ йиллик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Аммо, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳам бошқариш ҳам мураккаб кечади ва буни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш тадбиркорнинг факат ўзига боғлиқ бўлмайди. Бунда турли таъсир этувчи омиллар ва ривожлантиришга кўмаклашувчи омиллар ҳам иштирок этади.

Тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиш уни бошқариш жараёнида кутилмаган ҳамда тадбиркорлик йўлида учрайдиган ҳар қандай

тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилишга шунингдек, фойда олиш мақсадида тадбиркор барча имкониятларни ишга солган ҳолда ўз маблағини ишга тиккан ҳолда самарали фаолият юритишини талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятда иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос бир тури бўлиб, унинг негизида тадбиркорнинг мустақил ташаббуси, маъсулияти юзасидан жавобгарлиги, ижодкорлиги, ўз ғоясига асосланган ҳамда фойда олишга қаратилган мақсад сари ундовчи омиллар сифатида шаклланади.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзига хос иқтисодий фаолликнинг алоҳида унсури ҳисобланиб, унинг бошланғич бўғини маълум бир ғоя ва фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан узвий боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шакл сифатида юзага келади.

### **Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи кўрсаткичларлар**

- Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий фаоллигини таъминловчи ғоя ва фикрларнинг шаклланиши ва уни амалда қўллаш имкониятлари
- Тадбиркорлик фаолиятидаги ижодкорлик ва уни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш
- Тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар ва унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини доимий баҳолаш
- Тадбиркорнинг шахсий сифатлари ва тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсирини баҳолаш
- Тадбиркорнинг ишбилармонлик ва ўзига ишонувчанлик жиҳатлари
- Тадбиркорнинг ишлаб чиқариш жараёнида жамоа кучига таяниши
- Тадбиркор бошқарув қарорларини қабул қилиши ва унинг натижаларини назорат қилиши

### **1.3 - расм. Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи кўрсаткичларнинг гурухланиши<sup>26</sup>**

<sup>26</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Тадбиркорнинг фикрлаш натижаларини моддий шаклга ўтиши бу тадбиркор ўз фаолиятида янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш орқали, маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартирган ҳолда корхонани ишлаб чиқариш таркибида туб ўзгаришлар содир бўлиши тадбиркордан ижодкорликни талаб этади (1.3- расм).

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги замонавий ҳамда ихчам технологияларни тадбиқ этишда ўз самарасини беради.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш фақат иш жараёни ёки ишчи ходимларни бошқариш билан якун топмайди, балки янги туғилган фикрлар ва ижодкорликни тўғри қўллай олиш ҳам бошқарувда қийин кечади. Шу боис, ҳар қандай жараёнда тадбиркор ўз фаолиятининг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади. Бироқ, барча соҳаларда ҳам тадбиркор ягона субъект эмас, балки, ҳар қандай ҳолда ҳам у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси, турли вазиятларда рақобатчи сифатида намоён бўлади, шунингдек, баъзи ҳолларда давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Шу билан бирга истеъмолчи ҳам, давлат ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида эътироф этилади.

Тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар доимий бўлган ва давом этувчи жараён бўлиб ҳисобланади, бу жараённи тадбиркорлик фаолиятига таъсирини доимий баҳолаш талаб этилади. Бундай шароитда тадбиркор фаол субъект категорияси сифатида гавдаланади ҳамда истеъмолчи билан ўзаро бўладиган муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролини бажаради. Истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина тадбиркорлик фаолиятини янада узвий тарзда амалга оширилиши, акс ҳолда тадбиркор рақобатда синиши ёки ўз фаолиятини тугатиши мумкин.

Тадбиркор яратган товарига истеъмолчи томонидан баҳо берилади шундан сўнг у ёки бу товарни харид қилишга тайёрлиги маълум бўлади.

Тадбиркор келажақдаги ўз фаолиятини режалаштириши ва ташкил қилишида истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиши талаб қилинади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай тадбиркор истеъмолчининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳаракатланиши лозим акс ҳолда истеъмолчига таъсир қилишнинг бошқа имконияти йўқ. Бу эса тадбиркор доимо истеъмолчи манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши шартлигини билдирамайди, балки тадбиркор янги товарни яратса истеъмолчи дидига ва даромадига мос келса истеъмолчи сўзсиз шу товарга бўлган талаби шаклана бошлайди. Бундан шуни хulosа қилиш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг қуйидаги усулларини келтириб ўтиш мумкин<sup>27</sup>:

- Тадбиркорнинг истеъмолчи манфаатларини аниқлаш усули;
- Тадбиркор ўз фаолиятидан келиб чиқиб янги товар ёки хизматларини “мажбуран истеъмолчи онгига сингдириш” усули;
- Тадбиркор маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали истеъмолчи талабларини ўрганиш ва истеъмолчи кутмаган товарларни яратиш усули.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадбиркор фаолиятининг асосий мақсади бозорда ўз истеъмолчиларига эга бўлиш учун ўз товарларига бўлган эҳтиёжни доимий аниқлашдан иборатdir. Бу ҳолатда тадбиркор ўз истеъмолчиларига эга бўлишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши керак: товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши, сифати, нархи, товарнинг универсаллик даражаси, унинг ташқи кўриниши, харидор талабига мослиги, сотувдан кейинги сервис хизмат, товарнинг давлат ва ҳалқаро стандартларга мослиги, рекламалилиги ҳамда харидор диққатини ўзига жалб қилиши.

Ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект сифатида шакллансада, тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг иш фаолияти

---

<sup>27</sup> М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 274 бет.

самарадорлигиде истеъмолчи фаол аҳамиятга эга бўлади буни эса тадбиркор ҳеч қачон рад эта олмайди.

Тадбиркорлик фаолияти фаоллигини таъминловчи омиллардан кейингиси бевосита тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилияtlари, имкониятлари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликни ҳатти-харакатларини шакллантирувчи кучи бўлади. Айнан ҳозирги вақтда тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қўйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиши;
- шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти;
- маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириши;
- тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қўйиш қобилияти;
- тадбиркор ўзининг ғояси асосида бошқарув қарорларини қабул қилиши ва уни амалда назорат қилиши;
- янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур қила олиши. Бу келтириб ўтилган тамойиллар тадбиркорнинг ишбилармонлик хусусиятидан келиб чиқиб, ундан ижодкорликни талаб этади.

Тадбиркорда ижодкорлик қобилиятининг мавжудлиги ва уни такомиллаштириш борасида Й.Шумпетер фикрига асосан, “тадбиркор бошқалар эътибор қилмаган ва билмаган ишларга эътибор қилиб, фаолият юритиш имконини беради” деб таъкидлаб ўтган<sup>28</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги замон тадбиркори инсонлар эътиборига тушмаган маҳсулот ва хизматларни яратиши ва шу билан бирга инсон кўнглигига ўзининг янги маҳсулотлари билан кириб бориши бу тадбиркорнинг ижодкорлик қобилиятига шахсан боғлиқдир.

---

<sup>28</sup> Й. Шумпетер Теория экономического развития. - М.: 1982. – 170 с.

Тадбиркорнинг ишбилармонлик ва ўзига ишонувчанлик омили бунда ҳар бир тадбиркордан юқорида даражада бозор шароитида ишбилармонликни талаб қиласди, бу жараёнда тадбиркор ўзига кучига қаттиқ ишонади. Шиддатли рақобат шароитида тадбиркорнинг ишбилармонлиги катта фойда келтирсада, аммо ишонувчанлик рақобат курашида тадбиркорнинг рақобатда енгилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда тадбиркор барча жараёнларни чукур ўрганиб иш бошлагани мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятидаги яна бир асосий омиллардан бу тадбиркорнинг ишлаб чиқариш жараёнида жамоа кучига таяниб иш кўриши. Тадбиркор кўп ҳолларда ўз жамоаси билан биргаликда ҳаракат қиласди ва тадбиркор ўз ғоясини амалга ошириш жараёнига самарали таъсир қилувчи жамоани яратгандагина у муваффақиятга эришади. Жамоа билан яхши муносабатда бўлиш тадбиркорнинг олдидаги мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти учун қандай ихтисосдаги мутахассислар кераклигини, улар қандай сифатларга эга бўлишлари зарурлигини, уларнинг тадбиркор шакллантираётган руҳий муҳитга кира олишлари мумкинлигини аниқлаш муаммолардан биридир.

Сўнги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги омиллардан асосийси бу - тадбиркорнинг бошқарув қарорларини қабул қилиши ва унинг натижаларини назорат қилиши. Тадбиркорнинг энг муҳим сифатларидан бири корхона фаолиятини бошқаришда тўғри қарор қабул қилишdir. Тадбиркор бошқарувчи томонидан ҳар бир қабул қилинган қарор тадбиркорлик фаолиятининг келажагини белгилаб беради.

Бу тадбиркорнинг ўз фаолияти, ўз бизнеси соҳасида жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам тадбиркор, қарор қабул қилиб, уни амалга оширишда нафақат ўз ҳамкорлари олдида, балки ўзининг келажакдаги қарорининг натижаси учун маъсулияти жиҳатдан жавобгарликни ҳам ўзига олади. Тадбиркорнинг жавобгарликни ўзига олиш маъсулияти, айни бир вақтда, хавф-хатарни ўзига олишни ҳам билдиради.

Шундай қилиб, хавф-хатарни кўра билиш ва уни бартараф этиш учун тайёрлик ҳам тадбиркорга хос бўлган муҳим сифатлардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги омилларга қисман тўхталиб ўтсак-да, аммо тадбиркорлик фаолиятини барқарор ривожлантиришда ҳамда ўз фаолиятида муайян мақсадни амалга оширишда тадбиркорда доимо ҳаракатлантирувчи кучнинг пайдо бўлиши тадбиркорнинг ички ҳиссиётларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу асосан мотивациявий омиллар таъсирида шаклланади. Мақсадни аниқ кўзлаган ва ўзининг йўлини тўғри танлаган тадбиркор ўз орзу-ниятини амалга ошириш учун белгиланган даражада тадбиркорлик фаолиятининг мотивлашувига бевосита боғлиқ бўлади.

Мотив ёки мотивация тушунчаларининг яратилиш тарихи ҳамда бу тушунчанинг моҳиятини соҳа олимлари томонидан келтирилган фикрларини ўргангандан ҳолда кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир. “Мотив” тушунчаси энциклопедик луғатда қўйидагича таърифланади: мотив – (лот. moveo) ҳаракатлантираман<sup>29</sup>. Бу инсоннинг руҳий омилларига боғлиқ бўлиб, шахс фаоллигининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар ҳил турли эҳтимоллар, шунингдек шахсларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли воситадир деб талқин этилган. Хатти-ҳаракат ва фаолият мотивларининг мажмуаси мотивация дейилади<sup>30</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилган мотив ва мотивация сўзларининг луғавий таржимаси ифодаланган бўлиб, ҳар бир шахснинг фаоллиги унинг интилувчанлик қобилиятига ва ҳаракатига боғлиқ бўлиб, бу асосан инсоннинг меҳнати орқали шаклланади ҳамда уни доимо рағбатлантириш воситаси сифатида иштирок этади.

<sup>29</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархиш. Таҳрир Ҳайъати: А.Абдувохитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 97 бет.

<sup>30</sup> Мотив атамаси дастлаб психологияда қўлланилган бўлиб, бугунги кунда иқтисодий фанларга ҳам кириб келди. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 6-жилдининг 97 бетида унга қўйидагича таъриф берилган. *Мотив(психологияда)* – инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаршига сабаб бўлувчи омил, важс. *Мотив шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички турткни ҳисобланади.*

Мотивация терминига илмий нүктаи-назардан қарайдиган бўлсак, у инсонни олдинга интилтирувчи восита сифатида, шунингдек, инсон онгига жиддий психологик-руҳий таъсир қилувчи омиллардан иборат бўлган ва доимо ҳаракатлантирувчи восита ҳамда инсон меҳнати ички ҳиссиётлар асосида рағбатлантирувчи восита сифатида намоён бўлади.

Америкалик руҳшунос Абрахам Маслоу XX асрнинг 40-йилларида ўзининг «Мотивация и личность» номли асарида ўз изланишлари натижаси асосида мотивация тушунчасини тадқиқ қилган ҳолда мотивация-бу инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари, интилиши, бирор мақсадни амалга ошириш билан боғлик бўлган руҳий интилишларидан шаклланишини таъкидлаб ўтган<sup>31</sup>.

А.Маслоу таълимотига кўра, инсон иерархик жойлаштирилган эҳтиёжларнинг мураккаб тузилмасига эга ҳисобланади. Шу сабабдан мотивация бошқарув жараёнида эҳтиёжларни аниқлаш ва мос келувчи мотивация усулларини қўллаш, ходимлар билан маслаҳатлашиш ва уларга ишда кенгроқ имкониятлар тақдим этишни ўз ичига оладиган мотивация омиллар яъни, корхона ходимларини бошқарув жараёнида рағбатлантириш; мукофотларни тақсимлашда холисона ёндашиш, иш жойлари ташкил этишни таҳлил қилиш; ишларни тарификациялашда фаол иштирок этиш қабиларни тўғри жорий қилиш асосида кишилик муносабатларини бошқариш усулларидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши лозим.

Олимнинг фикрларини инкор этмаган тарзда истисно тариқасида мотивация назариясини янги фикрлар бойитган ҳолда мотивация - бу шахсни бошқарув фаолиятидаги жараёнларда муайян мақсадни амалга оширишда ишга йўналтирувчи ҳатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш руҳида ҳаракатланиши ҳисобланади. Шу билан бирга инсон томонидан бўладиган барча ҳатти-ҳаракатлар ўзи-ўзидан бўлмайди, балки уларнинг замирида маълум бир мақсад ёки манфаатларнинг бўлиши мотивацияни шакллантиради ва уни

---

<sup>31</sup> Маслоу А. Г. Мотивация и личность. — СПб.: Евразия, 1999. — 478 с.

ривожлантиришга ундейди. Бу фикрларни тадбиркорлик фаолиятига боғлайдиган бўлсак, ушбу фаолият ҳам ўзига хос мақсадга эга ва асосий мақсади йўлида ҳатти-ҳаракатлар қилиши ҳамда уни доимо рағбатлантиришларини ҳоҳлаган тарзда ривожланишига қўмаклашларини истайди.

МДХ олимларидан А.Г. Коваль ва Ю.К. Балашовлар мотивация услугбиятини жорий қилиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган ва улар "Мотивация-стимул" жиҳатдан ўрганлар. Уларнинг таърифлашларича мотивация – бу инсоннинг ички ҳиссиётларини ва феъл-авторини ташкил қилувчи, унинг қизиқишилари ҳамда ташкилотларда ўзини тутиш билан боғлиқ жараёндир. Мотивация стимули асосан бирор ишга қизиқтирувчи, рағбатлантирувчи омили сифатида инсоннинг таъсир кўрсатиши ҳамда ўз мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган фаолият бўлиб, у эса ташкилотни бошқаришга қаратилади<sup>32</sup>.

Улар томонидан берилган фикрларини инобатга олган ҳолда таҳлилий нуқтаи-назардан ёндошадиган бўлсак, келтирилган фикрлари ўринли бўлиб, ҳар бир тадбиркор фаолиятида мотивациянинг шаклланиши ва уни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўллаш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ходимларни қизиқтириш ва рағбатлантириш асосида ташкил этиш, ўз мақсадларига эришиш учун интилишдан иборат.

Демак, тадбиркорлик фаолияти ҳам ўзига хос мотивдан иборат бўлиб, бу тушунча тадбиркор фаолиятига узвий боғлиқ бўлиб, тадбиркор доимо ҳатти-ҳаракатда бўлади, ички эҳтиёжларини барқарорлашуви таъсирида у ўзининг фаолиятини қўллаб-қувватлашларини ҳамда рағбатлантиришларини ҳоҳлаган тарзда фаолият юритади. Тадбиркорда кучли ҳаракат фаолиятининг таркиби бўлганлиги туфайли у ўз фаолиятининг мақсадини мотивацияйи омиллар таъсирида бошқаришга ҳаракат қиласи.

Хорижий давлатлар тажрибаларидан кўриш мумкинки, тадбиркорлик

---

<sup>32</sup> А.Г. Коваль, Ю.К. Балашов. Кадры предприятия// Журнал №7 / 2002. –12 с.

фаолиятида мотивациявий омилларнинг бўлиши ва уни ривожлантириш борасида Й.Шумпетер учта асосий мотивацияни ажратиб кўрсатган:

- ҳокимлик қилиш, хукмронлик, таъсир қилишга эҳтиёж;
- аниқ ҳаракатларни бажариш орқали эришиш мумкин бўлган ғалабага ирода, муваффақият сари ҳаракат;
- мустақил иш фаолияти берувчи ижодкорлик қувончи<sup>33</sup>.

Истисно тариқасида олимнинг тадбиркорлик фаолиятини мотивлаштириш борасидаги фикрлари ғарб давлатлари тадбиркорларининг фикрлаш услубини ўзида акс эттироқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда мотивлашнинг аҳамияти борасида иқтисодчи олимлардан Ў.П.Умзоқов ва И.Л.Абдураҳимовларнинг ўқув қўлланмаларида “мотивлаш – кимнидир (алоҳида инсонни ёки одамлар гуруҳини) муайян мақсадларга эришишга ўйналирилган фаолиятга рағбатлантириш жараёнидир<sup>34</sup>.

Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида катта илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, аммо тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар таъсирида ривожлантириш борасида етарлича тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлигини эътироф этган ҳолда бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг замонавий ривожланиши замирида ўз мотивига эга бўлиши мақсаддан ҳоли эмас. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий хусусиятлари қўйидаги омилларга таянади:

- тадбиркор ижодкорлигини намоён эта олган ҳолда фаолият юритиши;
- тадбиркор ўз салоҳиятини амалга оширишга доимо ҳаракат қилиши;
- тадбиркорда иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи фикр-ғояларини амалга ошириш истагини бўлиши;
- бўйруқбозлик тузилмасидан воз кечиш, ҳаракатлар эркинлигини таъминланиши ва фаолият кўрсатиш жараёнида мустақил бўлишини

<sup>33</sup> Й. Шумпетер Теория экономического развития. - М.: 1982. – 170 с.

<sup>34</sup> Ў.П. Умзоқов, И.Л. Абдураҳимов. Сув хўжалиги менежменти. I жилд. Т.: “Иқтисод-Молия”. 2008.- 607 б.

таъминланиши;

- тадбиркор ўз истаган касбий фаолият билан эркин тарзда шуғуланиши;
- бозорда ўз имиджини яратиш ва брендга эга бўлишга доимо фаол равишда ҳаракат қилиши, шу билан бирга жамият турмуш фаровонлигини таъминлаши.

Йеркс-Додсон қонунида - тадбиркорлик фаолиятнинг самарадорлиги мотивлаш даражасига боғлиқ деб келтирилади. Шунингдек, мотивлаш тушунчасини таълим жараёнига жорий қилиш ва қўллаш борасида соҳа олимлари бир неча тортишувлардан сўнг, мотивацияни таълим тизимида қўлланиши ҳам яхши самара бериши ҳақида сўнги тўхтамга келишди ҳамда бу каби чора-тадбирлар таълим соҳаси ривожига ўзининг ижобий натижасини бера олиши ҳақида таъкидлаб ўтишганлар.

Мотивлаш - муайян мақсадга эришишга йўналтирилган бирор шахс (айрим шахс ёки шахслар гурухи) нинг фаолиятига рағбатлантириш жараёни. Рағбатлантириш кишиларда меҳнатга иқтисодий, идроклаш ва ахлоқий қизиқиши уйғотишга қаратилгандир, бу уларни моддий таъминлаш омили ва ўзларини ҳамда ўз муносабатларини ишчанликни таъминловчи ижтимоий ақл борасида «гуманитарлашни» таъминлаш сифатида намоён бўлади<sup>35</sup>.

Юқоридаги фикрларни илмий нуқтаи-назардан таҳлил қиласиган бўлсак, мотивлаш борасидаги келтирилган фикрлар таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига ёндашилган бўлиб, ушбу фикрларни тадбиркорлик фаолиятига ҳам жорий қилиш ўринлидир. Чунки, ҳар қандай соҳада бўлгани каби тадбиркор ҳам маълум бир жамоа ёки гуруҳ билан ўз иш фаолиятини ташкил этади, уларни меҳнатга қизиқтиради ҳамда моддий таъминотни таъминлашни шакллантирган ҳолда ишчанлик муносабатларини йўлга қўяди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида ҳам ўзига хос мотивлар мавжуд бўлиб, улар кўзга ташланмаган ҳолда асосан ички, ташқи ва жамоани

<sup>35</sup> Л.В.Перегудов, М.Х. Сайдов. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т.: «Молия» 2002 йил.  
210-б.

жўшқинлик руҳида ҳаракатлантирувчи мотивлардан иборат бўлади. Тадбиркорлик фаолиятидаги ички мотивлар бу фаолиятда ўзини ижодкорлик, ташаббускорлик ва интизомлилигини намоён этиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш қобилиятига эгалигини билдиришдан иборат. Ички мотивлардан самарали ва ўз вақтида тўғри фойдаланиш тадбиркорга ўзвий боғлиқдир (1.4-расм).



**1.4-расм. Тадбиркорлик фаолиятидаги мотивлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари<sup>36</sup>**

Тадбиркорлик фаолиятидаги ташқи мотивлар айнан тадбиркорлик фаолияти ривожида иштирокига кўра унинг ўзига хос хусусиятларига кўйидагилардан иборат:

<sup>36</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

- тадбиркорлик фаолиятидаги моддий рағбатлантириш-бунга ходимлар тоифасини ошириш, шахсий қўшимча рағбатлар, турли мукофотлар билан тақдирлаш;

- тадбиркорлик фаолиятда хизмат лавозими бўйича юқорилаш ва уни қўллаб-куватлаш;

- тадбиркорлик фаолият жараёнида маънавий рағбатлантириш яъни, ходимнинг қилган меҳнатига миннатдорчилик эълон қилиш ва тақдирлаш;

- тадбиркорлик фаолият жараёнида мажбурий жазо-чораларни қўллаш бунда мунтазам назоратни ташкил этиш, меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимни жазолаш чораларини қўллаш.

Тадбиркорлик фаолиятидаги ички ва ташқи мотивлардан ташқари жамоани жўшқинлик руҳида ҳаракатлантирувчи мотивлар ҳам ҳам мавжуд бўлиб, бу айнан рағбатлантириш билан бирга тадбиркорлик фаолиятини бошқариш жараёнида яхши самара беради ва улар қўйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик фаолиятидаги ходимлар ўртасида ошкораликни таъминлаш ва жамоа ичидан содир бўлаётган ишлар ҳақида хабардор бўлиши таъминлаш;

- тадбиркорлик фаолиятидаги ходимларга белгиланган мажбурият-ларни аниқ ва асосланган ҳолда ходимлар ўртасида тақсимлаш;

- тадбиркорлик фаолиятини бошқарувчи раҳбар жамоанинг барча аъзолари мақсадни аниқ тушуниши ва шунга қараб фаолиятни ташкил этиши;


- тадбиркорлик фаолиятидаги вазифаларни режалаштиришда барчанинг иштирокини таъминлаш;

- тадбиркорлик фаолиятида ходимларнинг меҳнатларига қараб яхши меҳнат қилганларни доимо рағбатлантирилиши ҳақида огоҳлантириш;

- раҳбарлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини аниқ ташкил этиш ва бошқариш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадбиркорлик фаолиятини мотивлаш мураккаб жараён бўлиб, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳам турли омилларга

боғлиқ бўлиб, уларга: руҳий-аҳлоқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий мотивация омилларига бўлинади (1.5-расм).



**1.5-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир этувчи мотивациявий омилларнинг гурухланиши<sup>37</sup>**

<sup>37</sup> Муаллиф томонидан илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

Тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир қилувчи мотивациявий омиллардан ҳисобланган руҳий-аҳлоқий омилларга қуидагилар киради:

- иш жойидаги муҳитнинг ўзгариши тадбиркорлик фаолияти ривожига жиддий таъсир қилиши, яъни ходимнинг ишга бўлган муносабатига руҳий жиҳатдан таъсир қиласи;
- тадбиркорлик фаолияти ташкил қилинган муҳитда шовқин-сўроннинг бўлиши, бу ҳам фаолиятга руҳий жиҳатдан таъсир қиласи;
- эргономиканинг яхши ташкил этилмаганлиги, яъни тадбиркорлик фаолиятида ходимлар учун қулай руҳий-аҳлоқий муҳитнинг мавжудлигини таъминлаш;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида жамоанинг бир-бирига бўлган муносабатларини яхшилаш;
- иш жойидаги тозаликка бўлган доимо эътиборнинг бўлиши ҳам руҳий-психологик муҳитга ўз таъсирини ўтказади;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида ходимлар учун ихчам иш жойининг яратилиши ва аҳлоқ-интизом қоидаларига риоя қилиниши барчадан бирдек талаб қилиниши лозим;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида ходимларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олиниши, яъни ходимларни бошқарувчи психолог бўлиши ва уларнинг ҳолатига қараб бошқарув фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик фаолияти ривожидаги мотивациявий омиллардан ташкилий омиллар қуидагилардан иборат бўлиб, унга:

- тадбиркорлик фаолияти ходимларни ишга бўлган қизиқишлиярига бевосита боғлиқ, чунки инсонларни мажбурий ишлатиб бўлмайди, балки уларда ички ҳис-тўйғунинг шаклланиши меҳнатга бўлган муносабатни оширади;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида ходимларни самарали меҳнат қилиши уларни узвий ўқитиш ва малакасини оширишга бевосита боғлиқдир;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимларнинг амалга кўтарилишини

ташкил қилиниши уларнинг ишга бўлган муносабатини янада яхшилади;

- тадбиркорлик фаолияти ривожида ҳар бир ходим ўз маъсулиятини билиши ва шунга қараб ҳаракат қилиши шартлиги;
- тадбиркорлик фаолиятида ҳар бир ходимнинг ташаббусини қўллаб-куватлаш лозим;
- ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир этувчи ноўрин фаолиятига қараб жазо чораларини қўллаш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимлар хавфсизлигини таъминлаш;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида истиқбол режаларни амалга оширишга барчага teng шарт-шароитларни яратиш.

Тадбиркорлик фаолияти ривожидаги мотивациявий омиллардан асосийси иқтисодий омил ҳисобланиб, у тадбиркорлик фаолияти ривожига жиддий таъсир этувчи омиллардан бўлиб, у қуидагилардан ташкил топган:

- тадбиркорлик фаолиятида ходимларни иқтисодий рағбатлантириш механизмини жорий қилиш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимларга мукофот ва диведендернинг ўз вақтида тўлаб беришни таъминлаш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимлар меҳнатига яраша яхши иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- тадбиркорлик фаолиятидаги молиявий масалаларга эътиборни янада ошириш;
- тадбиркорлик фаолиятидаги турли қарздорлик ҳолатини камайтириш;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида ички ва ташки бозор коньюктурасини таҳлил қилиш;
- тадбиркорлик фаолияти ривожида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва тадбиркор ўз имиджини яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятидан кўзланган мақсал ўз фойдасини оширишга эришиш.

Таъсир этувчи мотивациявий омиллар қаторида ижтимоий омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, улар айнан тадбиркорлик фаолияти ривожига

ўзининг ижобий таъсирини ўтказади ҳамда улар қуидагилардан ташкил топган:

- тадбиркорлик фаолиятида қулай ижтимоий шароитларни яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимларни маданий-маиший хизматлардан фойдаланишга кенг шарт-шароитлар яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимларнинг ўз соғлигини тиклашлари учун барча имкониятларни яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимлар қўнимсизлигини олдини олиш ва иш билан бандлик даражасига эътиборни ошириш;
- тадбиркорлик фаолиятида ходимларни ижтимоий ҳимоялашни тартибга солиш.

Ўйлаймизки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда юқорида келтирилган мотивациявий омилларнинг жорий қилиниши ва уни қўлланилиши соҳа ривожига ўзининг ижобий натижаларини беришига ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда асосий қўмак берувчи манбаа сифатида иштирок этади деб айтиш мумкин.

### **1.3. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар**

#### **таъсири ва уни баҳолаш услубияти**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини тубдан ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти хусусий мулкчилик ва бошқарув маҳоратларини ўзида тўлиқ мужассам этган ҳолда ривож топиб келмоқда. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш ҳам муракқаб масалалардан бири ҳисобланади. Жамият фаровонлигини таъминлаш, аҳолини озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш масаласи тадбиркорларга катта маъсулиятли вазифаларни юкламоқда.

Ўзбекистонда хусусий сектор вакилларидан бўлган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни муҳофазалаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги Фармони ҳал қилувчи ўрин тутади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши борасидаги муҳим хужжатлардан яна бири «Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида» ги 1995 йил 5 январдаги қабул қилинган Президент Фармонлари ҳисобланади. Президентимиз Фармонларига мувоғик, кўшимча равишда «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йилда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» ги ҳамда 2000 йил 15 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Шу билан бир қаторда ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилишни яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тадбирлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш борасида қонуний асослар яратилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг бурчлар ва ҳуқуқлари ҳамда улар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ишончли кафолати шаклланди. Бу борада ишончли кафолат механизми сифатида 1998 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик субъектларини текширишни ташкиллаштиришни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони, ҳамда «Хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган қонунлари ҳуқуқий кафолат механизми сифатида эътироф этиш мумкин. Юқорида номлари келтириб ўтилган, Президент Фармонлари ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни кучга

кириши муносабати билан тадбиркорлик фаолиятини рухсатсиз текширишлар сони камайди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелда қабул қилинган Фармонларига қўшимча «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» киритилган Фармони Ўзбекистонда амалдаги тадбиркорлик фаолияти қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг қуидаги ташкилий-хуқуқий шакллари фаолият юритиб келмоқда:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- микрофирмалар;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармокларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган;
- кичик корхоналар;
- енгил ва озиқ овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноати – 100 кишидан;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳалари – 50 кишидан;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар – 25 кишидан

ошмаган<sup>38</sup>.

Тадбиркорлик фаолиятининг юқорида келтирилган асосий субъектлари ҳисобланган соҳа вакиллари бугунги кунда ички ва ташқи бозорни маҳсулотлар билан таъминлашда хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз ўзининг ҳам сиёсий ҳам иқтисодий мустақиллигини қўлга киритган кунларидан бошлаб, МДҲ давлатлари ва бошқа ривожланган давлатлар билан иқтисодий интеграция муносабатларини йўлга қўйди. Бироқ, маҳаллий ресурсларимиздан ва интелектуал салоҳиятимиздан самарали фойдаланишнинг муҳим даври эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали экспортбоб ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришни қайта модернизациялаш натижасида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди. Бу масаланинг ягона ечими эса иқтисодиётнинг барқарор хусусий секторини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш лозим.

Илмий тадқиқотларимиз айнан, республикада тадбиркорлик фаолиятини етарли даражада ривожлантириш ва бошқаришга таъсир этаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивация омиллар таъсирини кучайтиришдан иборат.

Мамлакат рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида бошқариш ўзига хос тарзда тадбиркордан юқорида даражада маъсулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият юритишини талаб этади. Ҳар қандай фаолиятда ҳам бошқариш мураккаб жараён бўлиб, бошқариш механизмини тўғри ташкил этиш ва бошқарувда янги бошқарув услубларини қўллаш замон талабига айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан илмий тадқиқотларимиз айнан турли мотивациявий омиллардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Фармони. Халқ сўзи// Г. 2003 йил 30 август.

барқарор ривожлантиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик фаолиятида мотивациявий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини юқорида кўриб чиқдик, бевосита мотивацийи омилларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсири ҳамда бошқарув жараёнига таъсирини илмий-услубий жиҳатдан ўрганишимиз ва уни баҳолашимиз муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолияти ривожи бошқарувнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқ бўлиб, бу жараён тадбиркорлик фаолиятидаги мақсадларни амалга оширишда бирга меҳнат қилиб келаётган инсонларга узвий равишда ҳамоҳанг тарзда такомиллашади. Тадбиркорлик фаолияти бошқарувида ҳар бир раҳбар бошқарув қонуниятларини яхши билиши ва ўз бошқарув фаолиятларида улардан оқилона фойдаланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти бошқарув амалиётини режалаштиришдан ва уларни бажариш учун шарт-шароит яратишдан бошланади. Шу жиҳатдан раҳбар бошқарувда қуйидаги таъсир этувчи мотивациявий омиллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир:

- тадбиркорлик фаолиятининг мақсад ва имкониятларига муносиб бошқарув қарорларини қабул қилиш керак;
- тадбиркорлик фаолиятидаги якуний натижага фақат бошқарувчининг аниқ мақсадли бошқарув қарорлари орқали эришиш;
- тадбиркорлик фаолиятида бошқарув қарорлари чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим;
- тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда жамоа ўртасидаги мажбуриятлар ва бурчларни аниқ белгиланиши, меҳнат меъёрларининг чегараланиши зарур;
- тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда жамоада ҳар бир киши ўзини кўрсата билиши ва имкониятларини юзага чиқариши учун яхши меҳнат шароитини яратиш ҳамда ишдан қониқишилик даркор;
- тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда интилиб ва сифатли ишлаётган ходимга уни рағбатлантирмай туриб, бошқалар бажармаган ишни

кўшимча қилиб топширмаслик керак. Бу уни тез ва сифатли ишлашга бўлган иштиёқини сўндиради, бошқасида эса ишга бўлган муносабатни сўндириб боқимандачилик кайфиятини уйготади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда менежер ўзига бўйсинувчиларнинг юқори меҳнат самарасига эришишлари учун мотивлаш бўйича қуидаги чора-тадбирларга доимий тарзда амал қилиши лозим:

- тадбиркорлик фаолиятида белгиланган вазифаларни бажарувчилар малакасини мунтазам ошириш учун шароит яратиш, мамлакатдаги ва халқаро тажрибани ўрганиш, турли халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиши;

- тадбиркорлик фаолияти жараёнида иш бажарувчиларнинг янги билимларни эгаллашларини мунтазам таъминлаш.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивлаш жараёнида мажбурий чоралар ҳам қўлланилади, улар орасида мунтазам назорат юқори натижали ҳисобланади. Аммо, назоратнинг доимий бўлиши, тадбиркорлик фаолияти ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Тадбиркорлик фаолияти ривожининг энг яхши усули деб тан олинган жараён бу раҳбар томонидан тадбиркорлик фаолиятидаги ходимлар меҳнатини тўғридан-тўғри рағбатлантиришдан унумли фойдаланиши, бу эса қуидагилардан иборат:

- моддий ва маънавий рағбатлантириш тарзида бажарувчилар хизматини тан олиш;

- ташаббусни рағбатлантириш, бунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ходимлар томонидан ташаббускор фкир ва ғояларни эътиборга олиш ҳамда уни маъқуллаш лозим.

Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ўзига хос мураккаб масалалардан бири ҳисобланиб, бу борада фаолиятни бошқаришнинг қулай ва қонуний қоидаларига асосланган бошқарув усулларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти турли ҳудудларда ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи

омилларни илмий нуқтаи-назардан ўрганиш ва уни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш тадқиқотларимизнинг асосий ва муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқаришда қулай муҳитнинг мавжуд бўлиши бошқарув фаолиятида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Бошқаришда қулай тадбиркорлик муҳитининг бўлиши асосан қуйидаги омилларга бевосита боғлик, яъни: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллардан ҳуқуқий омил асосий омил бўлиб ҳисобланади, чунки тадбиркорлик фаолиятини бошқариш учун тадбиркорлик муҳитида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифаларнинг қонун-қоидаларини кўрсатиб беради. Бу қонун-қоидаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўлидаги барча чегара ёки чекловлар яққол кўрсатиб берилиши керак. Умуман олганда, ҳуқуқий омил – тадбиркорлик фаолиятини бошқариш йўлидаги барча қонунлар (солик, ер, меҳнат муносабатлари) ва йўриқномалар мажмуи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солади ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан бўладиган муносабатларини тартибга солади.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш жараёнидаги ҳуқуқий базанинг тўлиқ ёки бир меъёрда юритилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида амалиётда тадбиқ қилинаётган тадбиркорлик фаолиятига тегишли барча қонунлар қабул қилинсада улардан амалда тўғри ва холисона фойдаланилмаса бу жараёнда тадбиркор ўз фаолиятини бошқаришда мураккаб вазиятларга дуч келиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда сиёсий омилнинг ўзига хос таъсири бўлиб, тадбиркорлик жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир қўрсатиши ёки

аралашиши кераклиги ҳам сиёсий омил тушунчасига киради. Бундай аралашиш олдиндан белгиланмаган ёки белгиланган бўлиши мумкин. Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш фаоллиги даражасига давлатнинг муносабати рағбатлантириш механизми орқали ёки қўшилишмаслик қўринишида намоён бўлади.

Ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда тадбиркорликнинг ривожланишига ундаги сиёсий тизимнинг барқарорлиги катта таъсир кўрсатади. Агар сиёсий тизим барқарор бўлмаса, тадбиркорлар катта инвестицияларни жалб қўлмасдан юқори даражадаги фойда олиш мақсадида кичик муддатга мўлжалланган турли молиявий операцияларни амалга оширишга ҳаракат қилишади. Сиёсий ахволнинг барқарорлиги тадбиркорга ўз фаолиятини стратегик жиҳатдан лойиҳалаштириш, яъни узоқ муддатга мўлжалланган ишларни амалга ошириш имконини беради. Демак, сиёсий омилнинг мавжудлиги тадбиркорлик фаолиятига аралашмасдан уни бошқаришга замин яратиб беради.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ижтимоий омил ҳам бошқа омилларга нисбатан ўзининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб омиллардан бири ҳисобланади ва унинг таркиби эса кўпгина элементлардан таркиб топади. Агар тадбиркор бошқарув жараёнида уларни эътиборга олмаса, келгусида бошқарув муҳитининг ривожланишига салбий жиҳатдан таъсир қиласди. Ижтимоий омилнинг асосий элементлари қўйидагилар ҳисобланади:

- ✓ жамиятдаги миллий урф-одатлар;
- ✓ миллатнинг маданий ва майший одатларини мавжудлиги;
- ✓ атрофдаги инсонларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган қарашлари;
- ✓ давлатнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати;
- ✓ аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишлари.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорлик

фаолиятини бошқаришда иқтисодий омил энг муҳим омиллардан бири бўлиб, бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш шу вазиятда мураккаб кечади. Бозордаги нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси, ишлаб чиқариш жараёнига тадбиркор томонидан жалб қилинаётган ишлаб чиқариш омиллари, ишчи кучи, кредит фоизи ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бу ҳолатда бошқарувчи бошқарув қарорларини қабул қилишдан олдин бозордаги рақобат шарт-шароитлари, сифат ва маҳсулотларнинг миқдорий жиҳатларини таҳлил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан маълум бир шарт-шароитлар яратилган вазиятда самарали бошқариш мумкин. Унинг таркиб топиши, авваламбор, жамиятдаги маълум бир вазиятнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ундаги сиёсий ва иқтисодий вазият тадбиркорлик фаолиятини таркиб топтириш ва бошқаришга йўналтирилган бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини оқилона бошқариш ва ривожлантириш истиқболи тадбиркорлик муҳити билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иктисодий вазиятни акс эттиради. Ижтимоий-иктисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, тадбиркорлик капиталини мужассамлантириш шароитининг мавжудлиги ва керак бўлган ресурсларни ишлатиш киради.

Тадбиркорлик фаолияти муҳитини шакллантириш узвий бошқариладиган жараёндир. Бироқ, бошқариш усуллари маъмурий ёки директив кўринишида бўлиши мумкин эмас. Тадбиркорлик фаолияти муҳитидан келиб чиқиб, бошқаришнинг замонавий усулларини амалда синаш ва мақбулини қўлаш учун тадбиркорга кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда бошқарув механизмини такомиллаштиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишида тадбиркорларнинг ролини оширишда, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда, миллий бойликни ўстириш ва миллатнинг фаровонлиги оширишда ҳамда аҳоли ўртасида бандлик муаммоларини ҳал этишда хизмат қиласди.

Тадқиқот жараёнида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш масалалари ўрганиб чиқилиб, бу борада тадбиркорлик субъектлари учун ишсиз ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор мотивацион характеристдаги таклифлар шаклидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифларнинг асосийларидан бири тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солик суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкини ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган йўналишлардан биринчisi ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солик суммасини Давлат бюджетидан қайтариш 25 ёшгача бўлган ёшларни иш ўрни билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари учун қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу ёш оралиғида бўлган ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги асосий мотив иш билан таъминланган ёшлар учун ҳисобланган иш ҳақи фондининг 12 фоизи микдоридаги ижтимоий солик суммасининг давлат бюджетидан тадбиркорга қайтарилиши ҳисобланади. Бу жараён, бир томондан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ёшларни иш билан таъминлашга интилиши орқали ижтимоий самарани келтириб чиқарса, иккинчи томондан, тадбиркорга иш ҳақи фондига нисбатан ажратиладиган ижтимоий ажратмаларнинг маълум вақтдан сўнг қайтиши билан боғлиқ иқтисодий самара ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мотивнинг механизм сифатида шаклланишини таъминлашда айrim чегара мезонларининг қўлланилиши шарт. Бунда тадбиркор томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда, уларнинг энг камида 6 ой давомида ушбу иш ўринларида банд бўлишини кафолатлаш учун давлат бюджетидан

қайтариладиган ижтимоий солиқларнинг еттинчи ойдан бошлаб қайтарилиши лозим.

Амалий таклифнинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган давлат мулкини ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз беришда эса имтиёзли ижара майдонининг ишга банд қилинган «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларнинг сонидан келиб чиқкан ҳолда белгиланиши таклиф этилади. Ушбу имтиёзни қўллашда ишсиз ёшлар сони кўп бўлган худудлар бўйича табақаланувчи мезонларни қўллаш худудларда айнан ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги иқтисодий механизмларнинг мотивацион таъсирини оширади. Яъни ишсиз ёшлар сони юқори бўлган аҳоли пунктларида имтиёз қўлланиладиган майдонларнинг камроқ бўлиши ва, аксинча ҳолат Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни давлат мулки обьектини ижарага олган ҳолда банд қилган тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий мотивациянинг самарадорлигини оширади (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини ижарага олишда ижара майдонлари бўйича тақдим этилиши мумкин бўлган имтиёзлар<sup>39</sup>**

<b>«Ёшлар дафтари» га кирувчи банд қилинган ишчилар сони</b>	<b>Давлат мулки обьектининг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони, м<sup>2</sup></b>			
	<b>Пойтахт туманлари</b>	<b>Вилоят марказлари</b>	<b>Туман ва шахар марказлари</b>	<b>Бошқа худудлар</b>
5 та	50	75	100	125
6 дан — 9 гача	60-100	100-120	120-150	180
10 дан — 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320

<sup>39</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу таклиф ишсиз ёшларни иш билан таъминлашга, тадбиркорлик субъектларини эса давлат томонидан рағбатлантирилишига мотивацион омил сифатида баҳоланади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар таъсири ва уни баҳолаш услубиёти 6-расмда келтирилган бўлиб, унда мотивация омилларининг бошқарув ҳолатига таъсири баҳоланганди.



### 1.6-расм. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар таъсири ва уни баҳолаш услубиёти<sup>40</sup>

1.6-расмда келтирилган бошқарувда мотивация омилларини бошқаришда қўлланилиши ва уни баҳолаш ҳолати ўрганилган бўлиб, уларнинг бир-бирига

<sup>40</sup> Муаллиф томонидан илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

узвий боғлиқлиги таъминланса ижобий самара бериши мумкин, акс ҳолда:

Биринчидан, мотивация омилларидан бири ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бошқаришни шакллантиради агар давлат аралашуви кучайган ҳолатда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш қийин кечади бу эса бошқарувда салбий натижани бериши мумкин ёки аксинча.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятида моливий рағбатлантириш тизимининг мавжудлигини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятида ишончли муҳитни яратади, шунингдек, бошқарувчилар доимо моливий кўмак олишга муҳтожликлари улардаги бошқарувнинг салбий камчиликлари сифатида эътироф этилади.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг фикрларини эътиборга олиниши бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида муҳимдир, баъзида жамоа фикрига таяниш орқали бошқарув қарорларини ишлаб чиқилиши ва амалда қўлланилиши яхши самара беради.

Тўртинчидан, тадбиркорликда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бошқарув самарасини таъминлайди ва бошқарувда ижобий натижа беради, чунки, тадбиркорлик фаолияти бевосита ходимларнинг самарали фаолиятига боғлиқ бўлиб, бошқарувчи ходимларсиз ўзи ҳеч қандай натижага эриша олмайди.

Бешинчидан, тадбиркорлик фаолиятини бошқараётган бошқарувчи бевосита ўз ходимларининг ижодкорлик ва ташаббускорлигини эътиборга олиш, бошқарувчи ижодкор ва ташаббускор бўлиши ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилиши ижобий ютуқларга сабаб бўлади, чунки тадбиркорликнинг туб мақсади яратувчанликдан иборатлигини ҳисобга олиб, истеъмолчилар учун янги турдаги маҳсулот ва хизматларни яратишдан иборат.

Олтинчидан, тадбиркорлик субъектларини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш ҳамда бошқарувчи доимо ўз ходимлари учун ижтимоий ҳимоя механизмини таъминлаши кераклиги, бу эса бошқарувчидан

ижтимоий ҳимояни таъминлаш орқали ҳам ижобий натижага эришишига имконият яратиб беради.

Умуман олганда, юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларни муваффакиятли амалга ошириш учун тадбиркор ўз фаолиятини бошқаришда бир қатор изчил ҳаракатларни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатлар танлаб олинган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш шаклларига боғлиқ. Шу билан бирга, тадбиркор ўз фаолиятини бошқаришда қўйидагиларни эътиборга олиши ва узвий даражада таҳлил қилиши керак:

- бозор ва унда вужудга келадиган вазиятни ўрганиш ва уни тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга таъсирини баҳолаш;
- тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш.

Тадбиркор бошқарувда қулай иш муҳитини таҳлил қилишда тадбиркор булар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатишнинг энг самарали усулини топиши керак. Бироқ, бунга доимо эришиш қийин кечади, чунки, бозор вазияти ўзгарувчан, унга доимо талаб, таклиф, нарх, рақобат шароитларининг ўзгариши таъсир этади, бу эса бошқарувда қийинчилик туғдиради. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш тузилмаси ва ишлаб чиқариш дастурларининг бозор вазиятидан келиб чиқиб ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувни оқилона ташкил этиши шарт.

Тадбиркорлик фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарув масъулиятини зиммасига олиш каби функциялар тадбиркорликни бошқариш фаолияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорни менежер тушунчасидан ажратмоқ зарур. Замонавий бозор иқтисодиётини шакллантиришда тадбиркордан юқори даражадаги бошқарув маҳоратини талаб қиласди.

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни бошқариш фаолиятидан фарқ қиласа, бошқа томондан ҳар бир ишбилармон ҳам менежмент функцияларини тўлиқ бажара олмайди. Менежмент асосларига бағишлиган китобда бу хақда ижобий фикрлар билдирилган бўлиб, яъни: «Шахсий таваккалчилик,

молиявий имкониятга бўлган муносабат, тинимсиз қаттиқ меҳнат қилиш каби хусусиятларга эга бўлган тадбиркор йириклишиб бораётган корхонани бошқариб кетади, деган гап эмас»<sup>41</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги бозор муносабатлари шароитида «тадбиркор» тушунчasi «менежер» тушунчасига жуда яқин туради. Шу билан бирга, тадбиркор мулкдор бўлсада, менежер доимо бошқарувчи сифатида гавдаланади. Амалда эса, аксарият мулкдорлар менежер функциясини бажаради, қатор менежерлар эса ўзлари бошқариб турган ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиб қолмоқда.

Тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолиятни бошқаришдан ҳам иборатлигини таъкидлаш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини тўғри бошқаришда мотивация омилларининг таъсирини кучайтириш ва уларни бошқарув амалиётига тадбиқ этиш тадбиркорнинг шахсий даромад манбааларини ошишига ҳамда тадбиркорда мустақил бошқарувчанлик қобилиятининг пайдо бўлишига замин яратиб беради. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг амалий асосларини такомиллашуви уни мотивлаш даражасига боғлик ҳолда ривожланади.

---

<sup>41</sup> М.Х. Мескон, М.Альберт, Ф.Хедуори. Основы менеджмента. М., 1992.44-бет.

## **I-боб бўйича хуносалар**

1-бобда ўтказилган назарий ва услубий тадқиқотлар натижасида куйидаги хуносаларга келиш имконини берди.

1. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мамлакат тараққиётини белгиловчи, хусусий мулкчилик тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи иқтисодий дастак сифатида хизмат қилиб келмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали ахолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик масалари борасидаги тадбирларни ҳал қилиш осон кечади.

2. Тадбиркорлик фаолияти бевосита бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш вазифасини бажаради; иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни модернизациялашга ундовчи механизм сифатида иштирок этади, соҳага янги инновацион технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини диверсификациялашни амалга ошириш каби тадбирларни қўллашда бошқарувчи ва ходимларни рағбатлантиришни талаб этади.

3. Тадбиркорлик фаолиятини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асл сабаби маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва турли соҳаларда хизмат кўрсатувчи тадбиркорларда бошқарув қўнималарининг пастлиги эмас, балки соҳага тегишли маъмурий-иктисодий қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда белгиланган тарзда амал қиласлик юзага келмоқда.

4. Тадбиркорлик фаолиятининг туб назарий моҳиятини тушуниш у вужудга келган даврдан то ҳозирги кунгача бўлган ўзгаришларни англаб этиш, натижасида унга аниқ таъриф бериш талаб этилади. тадбиркор ёки тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда жамият қонунларига бўйсунган ҳолда фаолият юритади, унда ўзининг мулки ёки қарзга олинган мулки билан иштирок этади ҳамда барча маъсулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойда кўришга шунингдек, шиддатли рақобат муҳити шароитида ўз ташаббуси ва ҳаракати билан фаолият юритишини англаб этишимиз лозим.

5. Ўтказилган миллий ва хорижий адабиётлар таҳлили муаллифга республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унда мотивация омиллар таъсирида бошқарув механизмини жорий этишни асосий сабабларни ва ўзига хос хусусиятларни яратиш имконини берди, аксарият давлатларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бўлган эътиборнинг юқорилиги ҳамда мотивациявий омилларнинг таъсир даражаси юқорилиги, соҳага тегишли қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг жавобгарлигига доир қоидаларининг ишламаётганлиги; тадбиркорлик фаолиятда бошқарув соҳасида тажрибали юқори малакали менежерларнинг тақчиллиги ҳамда соҳани рағбатлантириш борасидаги мавжуд муаммолар туфайли бошқарувнинг самарасиз амалга оширилиши.

6. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишида мотивация тушунчасини назарий жиҳатдан ўрганиш, бу соҳанинг жадал ривожланишига олиб келади. Хусусан, мотивация - бу шахсни бошқарув фаолиятидаги жараёнларида муайян мақсадни амалга оширишда ишга йўналтирувчи ҳатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш руҳида ҳаракатланиши хисобланади. Шу билан бирга инсон томонидан бўладиган барча ҳатти-ҳаракатлар ўзи-ўзидан бўлмайди, балки уларнинг замирида маълум бир мақсад ёки манфаатларнинг бўлиши мотивацияни шакллантиради ва уни ривожлантиришга ундейди.

7. Тадбиркорлик фаолиятида ҳам ўзига хос мотивлар мавжуд бўлиб, улар кўзга ташланмаган ҳолда асосан ички, ташқи ва жамоани жўшқинлик руҳида ҳаракатлантирувчи мотивлардан иборат бўлади. Тадбиркорлик фаолиятидаги ички ва ташқи мотивлардан иборат бўлиб, бу фаолиятда ўзини ижодкорлик, ташаббускорлик ва интизомлилигини намоён этиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш қобилиятига эгалигини билдиришдан иборат. Тадбиркор ички ва ташқи мотивлардан самарали ва ўз вақтида тўғри фойдаланиш тадбиркорга узвий боғлиқдир.

8. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар таъсирида бошқариш механизмини ташкил этиш, бошқарувчининг ички ва

ташқи мұхит билан боғлиқлик даражасига, шунингдек, тадбиркор бошқарувни самарали ташкил этишда мотивациявий омиллардан фойдаланиш орқали ўз муаммоларини ҳал қилишга эришиши мүмкін. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш жараёнига мотивациявий омилларни жорий қилиш механизмини яратиш керак.

9. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулданаётган субъектлар бевосита ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ишчи ходимларнинг ҳаракатларига таянади, шу боис, уларнинг ҳаракатларини қўллаб-куватлаши ва рағбатлантириш зарур. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ички имкониятлар ва рағбатлантиришлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқилса, ишдаги муаммолар бартараф этилса фойда миқдори ошишига ҳамда иқтисодий манфаатлар таъминланишига имконият пайдо бўлади.

# **П-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА БОШҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

## **2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уни бошқариш ҳолати таҳлили**

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва молиявий барқарорлиги мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг натижасига боғлиқдир. Шу жиҳатдан, иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад, иқтисодий тараққиётни таъминлашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам жадал ривожлантириш масаласи туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йилнинг асосий якунлари ва 2021-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Олий Мажлисга Мурожаатномасида қўйидаги фикрларни баён этдилар, яъни “... ўтган йилларда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёning иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 0,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,0 фоиз, чакана савдо айланмаси 3,2 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 2,3 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди”<sup>42</sup>.

Бу барқарорлик кўрсаткичларига эришишнинг асосий омилларидан бири мамлакатимиизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ҳамда уларга яратилаётган имкониятлар

---

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон ракамларда 2020 йил январ-декабр ҳолатига. <https://stat.uz/uz>

самараси деб баҳолаш мумкин.

Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида куйидагиларни таъкидлаб ўтганлар Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-коидалар соддалаштирилади.

Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз “оёққа туриб олишлари” учун уларга кўмак беришни давом эттирамиз.

Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар келгуси йил якунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солигини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс микдори 30 фоизга етказилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.<sup>43</sup>.

Республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>. 2020.29.12.

тадбирлари тўғрисида”ги, “Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда “Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари юртимизда иқтисодиётни эркинлашуви ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгроқ қулоч ёйишида муҳим хукуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакат корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган турли муаммоларнинг пайдо бўлиши ва унинг ечимларини топишнинг мушкуллиги, уларни ҳал этиш, тадбиркорлик фаолиятини доимий равища таҳлил этилмаслиги ҳамда шу соҳаларда ишнинг кўнгилдагидек эмаслигига, кўп ҳолларда энг аввало, хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналарда бошқарув тизимининг замонавий тарзда ташкил этилмаганлиги, тадбиркорларни янги шароитларда вужудга келаётган иқтисодий ва хўжалик юритиш муаммоларини тўғри тушуниб, ижобий ҳал эта олмаётганлигини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотларни изчил амалга ошириш жараёни иқтисодиётни босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, уни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хусусий секторнинг ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилди. Тадбиркорлик фаолияти ривожи учун яратилган қулай шартшароитлар натижасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ривожланиб, уларнинг сони ўсиб бормоқда.

Хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланиши мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашда етакчилик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда ишбилармонлик мухитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки “Бизнес юритиш” рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда

Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш”, деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ноchor корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш”, деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154 ўриндан 42 ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.<sup>44</sup>.


Мамлакатимиз хукумати томонидан олиб борилаётган бугунги иқтисодий ривожланиш стратегияси иқтисодиётда нодавлат секторининг салмоғи ва аҳамиятини ошириш, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши камида яқин 5-10 йил ичида эса 50-60 % гача етказилиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг асосий иш ўрни ҳамда даромадларининг ўсиш манбаига айланиши, шунингдек, мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори сифатида хусусий тадбиркорлик ва кичик ҳамда ўрта мулк эгалари синфининг вужудга келиши учун шарт-шароитлар яратиб бериши лозим.

2.1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуш ҳажми келтирилган бўлиб, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 54,2 фоизни ташкил этмоқда. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги

<sup>44</sup> С.Тоғаев, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги. “Тадбиркор – иқтисодиёт таянчи, у қонун химоясида” йиллик ҳисоботи. Тошкент. Декабр 2020

улуш ҳажми ўтган 10 йил мобайнида 0,2 (2016 йилда 20%) фоизгача, яъни 1,005 маротаба ўсганлигини қўриш мумкин.



**2.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушки<sup>45</sup>**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини вилоятлар кесимида ўсишини 2.1-жадвал маълумотларидан қўриш мумкин.

2.1 жадвал маълумотларидан қўриш мумкинки, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётида салмоқли ўринни эгалламоқда, шунингдек, йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўсиши ҳам шу вилоятлар ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда иқтисодиёт тармоқларини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ҳамда жамиятдаги мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланишда хусусий тадбиркорлик фаолиятининг роли ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан Ҳукумат томонидан соҳани ривожлантиришга бўлган эътиборнинг ортаётганлиги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун етарлича шарт-шароитлар, қонуний ва меъёрий асослар, маҳаллий ресурслар, давлат томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қабул қилинган ва қабул қилинаётган солик,

<sup>45</sup> Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитаси хисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

кредит ва бошқа соҳалардаги имтиёзлар мавжудлиги уларни барқарор ривожлантиришдаги стратегик масалалардан деб қарааш лозим.

## **2.1-жадвал**

### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича ялпи ички маҳсулотдаги улуши**

Вилоятлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %			
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилни 2018 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
Ўзбекистон Республикаси	<b>60,4</b>	<b>56,5</b>	<b>54,2</b>	<b>-6,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	55,2	54,4	54,6	-0,6
Андижон	72,3	71,4	69,1	-3,2
Бухоро	80,3	75,7	76,9	-3,4
Жиззах	85,3	84,1	83,2	-2,1
Қашқадарё	63,7	60,1	69,0	4,3
Навоий	41,0	31,3	23,8	-17,2
Наманган	80,0	79,2	74,6	-5,4
Самарқандг	80,3	77,5	75,4	-4,9
Сурхандарё	80,0	78,2	76,0	-4
Сирдарё	76,5	73,2	72,6	-3,9
Тошкент вил.	57,7	52,7	49,8	-7,9
Фарғона	70,7	67,0	65,1	-5,6
Хоразм	77,8	75,3	73,6	-4,2
Тошкент ш.	65,1	60,4	47,5	-17,6

Манба: Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитаси ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишининг энг асосийси масалаларидан бири мамлакат фуқароларининг меҳнат қилишга бўлган кучли иштиёқидир. Бугунги кунда ҳар фуқаро ўз бизнесига эга бўлишни, ўз корхонасини, ўз дўконини ёки бошқа бирор хусусий тадбирорлик корхонасини ташкил қилишни ҳоҳламаган инсонни топиш амри маҳол. Бошқача айтганда, тадбиркорлик ва бизнес – бу оммавий мода ёки ривожланган мамлакатларга тақлид қилиш эмас, балки ички эҳтиёжлардан келиб чиқиб объектив зарурият ҳамда давр талабига

айланди.

Иқтисод соҳасининг етук олимлари хусусий тадбиркорлик фаолиятини нодавлат секторининг “локомотивлари” деб аташмоқда. Улар иқтисодий ўсиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатмоқдалар ва иқтисодиётда соғ рақобатчилик муҳитини вужудга келтироқмоқдалар.

Шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2016 йилдаги 45,3 фоиздан 2020 йилда 25,3 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 99,8 фоиздан 97,8 фоизга, савдода 83,6 фоиздан 81,4 фоизга, юк ташишида 65,6 фоиздан 52,3 фоизга пасайган, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 40,3 фоиздан 50,3 фоизга, экспорт ҳажмида эса 46,8 фоиздан 51,4 фоизга қадар ошди (2.2-жадвал).

## 2.2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидағи улушининг 2017-2021 йиллардаги ҳолати (фоизда)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2017 йилни 2021 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
Саноат	41,2	37,4	25,8	27,9	27,0	-14,2
Қишлоқ хўжалиги	98,1	98,1	98,1	97,8	98,2	0,1
Инвестиция	34,8	34,9	44,3	50,3	56,7	21,9
Курилиш	64,8	73,2	75,8	72,1	72,4	7,6
Савдо	88,3	86,3	85,0	81,4	89,0	0,7
Хизмат кўрсатиш	58,4	55,2	53,5	52,4	58,5	0,1
Юк ташиш	54,2	54,4	54,3	52,3	54,5	0,3
Йўловчилар ташиш	90,1	90,8	91,2	94,3	95,0	4,9
Бандлик	78,0	76,2	76,2	73,8	75,0	-3,0
Экспорт	27,0	27,2	27,0	17,6	22,3	0,3
Импорт	53,6	56,2	61,6	51,4	48,7	4,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида хисобланган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, иқтисодиёт тармоқларининг қурилиш ва йўловчи ташиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ортганлигини кўриш мумкин, факат хизмат кўрсатиш соҳасида ўтган йилларга нисбатан пасайишини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор юксалтириш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва бу орқали аҳолининг реал даромад манбааларини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, улар учун ишончли кафолатлар яратиш кўзда тутилган.

### 2.3-жадвал


#### **Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ривожланишининг 2017-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчо в бир лиги	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2021 йилни 2017 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши	%	63,4	60,4	56,5	54,2	54,9	-10,4
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони	Минг киши	10541,5	10128,8	10313,4	9402,0	10610,2	131,3
Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидаги улуши	%	78,0	76,3	76,2	73,8	75,0	-3,0
Янги ташкил этилган иш ўринлари сони	Минг ўрин	908,0	1075,1	1375,2	2300,0	2350,0	1442
Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	дона	12,4	13,2	13,3	15,6	16,1	4,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида хисобланган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши натижасида тадбиркорлик фаолиятининг ЯИМ даги улуши 2010 йилда 53,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 53,9 фоизни ташкил этмоқда, ўсиш даражаси фарқи 0,9 фоизга ортган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши натижасида тадбиркорликда банд бўлганлар сони ҳам йиллар

мобайнида ўсиб борган. Янги ташкил этилган иш ўринлари сони ҳам ўтган 2010 йилга нисбатан 768,4 минг кишига ортган. Тадбиркорлик фаолиятида ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сонининг 2010 йил январ ҳолатига кўра 15,6 фоизни ташкил этмоқда ва ўтган 2010 йилга нисбатан фарқ даражаси 0,5 фоизни ташкил этмоқда.



**2.2-расм. 2021 йилда янги иш жойлари яратиш дастури  
(тармоқлар бўйича, минг иш ўрни)<sup>46</sup>**

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2021 йилда янги иш жойларини яратиш борасидаги Давлат дастурига мувофиқ, республикамиз ҳудудларида иқтисодиётнининг турли тармоқларида янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган бўлиб, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида 483,1 минг иш ўрни, уй меҳнати ва касаначиликни ташкил қилиш орқали 217,2 минг иш ўрни, фермер ва дехқон хўжаликларида 122,7 минг иш ўрни, инфратузилмани ривожлантириш орқали 73 минг иш ўрни, айрим сабабларга кўра ишламаётган корхоналарни тиклаш орқали 13,6 минг иш ўрни, янги ишлаб чиқариш объектлари, қувватларини кенгайтириш орқали 57,9 минг иш ўринларини яратиш дастурда режалаштирилган. Ушбу дастур мақсадларидан кўриш мумкинки,

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

энг катта маъсулиятли вазифа яна кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари зиммасига юкланмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, ахолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (2.4-жадвал).

#### 2.4-жадвал

#### Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши, минг киши

Кўрсаткичлар номи	2018	2019	2020	2020 йилни 2018 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
	йил	йил	йил	
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	661	940,5	950	289
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	374,3	391,8	600	225,7
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	8,0
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	76,3	76,2	73,8	-2,5


Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

2018 йилда мамлакатимизда жами 661 минг янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 374,3 минги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келган. 2020 йилда эса 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари фермер хўжаликлари билан бирга ҳисоблаганда 600 минг кишидан ортиқни ёки 65 фоизни ташкил этди.

2020 йилда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами ахолининг 73,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда, ўтган 2019 йилга нисбатан 2,4 фоизга пасайган (2.3-расм).

Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ахоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда ёки 2018 йилга нисбатан 2,5 фоизга камайди. Маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2018 йилда 76,3 фоизни ташкил этган

бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 73,8 фоизни ташкил этди ёки 2018 йилга нисбатан 2,5 фоизга камайди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари

### **2.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушини вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Андижон ва Самарқанд вилоятларида ушбу соҳада банд бўлганлар сони 80 фоиздан юқоридир (2.5-жадвал).

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-куватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 52,5 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушкига тўғри келган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 60,4 фоизни, 2019 йилда 56,5 фоизни, 2020 йилда эса 54,2 фоизни ташкил этди ёки 2010 йилга нисбатан 1,7 фоизга ўсади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири – аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Тадбиркорлик ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда ўз даромадларини ошириш билан жамият бошқа

аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади.

## 2.5-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши

Вилоятлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши, %			
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Ўзгариши (-;+)
Ўзбекистон Республикаси	76,3	76,2	73,8	-2,5
Қорақалпоғистон Республикаси	69,9	70,5	71,2	1,3
Андижон	80,3	81,0	81,2	0,9
Бухоро	75,0	76,3	76,3	1,3
Жиззах	76,8	77,3	78,0	1,2
Кашқадарё	73,3	74,4	74,9	1,6
Навоий	55,3	55,9	55,9	0,6
Наманган	77,1	77,8	78,4	1,7
Самарқанд	80,0	80,8	81,2	1,2
Сурхондарё	73,8	74,3	75,0	1,2
Сирдарё	76,2	76,9	77,8	1,2
Тошкент	71,8	72,6	73,0	1,2
Фарғона	77,0	77,5	77,5	0,5
Хоразм	76,5	77,5	78,0	1,5
Тошкент ш.	56,5	56,5	56,6	0,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Келгусида тармоқ йўналишларига қўра кичик бизнес субъектлари учун қўйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган:

- 2019 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2020 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;
- 2020 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;


Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ

имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади.

Хусусан, 2020 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фозга пасайтирилган бўлса, 2022 йилда эса бу кўрсаткични 6 фоизга тушириш мўлжалланган.

Тадбиркорлик субъектларига уч йилдан ортиқ вақтдан буён ҳисобланган солиқлар ва божхона тўловларини муддатида тўлаб келган, молиявий аҳволига кўра солиқ ва бож тўловларини тўлаш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришнинг мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сўнгти йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тадбирлари ҳам кучайтирилди. Хусусан, 2019 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 18517,5 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 26902,6 млрд. сўмни ташкил этди.



#### **2.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуси, фоизда**

2021 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробарга кўпайтириш белгиланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги

улуси 2020 йилда 20,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 6,8 фоизга ошган (10-расм). 2020 йилда кичик бизнеснинг экспорт ҳажми 124078,9 минг АҚШ долларига етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушкини вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Сирдарё (80,8 фоиз), Хоразм (70 фоиз), Сурхандарё (63,9 фоиз) ва Жиззах (61,6 фоиз) вилоятларида уларнинг салмоғи анча юқори бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” ни ривожлантириш ва мавжуд тизимни такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қўйидагилардан иборатdir:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- худуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир худуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиқсан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- худуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илгор тажрибаларни қўллаш;
- маҳаллаларда оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу

асосда оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- худудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- худуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

Республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш, соҳа ривожи учун қулай ва тушунарли тарзда иқтисодий ва ҳуқуқий қонунчилик тамойилларини яратиш, яратилга маҳсулот ва хизматлар билан жаҳон бозорларига чиқишиари учун шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи мотивацион омилларни баҳолаш**

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида юз берган миңтақавий ривожланишдаги геосиёсий ўзгаришлар муқаррар равишида тадбиркорлик фаолиятини ҳудудий ташкил этишнинг барча даражаларида геоиқтисодий шарт-шароитлар ва репродуктив фаолият омиллари мажмуасининг маълум даражада тузилмавий жиҳатдан ўзгаришига олиб келмоқда. Табиий ва ижтимоий муносабатларнинг ўзаро алоқасида меҳнатнинг барча жиҳатларининг мураккаблашуви одамларнинг тадбиркорлик фаолияти узок

вақт давомида алоҳида мамлакатлар ва минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган, шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти глобал ижтимоий-репродуктив жараённинг инқирозга қарши оқимиға йўл топиш учун ҳақиқий географик рағбат ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида юз бераётган глобал ўзгаришлар ҳамда ушбу ўзгаришларнинг мамлакатлар ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсирини, шу билан бирга улардаги худудларнинг иктиносий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иктисодий тизимлар, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда омиллар ва уларнинг таъсир даражасини эътиборга олиш зарур.

Бугунги глобал ўзгаришлар жараёнида барча малакатлардаги тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, бир томондан, мамлакатнинг ички ижтимоий-иктисодий ҳолати ҳамда ресурс салоҳиятига боғлик бўлса, иккинчидан, жаҳон минтақаларида юз бераётган глобал ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғланган. Шуни назарда тутган ҳолда, тадбиркорлик салоҳияти юқори бўлган мамлакатлар ва уларнинг худудларида тараққиётни тизимли-таркибий омилли таҳлил асосида амалга ошириш белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

Минтақа ҳамда худудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг омилли жиҳатларини тизимли таҳлил қилиш тадбиркорлик фаолиятини оптималлаштиришга комплекс ёндашувни амалга оширишнинг реал ижтимоий-иктисодий механизmlарини ишлаб чиқиш имконини беради. Омилли таъсир тузилиши ўрганилаётган тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш йўлларини излашнинг аниқ услубий йўналиши унинг замонавий ривожланиш салоҳиятидаги геоиктисодий таъсирлар омилиниң ҳукмронлиги шароитида долзарбdir.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш омилларининг дастурли модели таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу мураккаб ижтимоий-иктисодий масалани тадбиркорлик фаолиятидаги устувор мақомнинг реаллигини амалда


таъминлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Ўз навбатида, устуворликни ўсиб бораётган талабни қондириш учун бутун ҳудуддаги ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида амалга ошириш мумкин.

Бошқача айтганда, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятининг мураккаб иштироки бозорнинг барча фаолият сегментларида технологик ва бошқарув инновациялари учун асосий рўйхатни оптималлаштириш чораларини қўллаш имконини беради.

Омилларнинг ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти тузилиши асосида биз томонимиздан таклиф этилаётган соҳа ривожланишини фаоллаштиришнинг концептуал модели қўйидаги ўзаро боғлиқ омилларни ўз ичига олади:

**1. Статистик омил.** Ҳудудда тадбиркорлик фаолияти ривожланишини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимида статистик омил нафақат таҳлил учун манба, балки тадбиркорлик фаолиятининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий фаолиятидаги етакчи фаолиятга айлантирувчи механизми яратишдаги асосий омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти ҳолатини акс эттирувчи умумлашган маълумотлар мавжуд бўлсада, юқори салоҳиятга эга алоҳида ҳудудлар бўйича аниқ ва ишончли маълумотлар ҳисоби юритилмайди.

Мавжуд статистика амалиёти бўйича ҳудудларда маҳсус анкета сўровлари амалга оширилмайди, амалдаги статистик маълумотлар ахборот манбаларида келтирилган умумий маълумотлар устидаги ҳисоблашлар, эксперт баҳолари ҳамда айрим ҳолларда мантиқий таҳлил асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар тадбиркорлик фаолиятининг фақатгина уюшган секторини ифодалайди. Тадқиқотларга асосланган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини акс эттирувчи статистик кўрсаткичларни ўз-ўзини рўйхатга олишни жорий этиш орқали ҳудудлардаги тадбиркорлик фаолияти натижаларини ифодаловчи статистик маълумотларни шакллантириш таклиф этилади.



**2.5-расм. Худудларда тадбиркорлик фаолияти ривожланишини фаоллаштириш омилли моделининг даражалари<sup>47</sup>**

**2. Ишлаб чиқариш омили.** Ушбу омил бутун ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш, яъни ҳудуддаги

<sup>47</sup> Муаллиф томнидан ишлаб чиқилган.

асосий тадбиркорлик фаолияти ва унинг атрофида шаклланган бошқа фаолият йўналишларини ишлаб чиқариш тизимиға бирлаштиришни назарда тутади.

**3. Интеграция омили.** Худудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг омилли моделида бозорда маҳсулот ва хизматларни таклиф этиш жараёнини интенсивлаштиришда интеграция (кооперациялашув) омили муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу омил асосида тизимнинг барқарор ишлаб чиқариш-технологик алоқалари шаклланади. Интеграция омили таъсирида тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши билан жараён занжиридаги барча боғланишларнинг ўзаро боғлиқлиги барқарорлиги тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро чизиқли-поғонали тамойили асосида таъминланади. Интеграциялашган ташкилий тузилмага эга бўлган худудий тадбиркорлик муҳити юқори даражадаги синергетик ўз-ўзини таъминлаш даражасига эга бўлиб, худуд ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида мультиплекатив таъсири тўла амалга ошириш билан ўз-ўзини ташкил этиш тамойиллари асосида ривожланади.

**4. Ижтимоий омиллар.** Худудий тадбиркорлик инфратузилмаси таркибида кирувчи ижтимоий омиллар тадбиркорлик фаолиятини доимий ривожланиб борувчи фаолиятга айлантиради. Шубҳасиз, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришнинг ижтимоий омиллари нафақат худуд имижини сезиларли даражада оширади, балки тадбиркорликнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини оширади.

**5. Имиж омили.** Худудлардаги тадбиркорлик тизимлари имижи фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиладиган ресурс компонентлари салоҳияти билан бирга корхоналарда фаолият кўрсатувчи ходимлар малакаси ва хизмат кўрсатиш маданияти даражаси таъсирида шаклланади. Ижобий имижни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан сифатли ресурс компонентларидан фойдаланиш билан бирга ўз ходимлари малакаси ва хизмат кўрсатиш маданиятини доимий ошириб бориши талаб этилади.

**6. Стратегик мослашувчанлик омили.** Тадбиркорлик фаолияти цикларининг стратегик мослашувчанлик ва тактик ҳаракатчанлик омили маҳсулот ва хизматларни яратиш жараёнидан бошланиб, уни сотиш жараёни якунлангунча бўлган жараёнда ўз таъсирини намоён қиласди. Ушбу омил талабларига кўра, яратилаётган худудий дастур ва олиб борилаётган сиёsat маҳсулот ва хизматларни яратувчиларда бозорга киришнинг ҳар бир бўғинида қабул қилинган ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг архитектурасидан ташқарига чиқмаслигига ишонч уйғотиши лозим. Худудларда тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг кўрсатилган омил йўналиши нафақат худудий дастурнинг ишлаб чиқилаётган стратегик йўналишларига, балки ишлаб чиқариш-технологик йўналишларга ҳам тегишли. Бундан ташқари, маъмурий-бошқарув қарорларининг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги тадбиркорлик инфратузилмасига сармоя киритишнинг микроиклимини шакллантириш зарур ҳисобланади.

**7. Реконструктив омил.** Собиқ ижтимоий тузумдан сақланиб қолган тадбиркорлик фаолиятида мавжуд салбий тенденцияларни мақсадли ва тизимли равишда бартараф этиш йўналишидаги реконструктив омил фойдаланиш даражаси паст самарали бўлган тадбиркорлик тузилмаларини улар фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган инфратузилма тизимлари билан биргаликда тубдан модернизациялаш бўйича фаолиятни назарда тутади.

**8. Таълим-тарбия омили.** Худудларда тадбиркорлик фаолиятини оптималлаштириш моделининг таълим-тарбия омили оммавий ахборот воситалари, реклама ва маркетинг фаолияти, шунингдек, таълим тизими орқали аҳолининг кенг оммасига тадбиркорлик маданиятини тарғиб этишни назарда тутади.

**9. Маъмурий-хўжалик омили.** Худудларда тадбиркорлик фаолиятни жадаллаштиришнинг маъмурий-хўжалик омили маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдаги ролини оширишдан иборат. Худудий

маъмурий-хўжалик органлари маҳаллий бюджетни тўлдириш мақсадида тадбиркорлар учун биноларни қуриш ва ижарага бериш, ускуналар ва жиҳозлар, транспорт воситалари билан савдо қилиш учун лизинг пунктларини ташкил этишга ҳар томонлама кўмаклашиши керак.

Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида ривожлантириш услубиётини кучайтиришда мамлакатимиз худудларида ҳали-ҳануз бошқарув муассасалари томонидан улар фаолиятига таъсир этувчи ҳолатларнинг сақланиб қолинганлиги ва ундан воз кечиш ёки бу вазиятни тарқ этиш борасидаги чора-тадбирларнинг қонунда мавжуд бўлиб, аммо амалда қўлланилмаслиги натижасида тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятига жиддий таъсир қилиб келмоқда.

Айнан, тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида ривожлантириш ва бошқарув жараёнида бошқарув муассасаларининг таъсирини ўрганиш бўйича Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари орасида анкета сўрови ўтказилди.

## 2.6-жадвал

### Жиззах шаҳрида тадбиркорлар ўртасида ўтказилган анкета сўровлари таҳлили (2021 йил 1 январ ҳолатига кўра)<sup>48</sup>

<b>Тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган саволлар</b>	<b>Жавоб берганлар</b>	<b>Жавоб беришга қийналганлар</b>	<b>Жавоб беришни истамаганлар</b>
1. Тадбиркорлик фаолиятига доир бўлган меъёрий-хукукий хужжатлар ҳақидаги маълумотга эгамисиз	70 %	15 %	15 %
2. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнида бошқарув муассасалари, тадбиркорлик фаолиятга оид маълумотни беришда сизга қай даражада ёрдам кўрсатади	70 %	20 %	10 %
3. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш муддатлари ва шартлари ҳақида бошқарув муассасалари ходимлари сизни хабардор этганми	80 %	15 %	5 %

<sup>48</sup> Муаллиф томонидан монографик тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилди.  
Изоҳ: Анкета сўровномасида 50 нафар тадбиркор иштирок этди.

4. Тадбиркорлик фаолиятини юритища бошқарув муассасаларининг аралашуви ёки текширувлар ўтказилиши ҳақида маълумот берганми	60 %	30 %	10 %
5. Бошқарув муассасалари томонидан турли рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар амалга ошириладими	60 %	25 %	15 %
6. Бошқарув муассасалари сизнинг фаолиятингизга таъсирини бартараф этиш бўйича керакли мутасадди давлат органларига мурожаат қиласизми	60 %	25 %	15 %

Жиззах шаҳрида тадбиркорлар ўртасида ўтказилган анкета сўровида 50 нафар тадбиркор иштироки асосида анкета сўрови ўтказилиб, улар фаолиятига бошқарув органларининг таъсирига оид бўлган қўйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Тадбиркорлик фаолиятига доир бўлган меъёрий-хуқуқий хужжатлар ҳақида маълумотга эгамисиз деб савол берилганда тадбиркорларнинг 70 % и жавоб берди, 15 % и жавоб беришга қийналди, бироқ 15 % и жавоб беришни исташмади. Шу ўринда айтиш жоизки, аксарият тадбиркорларимиз соҳага тегишли меъёрий-хуқуқий хужжатларни билмасликлари ва унинг хуқуқий аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Шу жиҳатдан ўз хуқуқини тўлиқ билмаган тадбиркор фаолиятига бошқарув органларининг таъсири бўлиши табиий ҳол.

2. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнида бошқарув муассасалари, фаолиятга оид маълумотни беришда сизга қай даражада ёрдам кўрсатади, деб мурожаат қилинганда, респондентларнинг 70 %и ижобий жавоб берди, 20 %и жавоб беришга қийналганлар бўлди ва 10 %ини жавоб беришни истамаганлар ташкил қилди. Дарҳақиқат, маҳаллий ҳокимият ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи инспекция ходимлари томонидан янги иш бошлаган тадбиркорларга фаолиятни ташкил этиш жараёнида етказилиши керак бўлган маълумотларни ўз вактида тақдим этмайди, баъзи ҳолларда инспекция ходимларида муамола

маданиятининг пастлиги, бўлажак тадбиркорлар ўртасида турли сарсонгарчилик ҳолатларининг кузатилиши ҳамда хизмат жараёнида “шраффоффлик”нинг йўқлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ҳолатда аксарият тадбиркорларимиз ўз вақтларини қадрига етган ҳолда вазиятдан чиқишнинг энг осон йўлларини излай бошлайдилар, бу ҳолат маълум бир даражада қонунга хилоф равишда амалга оширилиши ҳамда тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш чоралари кўрилмаётганлигига шубҳа пайдо бўлади.

3. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш муддатлари ва шартлари ҳақида бошқарув муассасалари ходимлари сизни хабардор этганми, деган саволга 80 % тадбиркорлар вазиятни ижобий баҳолади, 15 % тадбиркорлар эса жавоб беришга қийналиши, қолаверса 5 % тадбиркорлар жавоб беришдан бош тортганлар бўлди. Қонунчилик базасида тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тарзда ташкил этиш муддатлари ва шартлари белгилаб берилган бўлиб, аксарият тадбиркорларимиз қонунчиликка оид хужжатлар билан таниш эмаслиги оқибатида бошқарув муассасаларининг аралашуви ошмоқда.

4. Тадбиркорлик фаолиятини юритишда бошқарув муассасаларининг аралашуви ёки текширувлар ўтказилиши ҳақида маълумот берганми, каби савол билан мурожаат қилганимизда тадбиркорларнинг 60 % идан ижобий жавоб олинган бўлса, 30 % и сўровимизга жавоб беришга қийналдилар, шунингдек 10 % тадбиркор умуман жавоб беришни исташмади. Бу ҳолат тадбиркорларнинг кейинги фаолиятига ўз таъсирини ўтказиши, баъзи ҳолларда уларнинг фаолиятини тугатилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Буни олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан турли текширувларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш соҳа олдида ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

5. Бошқарув муассасалари томонидан турли рағбатлантириш ёки қўллаб-куватлаш каби чора-тадбирлар амалга ошириладими, дея сўраганимизда тадбиркорларнинг 60 % и ўз фикрларини билдиришди ва 25 %

тадбиркорлар жавоб беришга қийналишди, шулардан 15 % и жавоб бермаганлар бўлди. Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятини мотивациялаш тушунчасининг шаклланмаганлиги оқибатида, уларни рағбатлантириш даражасининг пастлиги, бошқарув муассасалари томонидан қўллаб-кувватлаш каби чора-тадбирларни амалга оширилмаслиги оқибатида тадбиркорлик фаолияти ривожига кескин тўсиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу жихатдан, тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув органларининг ролини ошириш ҳамда бу соҳада чуқур изланишлар ва тушунтириш чораларини қўриш мақсадга мувофиқдир.

6. Бошқарув муассасалари сизнинг фаолиятингизга таъсирини бартараф этиш бўйича керакли мутасадди давлат органларига мурожаат қиласизми, деган саволга тадбиркорларнинг 60 % ининг жавоби бизга майқул бўлди, сўралганларнинг 25 % ининг жавоби бизга ҳали бу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб бориш керак деб ўз фикрларини билдиришди ва қолган 15 % и умуман қаерга, кимга ва қанақа тартибда мурожаат қилиш керак деган фикрдан йироқлиги монографик кузатувларимиз натижасида маълум бўлди.

Демак, ўтказилган анкета сўровлари натижасида маълум бўлдики, шаҳар миқиёсида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқарув органларининг аралашуви қисман бўлсада сақланиб қолинганлиги маълум бўлди, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолиятини ташкил этишда ва фаолият юритиш жараёни хақида етарли даражада керакли маълумотларига эга эмаслиги ва бу соҳада тарғибот ва тушунтириш тадбирларини жорий этишнинг афзаллиги ҳамда уни тадбиқ этиш борасидаги илмий изланишларни янада такомиллаштириш, ҳудуд ва ҳудудларо тадбиркорлик фаолиятига жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Таққослама таҳлил учун анкета сўровларини вилоятнинг 5 туманида ҳам амалга оширилди (2.7-жадвал).

## 2.7-жадвал

### Жиззах вилояти айрим туман(шаҳар)лари кесимида ўтказилган

монографик кузатувлар таҳлили<sup>49</sup>

№	Туман	Сўровнома ўтказилган тадбиркорлар сони	Электр тармоғида узилиш	Солик органи ноконуний аралашуви	Ер ажратиш	Бўш турган бинолардан фойд-ли	Кредит	Нақд пул олиши	
1	Жиззах тумани	67	Сон	38	16	20	13	15	33
			%	56.8	23.9	29.9	19.4	22.4	49.3
2	Фориш тумани	35	Сон	30	18	9	13	7	14
			%	85.7	51.5	25.7	37.1	20.0	40.0
3	Пахтакор тумани	40	Сон	7	13	19	20	14	20
			%	17.5	32.5	47.5	50.0	35.0	50.0
4	Зомин тумани	46	Сон	35	11	20	16	18	30
			%	76.1	23.9	43.5	34.8	39.1	65.2
5	Бахмал тумани	32	Сон	28	6	17	6	7	14
			%	87.5	18.7	53.1	18.7	21.9	43.8

Юқоридаги жадвал маълумотларига таҳлилий нутқтаи назардан қарайдиган бўлсак, вилоят бўйича 5 та туман танлаб олиниб, жами бўлиб 220 та тадбиркор иштирок этди. Туманлар бўйича иштирок этган тадбиркорларнинг аксарияти бошқарув органларининг ноконуний аралашувидан асосан, солик инспекцияларининг ноқонуний аралашувидан маълум бир даражада иқтисодий зарар кўрганликлари, шунингдек, электр тармоғи етказиб берувчи корхоналарнинг айби билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги узилишлар, маҳаллий Ҳокимият томонидан ажратиладиган ерларни ўз вақтида муаммоларни ўз вақтида бартараф этилмаса бошқарув органларининг таъсири янада ошиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар асосида ривожлантириш кийин кечади.

<sup>49</sup> Муаллиф томонидан анкета сўровлари асосида ишлаб чиқилди.

Изоҳ: Анкета сўровларида Жиззах вилоятининг 5 тумани бўйича 220 та тадбиркор иштирок этди.

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИОН ОМИЛЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШДА  
БОШҚАРУВ МУАССАСАЛАРИ ТАЪСИРИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**



**2.6-расм. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида  
ривожлантиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш  
йўллари<sup>50</sup>**

Юқоридаги расмдан қўриш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўллари келтирилган бўлиб, бунга кўра:

- тадбиркорлик    фаолиятини    мотивациявий    омиллар    асосида

<sup>50</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ривожланишини жойларда тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини амалга ошириш кенг йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг меъёрий ҳужжатларни билиш ҳолати таҳлил қилинади ва бу орқали уларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш белгилаб олинади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари соҳага тегишли меёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан таништирилади ва уларни рағбатлантириш ҳолати таҳлил қилиниб, уни мотивациявий омиллар асосида кучайтириш услубиёти тавсия этилади;

- бошқарув органлари тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш. Бунда бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятига қонунда белгиланмаган тартибда аралашмаслиги чоралари ишалб чиқилади;

- тадбиркорлик фаолиятни ташкил этиш ва юритиш борасидаги дастурлар яратилиб, унга кўра тадбиркорларни рўйхатга олиш ишларини соддалаштириш имкониятлари шакллантирилади ҳамда бу борадаги ишларни қонуний тартибга солиш тадбирлари ишлаб чиқилади;

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишни ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширишни шакллантириш. Бунда, фаолиятни ташкил этишдаги турли тўсиқлар ва қоғоз юритишни камайтириш каби муаммолар ечим топади. Шу жиҳатдан бўлажак тадбиркор ва унинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни Интернет орқали етказиш ва буни эса маҳаллий ҳокимият хузуридаги инспекция ходимлари қабул қилиб атрофлича ўрганган ҳолда фаолиятни ташкил этишга асос деб топилса унга рухсатнома бериш масалалари ҳал бўлишига замин яратилади;

- тадбиркорлик фаолиятига бошқарув органлари таъсири бартараф этилгандан кейинги ҳолат қайта таҳлил қилинади. Бу жараён айнан юқорида келтирилган мотивациявий омиллар асосида тадбиркорликни ривожлантириш қўлланилади, агар бунда бошқарув органлари таъсири қайта таҳлил қилиниб сўнги хулоса натижалари адлия органларига мурожаат

қилишга мажбурият пайдо бўлади.

- бошқарув органлари таъсирини пасайтириш бўйича тадбиркорлик фаолиятига доир мотивациялар ишлаб чиқилади. Бунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ўз вақтида соҳага доир меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан таништирилади, уларнинг хукуқ ва бурчлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда тарғибот ва тушунтириш тадбирлари амалга оширилади.

- тадбиркорликни мотивациявий омиллар асосида бошқаришга доир стратегик дастур яратиб борилади. Соҳа олдида турган энг асосий муаммолардан бири тадбиркорлар факат ўз бизнес режасига асосланган тарзда фаолият юритишлари, шунингдек, уларнинг мотивация тушунчасига тўлиқ эга эмасликлари ва буни бошқаришга тадбиқ эта олмасликлари стратегик ривожланиш жараёнига салбий таъсир этмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мотивация омилларини амалиётда бошқариш жараёнига тадбиқ этиш соҳанинг барқарор ривожланишига муҳим замин яратади.

Хуроса ўрнида айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув органларининг таъсири мавжуд бўлар экан, унда соҳа ривожи бўлиши қийин, бунинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар аввало ўзларининг ҳақ-хуқуқларини тўлиқ билишлари, агарда бошқарув органлари таъсири маълум бир даражада юзага келадиган бўлса, керакли маъмурий-хукуқ органларига ўз вақтида мурожаат қилишлари, шу билан бирга Ҳукумат органларига мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир, бу эса ўз-ўзини мотивациялашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

### **2.3. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришнинг хорижий услубиёти**

Дунё мамлакатлари эришган ютуқлари буларнинг барчаси йиллар мобайнида ортирилган тажрибалар маҳсули сифатида шаклланиб келмоқда. Шу жихатдан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

жахон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Агар бизнинг республикамиизда бу соҳага бўлган эътибор асосан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаларига боғлиқ ҳолда кенг авж олган бўлса, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устувор аҳамиятларини тан олиш ҳамда уларни ривожлантириш учун чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш анча илгари бошланган эди. Ривожланган давлатларда тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришга бўлган эътиборнинг шаклланиши ўзига хос тарихий жараёнларни босиб ўтган. Масалан, АҚШ да 1953 йили «Кичик бизнес тўғрисида» Конун қабул қилиниб, унда: «Мамлакатнинг хавфсизлиги ва фаровонлиги кичик ва ўрта бизнеснинг мавжуд ва салоҳиятли имкониятларини ривожлантириш ва рағбатлантиришсиз таъминланиши мумкин эмас»<sup>51</sup> - деб таъкидланган эди.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётида тадбиркорлик тушунчаси асосан кичик ва ўрта бизнес кўринишида ташкил топган бўлиб унинг ўрни ва ҳиссаси жуда салмоқлидир. Биринчи навбатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кичик ва ўрта корхоналар сони, унда банд бўлган ходимлар сони ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ҳиссаси билан ўлчанади. Айнан, мотивациявий омиллардан фойдаланиш ва унинг таъсири хусусий тадбиркорлик фаолияти вакиллари ҳисобланган кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида муҳим механизм сифатида хизмат қилиб келмоқда ҳамда кучли ривожланишида иқтисодий стимул сифатида фойда бермоқда .

Хусусан, Францияда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилувчилар асосан майда ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари бир-биридан тафовутланиб, майда бизнес ҳиссасига барча корхоналарнинг 90,3 фоиз ва иш билан банд ходимларнинг 20 фоиз, кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига эса барча иш билан банд ходимларнинг 47,9 фоиз тўғри келади. Саноатда янги корхоналарнинг 97 фоиз кичик ва ўрта бизнесга тўғри келади. Кичик ва ўрта


<sup>51</sup> Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Ўзбекистон” 2002. -180- 6.

бизнеснинг роли қурилишда, савдода, меҳмонхона хўжалиги ва умумий овқатланишда, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида айниқса юқоридир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг рўйхатдаги ҳар иккинчи ходими савдода ишлайди. Инженер-қурилиш ишлари соҳасида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига товар айланмасининг ярми тўғри келади. Голландияда кичик ва ўрта корхоналар соҳаси барча хусусий корхоналарнинг 98,5 фоизини қамраб олади, бундан 90 фоизи кичик корхоналар сирасига киради. Кичик ва ўрта корхоналарда хусусий секторда банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликнинг нисбатан юқори даражаси бўйича Нидерландия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида етакчи ўринни тутади.

Европа давлатларидағи ортирилган тажрибалардан шунга гувоҳ бўлдикки, соҳа ривожида мотивациявий омилларнинг таъсири улар ривожига иқтисодий дастак бўлиши, кучли ривожланиш стратегиясининг шаклланганлиги барқарор ривожланишга сабаб бўлмоқда. Хорижий давлатлардаги иқтисодий стимулнинг мавжудлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим дастак бўлмоқда.

Ўзбекистон ва хорижий давлатларда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2.7-расмда келтирилган.



**2.7-расм. Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши (2021 й.)**

Йирик ривожланган давлатлардан бўлган Америка Қўшма Штатларида кейинги йилларда кичик корхоналар (сотишдан тушган маблағ миқдори 19 минг долларгача бўлган корхоналар) сони икки баравар кўпайди ва 10 млн.га етди, барча корхоналарнинг 95 фоизи кичик корхоналардир. Кичик бизнес ялпи миллий маҳсулот ўсишининг ярмини ташкил этади. Агар 80-йилларда 50 та йирик корпорация 3,5 млн. иш ўрнини қисқартирган бўлса, кичик бизнес соҳасида 20 млн. янги иш ўрни ташкил этилган эди. 1988-1990 йилларда янги иш жойларининг ўсиши тўласича кичик корхоналар хиссасига тўғри келди. Бир қатор экспертларнинг фикрича, кичик фирмалар иш фаоллигининг пасайиши мамлакатда иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши мумкин.

Буюк Британиядаги фирмаларнинг деярли 96 фоизи кичик бизнес соҳасига тааллуқли ҳисобланади. Уларга барча ишчи кучининг 25 фоизи ҳамда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг таҳминан 20 фоизи тўғри келади.

Германияда 2 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг қарийиб 75 фоизи машғулдир. Бу корхоналар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 50 фоизини етказиб бермоқда.

Умуман олганда, кичик ва ўрта саноат корхоналари халқаро федерациясининг ҳисоб-китобларига кўра кичик корхоналар ҳиссасига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таҳминан 50 фоизи, капитал қўйилмаларнинг эса 30 фоизидан кўпроғи тўғри келади. Кичик бизнес ҳисобига АҚШ, Германия, Англия, Италия, Япония каби мамлакатларда иш ўринларининг 2/3 қисми яратилади.

2.8-жадвалдан кўриш мумкинки, одатда, барча иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи майда ва кичик корхоналарда ишлайдилар. Кичик корхоналарнинг инвестициялар, қўшилган қиймат ва оборотнинг умумий ҳажмидаги улуши 20 дан то 60 фоизгачани ташкил этади, яъни жуда салмоқлидир.

**Турли ҳажмдаги корхоналар бўйича иш билан  
банд бўлганларнинг тақсимланиши**

(иктисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонига кўра фоизда)

Давлатлар	Корхоналарнинг ҳажми				
	Жами корхоналар	Шу жумладан			
		ўта майда	кичик	Ўрта	йирик
Австрия	100,0	33,6	27,9	23,1	15,4
АҚШ	100,0	26,1	28,4	24,0	21,5
Бельгия	100,0	22,1	22,6	26,0	29,0
Буюк Британия	100,0	26,1	22,6	26,1	25,2
Италия	100,0	43,4	30,4	14,2	12,1
Франция	100,0	32,1	28,0	23,4	16,5
Япония	100,0	49,4	27,7	14,8	8,2

Хорижий давлатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес ҳиссасининг бу қадар салмоқли эканлиги асло унинг ўз ривожланишида хеч қандай тўсиқ ва муаммолар йўқлигини билдирамайди. Бу соҳанинг ривожланишида ўзига хос муаммолар мавжуд. Жумладан:

- кўпинча ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш учун талаб қилинувчи хусусий маблағлар ҳажмининг етарли бўлмаслиги;
- бундай корхоналарнинг бозор конъюнктурасининг ўзгаришига ўта сезгирилиги ва боғлиқлиги;
- ўта қаттиқ рақобат шароитида фаолият кўрсатишнинг зарурлиги;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг айниқса фаолиятнинг янги соҳаларидаги фирмаларнинг доимий равища юқори таваккалчилик шароитига амал қилиши;
- ташкил топиш давридаги қатор тўсиқ ҳамда қийинчиликлар ва ҳ.к.

Шунга кўра, деярли барча мамлакатларда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш, фаолият учун кулай шароит яратиш ҳамда турли тўсиқлар таъсирини чеклаб туриш мақсадида давлатнинг маҳсус сиёсати ишлаб чиқилган. Жумладан, Европа

Иттифоқи доирасидаги кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан давлат сиёсатининг асосий мақсадларини қуидаги ифодалаш мумкин:

- кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши учун қулай бозор шароитларини яратиш;
- бозор муносабатларида томонларнинг ўзаро teng хуқуқлиигини қўллаб-қувватлаш;
- рақобат муҳитини ҳамда иқтисодий фаолликнинг харакатчанлигини таъминлаш;
- янги иш ўринларини, айниқса ишсизлик муаммоси кескинлашган худудларда барпо этиш;
- рақобатнинг кескинлашуви натижасида келиб чиқувчи ижтимоий оқибатларни, сарф-ҳаражатларни камайтириш.

Шу мақсадларга мувофиқ ҳолда Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесга нисбатан сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланади. Бу давлатларда кичик ва ўрта корхоналарни тартибга солиши бўйича давлат сиёсатининг тўққизта муҳим йўналиши бўйича асосий воситалари 2.9-жадвалда келтирилган («1» даража мазкур воситани нисбатан кўпроқ қўллаш мумкинлигини англаради).

Голландияда кичик ва ўрта бизнесга нисбатан давлат сиёсатидаги асосий ҳолат бўлиб шундай қоида ҳисобланадики, унга қўра тадбиркор ўз фаолияти учун тўла жавобгар бўлади, хукумат эса ёрдамчи ролни ўйнайди.

Францияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг асосий мақсади бандликни ошириш ва рақобатбардошликни ўстиришдан иборат. У ўз ичига бевосита тартибга солишини, иш муҳитини яхшилашни, билвосита ёрдамнинг турли қўринишларини олади. Ривожланган давлатлардаги маълумотлардан англаш мумкинки, турли рағбатлантириш омилларининг қўлланилиши бу айнан мотивация омилларини кетма-кет амалга оширишдан далолат беради ва бу эса улар фаолиятини самарали бошқаришни ташкил этилганлигидандир.

**Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини давлат томонидан тартибга солишнинг воситалари ва уларни ЕИХ мамлакатларининг давлат сиёсатида қўллашнинг йўналишлари**

Кичик ва ўрта корхоналарни давлат томонидан тартибга солиш воситалари	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструktorлик ишланмалари	Инвестиция-лар	Молиява капитал	Экспортни ривожлантириш	Субконтрактлар	Укитиш	Ривожлантириш	Иш жойларини ташкил этиши
Бевосита субсидиялар ёки грантлар билан тартибга солиш	1	2	4	1	2	2	2	4
Дотациялар билан тартибга солиш	3	1	1	2	3		4	5
Қарзлар учун кафолат бериш ёки уларда катнашиш	4	3	2	6	-	-	3	-
Солиқ имтиёзлари орқали тартибга солиш	5	4	3	5	-	5	-	-
Хизмат кўрсатиш орқали тартибга солиш	2	5	-	1	1	1	1	3
Экспорт бўйича кафолатлар	-	-	-	4	-	-	-	-
Ўз бизнесини бошловчилар учун субсидия бериш	4	-	-	-	1	-	-	-
Хусусий шахсларга бериладиган субсидиялар	6	-	-	-	-	-	-	-
Курилишини субсидиялаш, электростанцияларни ва коммуникацияларни яратиш, ерларни ўзлаштириш орқали тартибга солиш	-	-	5	8	-	-	-	-

Манба: The European Observatory for SME Research. Second Annual Report. - 2019. ENSR. European Network for SME Research. 2019, December.

Германияда кичик ва майдага корхоналарга нисбатан юритилаётган давлат сиёсати уларнинг рақобатбардошлигини ошириш тадбирларига, турли солиқ-молиявий имтиёзларга, шунингдек, уларни иқтисодиётда бўлиб ўтаётган таркибий ўзгаришларга мослашишга асосланади. Бунда давлат иирик корхоналар билан рақобатлашиш учун teng шароитлар яратиб беришга интилади.

АҚШ хукумати сиёсатида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаттоқи, Америка иқтисодиётининг ривожланишида унинг хизматларини эътироф этиш сифатида маҳсус умуммиллий кичик бизнес кунлари ўтказилади. Кичик тадбиркорликнинг ривожланишига давлат томонидан ёндашувининг асоси - солиқларнинг паст даражаси ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги тўла эркинлигидир.

Аксарият ривожланган давлатларда тадбиркорлик фаолиятининг кўриниши сифатидаги майда бизнес ҳисобланган оилавий тадбиркорлик жадал ривожланган бўлиб, жаҳон бўйича ўртача 70 фоизни ташкил этади. Жаҳонда оилавий бизнеснинг мавқеи савдо ва хизмат соҳасида кучлироқ ҳисобланади (2.10-жадвал).

## 2.10-жадвал

### Жаҳон мамлакатларида оилавий тадбиркорлик кўринишидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши

№	Давлатлар	Фоиз ҳисобида
1	Ҳиндистон	95 %
2	Финландия	94 %
3	АҚШ	80 %
4	Германия	36 %
5	Франция	30 %
6	Буюк Британия	8 %

Манба: Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Германияда оилавий тадбиркорлик кўринишидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши

- иқтисодиётининг асосини айнан оилавий компаниялар ташкил этади;
- оилавий компаниялар барча саноат корхоналарининг 85% ташкил этади;
- оилавий компаниялар 3 миллион иш ўрни билан таъминлайди.

Голландияда - оилавий бизнес айнан қишлоқ хўжалигига ривожланган.

Италияда компанияларнинг 90% дан кўпроғи бир оила мулки ҳисобланади. Финландияда умумий бизнеснинг 90% – ишловчилари сони 10 нафардан кам бўлган оилавий микро фирмалардан иборат.

Америка Кўшма Штатларида:

- оилавий бизнес тадбиркорлик секторининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади;
- иқтисодиётдаги 15 млн.дан ортиқ умумий корхоналарнинг тахминан 80% оилавий корхона ҳисобланади;
- оилавий корхоналар ЯИМ нинг 60%ни, бандликнинг 50 фоизини

ташкил этиб, но оилавий бизнесга нисбатан кўпроқ сотув ҳажмига эга;

- АҚШ нинг 24 млн. оилавий компанияларида барча ишчиларнинг 62% меҳнат қилиб, уларнинг ЯИМдаги улуши 64%ни ташкил этади.

Россияда иқтисодиётида барча кичик ва ўрта корхоналарнинг 80% оилавий корхона ҳисобланувчи тармоқлари ва улар асосан қуйидаги соҳаларда ташкил топган: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноат, тўқимачилик саноат, ИТ-технологиялар ҳамда савдо соҳалари ҳисобланади.

Америкада кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш мақсадида ҳукумат томонидан ҳар йили 7 млрд. АҚШ доллари атрофида маблағ ажратилади. Сўнгги йилларда йирик корпорациялар томонидан айнан, кичик ва ўрта корхоналарда самарали бажарилувчи иш ва хизматларнинг баъзи турларини уларга топшириш бўйича сиёсатнинг қўлланиши мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг роли ва аҳамиятининг янада ишонч ҳамда унинг ролини ошиб боришига олиб келди.

Кичик ва ўрта бизнеснинг самарали ривожланишида давлат томонидан тартибга солиш сиёсати ишлаб чиқилишининг ўзи етарли эмас. Ҳар бир мамлакатда таркиб топган таркибий-бошқарув тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бу сиёсатни самарали амалга оширувчи маҳсус ижрочи ва назоратчи идоралар тизими шакллантирилиши лозим. Жумладан, кичик ва ўрта корхоналар бўйича сиёсат учун бевосита жавобгарликни Нидерландия иқтисодиёт вазирлиги таркибидаги кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш ва бозорни тартибга солиш бўйича Бош директорат олиб боради.

Италияда сўнгги йилларда юқори ҳавф-хатар билан боғлиқ бўлган капиталга эришиш имконияти бор корхоналарни молиялаштиришга қизиқиши ортди. Шу мақсадда кичик ва ўрта корхоналарнинг ёпиқ турдаги инвестиция фонdlари ташкил этилди. Бундай фонdlар биржада рўйхатдан ўтмаган корхоналарга маблағларни қўядилар. Фонднинг капитали давлат облигацияси кўринишида инвестиция қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, бошқа ёпиқ фонdlар томонидан чиқарилган акцияларга инвестиция қилиш ҳам

таъкиқланади. Фондда ўз акцияларининг улушига эга бўлган компанияларнинг акцияларини сотишдан фойда олиш ёпиқ фонднинг мақсади ҳисобланади.

Венчур капитали Англияда нисбатан фаол ривожланиб бормоқда: унинг ҳиссасига барча Европа фонdlари капиталининг ярмидан кўпроғи тўғри келади. Венчур капитали бозорида амал қилувчи ҳамда саноатга инвестиция киритувчи, ўзининг маҳсус бўлинмаларига эга бўлган ихтисослашган молиявий муассасалар («Investors in Industry») ташкил этилган. Кичик ва ўрта фирмаларнинг муаммолари билан шуғулланувчи маҳсус Британия технологик грухи («British Technology Group») тузилган, қонунчилик хужжатлари сифатида «Венчур капитал схемаси» ва «Бизнесни ривожлантириш схемаси» ни таъкидлаш мумкин. Бу схемалар жамоат жамғармаси ва хусусий омонат маблағларини инвестиция жараёнларига жалб этишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнес фаолиятида ҳал қилувчи омил - иш кучи, унинг маҳорат ва билим даражаси, ишга ижодий ёндашувини тадбиркорлик хислатларини ўзида мужассамлаштира олиш қобилиятлари ҳисобланади. Мамлакатдаги аҳолининг ишбилармонлик даражасини ўстиришни рағбатлантириш давлатнинг кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш тизимидағи муҳим йўналишлардан биридир. Бироқ, турли мамлакатларда бу муаммони ҳал этишга турлича ёндашилади. Масалан, Францияда касбий таълим беришнинг такомиллашган тизими мавжуд.

Корхоналар иш ҳақи фондидан 1,5 фоизни хизматларнинг касбий тайёргарлиги учун сарфлашга мажбурдирлар. Таълим олиш учун сарф - ҳаражатларнинг қўпайиши ҳолларида солиқ имтиёзлари амал қиласди.

Нидерландияда эса, хусусий ишини бошловчилар маҳсус курсларда ўқиб, бизнес - режа тузиш, иш юртиш учун ахборот олиш ва шу кабилар бўйича маълумот олади.

Бу ерда «Мини - корхоналар фонди» ҳам амал қилиб, унинг вазифаси

ўқиши давомида ўз кичик корхонасини очган 16-25 ёшдаги талабаларни қўллаб-куватлаш ҳисобланади. Бошқа бир қизиқарли дастур, бир қанча иирик компаниялар томонидан молиявий ёрдам олиб, кичик корхоналарга бошқарувчи сифатида ёрдам берувчи нафақаҳўрларга ҳақ тўлашдан иборат.

Италияда касбий ўқитиш давлат томонидан молиялаштирилмайди. Италияда кенг тарқалган микрокорхоналарнинг ходимлари орасида билим, маҳорат ва тажриба бевосита иш жойида ҳақ тўланади - ёш ходим тажрибани ўз ҳамкасларидан ўрганади. Шундай қилиб, ўрганиш ўз - ўзидан юз берувчи ўзига хос жараёнга айланиб, у ҳеч қандай сертификатга эга бўлишга олиб келмайди.

Италияда ёш тадбиркорлар учун бир қатор имтиёзлар амал қиласди. Улар томонидан ташкил этилаётган фирмалар молиявий жиҳатдан устунликларга эга бўладилар - уларга ажратилган маблағларнинг 50 фоиз гачаси асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилса, 15 фоиз узок муддатли кредит кўринишида тақдим этилади. Шунингдек, улар учун ноишлаб чиқариш сарфларини қоплаш мақсадида икки йиллик ёрдам кўрсатилади.

Бу устунликлардан тўла меъёрда фойдаланиш учун корхона ташкил этиш ҳамда амалга оширилувчи лойиҳа ишлаб чиқариш керакки, унда шерикларнинг ёши кўрсатилиши, фирма фаолият кўрсатувчи бозорнинг таҳлили берилиши лозим. Фирманинг фаолияти устидан даврий аудиторлик назорати кўзда тутиладики, қонуннинг қўпол бузилиши ҳолларида имтиёзлар бекор қилиниши мумкин.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодиётда рақобат муҳитининг шаклланишидаги фаолияти тўла амалга оширилиши ҳамда унда сезиларли таъсир ўтказа олишлари учун маълум шарт-шароитларга эга бўлишлари лозим. Жумладан, бу соҳанинг самарали фаолият кўрсатишида унга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси масалаларининг аҳамияти бекиёсdir.

Бу борада кўплаб хорижий мамлакатларда жумладан, АҚШ да ҳам анча тараққий этган тизим амал қиласди:

- кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш кўплаб ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга ошириладики, улар қаторига кичик ва ўрта бизнес манфаатларини илгари сурувчи кичик бизнес уюшмаси;

- 40 дан ортиқ миллий ташқи савдо уюшмалари;

- 3,5 мингдан ортиқ миллий савдо ташкилотлари, 40 мингдан ортиқ маҳаллий ташкилотлар, клублар ва гурӯхлар киради.

Францияда тадбиркорларга кўмаклашувчи технопарклар ёки инкубаторларни ташкил этиш бўйича умуммиллий сиёsat мавжуд эмас. Бу борада ташаббус маҳаллий ҳокимиятлар қўлида. Уларнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб: тадбиркорларни ўқитиши, илмий-тадқиқот ишлари, хизмат кўрсатиши, ерни ижарага бериш ва ҳоказо.

Нидерландияда 36 та савдо палатаси мавжуд бўлиб, барча фирмалар савдо палатасида рўйхатдан ўтган бўлишлари ва ҳар йиллик бадални тўлашлари лозим. Палаталар ҳукуматдан субсидиялар олмайдилар. Улар асосий фаолликни консалтинг хизматлари кўрсатиши борасида намойиш этадилар. Бевосита ўқитиши, маслаҳат бериш ва кенгаш хизматларини кўрсатиши борасида 12 минтақавий институтлардан иборат тармоққа эга бўлган мустақил ташкилот-кичик ва ўрта корхоналар институти фаол шуғулланади<sup>52</sup>.

Японияда 500 та маҳаллий савдо-саноат палатаси ҳамда уларнинг филиаллари кичик ва ўрта бизнесга турли кўринишдаги молиявий, маслаҳат бериш касбий жиҳатдан тайёрлаш ёрдамларини кўрсатадилар. Давлат кичик ва ўрта бизнес фаолиятида асосан, кичик ва ўрта бизнес молиявий корпорацияси, Миллий молиявий корпорация ва «Соко-Чукин Банки» орқали бюджетда жамғарилувчи кичик корхоналарни қўллаб - қувватлашнинг маҳсус фонди ҳамда халқ фонди орқали молиялаштиради.

Шунингдек, Японияда кичик ва ўрта бизнес учун кенг имтиёзли солик тизими қабул қилинган бўлиб, у қуйидагиларни кўзда тутади:

---

<sup>52</sup> Интернет маълумотлари, [www.google.com](http://www.google.com)

- якка тартибдаги компаниянинг солиқа тортилиши лозим бўлган даромадидан корхона эгаси ва унинг оила аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича шартли миқдорини (мазкур касб учун мамлакат бўйича ўртacha ставка даражасида) чегириб ташлаш;

- кичик ва ўрта корхоналар учун солиқларнинг қуий ставкалари; кичик корпорациялар фойдасининг бир қисмини солиққа тортишдан химоя қилиш.

Агар компания давлатнинг устувор дастурларидан (ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, маҳсулотни илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш ва бошқалар) бирида иштирок этса, қўшимча солиқ имтиёзларига эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватланиши бутун ривожланган мамлакатлар учун жудда катта аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг барқарор ўсишида, мамлакатнинг маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан Европа иттифоқи ҳамжамияти (ЕИХ) давлатлари тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим масаларадан бўлиб, даражасида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар ЕХИ га аъзо мамлакатлар миллий даражасида қабул қилинган қўшимча дастурлар билан бойитилди. Аммо бу дастурларда кичик бизнес корхоналарини аниқлашда ягона ёндашувдан фойдаланилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Натижада ушбу корхоналарни аниқлашда турли хил мезонлардан фойдаланилди.

Шу муносабат билан Европа Иттифоқи Комиссияси кичик ва ўрта корхоналарни аниқлаш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқди. Бу тавсияномада бутун ЕИХ доирасида микро, кичик ва ўрта корхоналарни аниўлашнинг аниқ чегаралари белгилаб берилган. Кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг янги мезонлари қуидагилардан иборат (2.11-жадвал).

Корхоналар микро ёки кичик корхона мақомини олиш учун юқорида келтирилган мезонларнинг камида иккитасига: корхонада ишловчилар сони ва молиявий мезонлардан бири – умумий товар айланмаси ёки якуний баланс

қиймати бўйича юқоридаги мезонларга тўғри келиши лозим. Европа ҳамжамиятида кичик ва ўрта корхоналарнинг мезонлари юзага келган ижтимоий-иктисодий вазиятлардан келиб чиқиб, ҳар 4 йилда қайта қўриб чиқилиши мумкин.

## **2.11-жадвал**

### **Европа ҳамжамияти томонидан қабул қилинган кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг мезонлари<sup>53</sup>**

<b>Мезон</b>	<b>Микро-корхоналар</b>	<b>Кичик корхоналар</b>	<b>Ўрта корхоналар</b>
Ишловчиларнинг максимал сони	10 нафаргача	50 нафаргача	250 нафаргача
Максимал товар айланмаси, млн. евро	-	7	40
Максимал якуний баланс қиймати, млн. евро	-	5	27

Маълумки, кичик ва ўрта бизнес иш ўринларини яратиш ва фаолият турларини кенгайтиришга имкон берувчи иқтисодиётнинг асосий тармоқлардан бири ҳисобланади.

Юқорида баён этилган тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқариш жараёни асосан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ўз таъсирини ўтказмоқда, шу жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, давлатнинг кенг миқёсдаги ҳар томонлама тартибга солиш тизимисиз бу соҳанинг самарали амал қилишига ўз имкониятларини намоён этилишига эришиб бўлмайди:

- бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда кичик ва ўрта бизнес самарали ривожланишини давлатнинг иштирокисиз таъминлаб бўлмайди;

---

<sup>53</sup> М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б.Шарипов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 274бет.

- хорижий мамлакатлар тажрибаси давлат томонидан тартибга солища ташкилий, молиявий, хуқуқий, моддий ва маънавий-иктисодий тадбирларни қамраб олиши зарурлигини кўрсатди;
- бу тадбирлар ва уларни амалга ошириш воситалари мамлакатнинг миллий хусусиятлари, иқтисодиётнинг ҳолати, вужудга келган ижтимоий-рухий вазият, иқтисодий маданият даражаси ва бошқа иқтисодий муҳит ҳамда сифат омиллари ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

Ҳар бир мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, иқтисодиётнинг ички хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивация омиллар таъсирида ривожлантириш ва бу эса бошқаришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишининг самарали чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ва доимий равища таомиллашиб боришига муҳим замин яратиб беради.

## **2-боб бўйича хулосалар**

1. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятини доимий таҳлил қилиш асосида фаолиятига баҳо бериш ҳамда уларнинг барқарорлигини ошириш барча соҳа қизиқувчилари учун муҳимдир.

2. Тадбиркорлик фаолиятини баҳолашда биринчидан уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, ялпи ички маҳсулотни яратишдаги улуси, аҳолини иш билан бандлигини оширишдаги ролини чуқур таҳлил этиш нафақат соҳа вакиллари учун балки тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда менежернинг ҳам ўта масъулиятли ва мураккаб вазифасидир.

3. Тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий мақсади - тадбиркорлик фаолиятининг ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, ўз маблағларидан янада самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилади. Таҳлил қилиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг расмий ҳисбот маълумотлари асосида анъанавий бўлган бошқарув таҳлил, иқтисодий таҳлил, тадбиркор фаоллиги кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи мотивациявий омиллар таъсирини аниқлаш каби таҳлилларни ўз ичига олади.

4. Тадбиркорлик субъектлари учун юқорида айтиб ўтилган фаолияти натижаларининг таҳлилий кўрсаткичлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тайёрланади ва улар аниқ қайси соҳаларни ривожлантириши тўлиқ ифодалаб беради. Бу маълумотларни даврлар бўйича таҳлил қилиш орқали мазкур тадбиркорларнинг фаолияти илмий жиҳатдан баҳоланса ва хулоса қилинса ҳам, улар тадбиркорликнинг якуний молиявий натижасини ифодалаб бермайди.

5. Тадбиркорлик фаолиятига қўшимча сармоя маблағларини киритиш ва уларни инвестициялаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти асосан ўз маблағлари ёки банкдан олинган кредит маблағлари эвазига молиялаштирилади. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш фаолиятни бошқариш самарадорлигини ифодалайди ва ҳар

қандай тадбиркорликни ташкил этишнинг мақсад ва мазмунини белгилайди.

6. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти унинг молиявий натижаларига боғлиқ бўлади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мавжуд бўлса-да, тадбиркорлик фаолиятида менежернинг асосий мақсади ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиб бориши ҳамда фойда олишни таъминлашдан иборат.

7. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мотивация омиллар таъсирида бошқариш тизимини такомиллаштиришлари учун бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган қўйидаги масалаларни ҳал этишни талаб қиласди:

- биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг натижаси унга сарфланган маблағлар қайтимига боғлиқдир. Шу сабабли тадбиркор ҳам соҳага пул тикишдан олдин ўз фаолиятининг стратегик режаларини тўғри тузиши ва уни жорий қилишда бошқарув тамойилларини тўғри қўллай олиши ҳисобига амалга ошириш;

- иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятида мотивациявий омиллар таъсирини кучайтиришни жаҳон андозаларига мос ҳолда амалга ошириши;

- учинчидан, тадбиркорлик фаолиятида мотивациявий омиллар таъсирини кучайтиришда ички ва ташқи муҳит жиҳатдан таъсир этувчи рискларни англаши ва бошқаришда ундан ҳимояланиш чораларини қўриши лозим.

8. Жиззах вилояти Республикализнинг ўзига хос иқлими, табиий манбаалари, меҳнат ресурсларининг жойлашуви, етарли даражада сув манбаалари билан таъминланганлигига кўра, қўшни вилоятлардан ажralиб туради. Шу боис, вилоятнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олганда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришда мотивация омиллар таъсирини кучайтириш натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

9. Тадбиркор ўз фаолиятини самарали бошқаришда доимо ўзининг соғ фойда ҳажми, рентабеллик даражаси ва уларга таъсир этувчи омилларнинг

(маҳсулот сотишдан келиб тушган тушум, таннарх даражаси, рентабеллик даражаси, сотишдан ташқари операцияларнинг тушуми, харажатлар даражаси, соф фойдадан тўланиладиган солиқлар даражаси) ўзгариш динамикасига қараб келажак фаолиятини аниқлайди. Бу орқали тадбиркор ўз фаолиятига баҳо бериши ҳамда бошқаришдаги муаммоларни бартараф этиши мақсадга мувофиқдир.

10. Хорижий давлатлардаги ортирилган тажрибаларни ўрганиш натижасида шунга амин бўлдикки, асосан Европа ва АҚШ да тадбиркорлик фаолияти кичик ва ўрта бизнес шаклида ташкил топган. Шунингдек, кўплаб хорижий давлатларда оилавий тадбиркорликнинг ҳам мавжудлиги айнан таҳлил натижалари орқали аниқ бўлди. Бизда ҳам оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни Ҳукумат кўмаги ва қонунчилик хужжатларига таянган ҳолда амалга оширилса, ушбу соҳанинг барқарор ривожланишига муҳим замин яратадиган олган бўламиз.

## **Ш-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖИ ВА УНИ БОШҚАРИШДА МОТИВАЦИЯЙИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **3.1. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишида мотивацион омилларни бошқаришда қўп омилли моделлардан фойдаланиш истиқболлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар доирасида юз бераётган ўзгаришлар таҳлили макроиктисодий даражада иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омиллари сифатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликнинг янги шаклларини барпо этиш, шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини ташкил этиш белгилаб олинди.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи мотивацион омилларнинг эконометрик таҳлилида қўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш ҳолатини қўп омилли боғланиш асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделларини аниқлаймиз. Аниқланадиган моделлар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда унга таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини аниқлаш асосида ўрта ва узоқ муддатли давр учун мақсадли прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларни таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни белгилашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмини эндоген омил ҳисобланган кўрсаткичга асосий таъсир этувчи омил таъсирида ўзгариши бўйича қўп омилли таҳлил амалга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот

ҳажмини ишлаб чиқариш функциясининг юқори чўққиси, яъни натижавий омил сифатида белгилаб олган ҳолда, унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари сифатида соҳа эксперtlари хулосаларига асосланган ҳолда куйидаги кўрсаткичлар танланди:

$X_1$  – асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми;

$X_2$  – инфляция даражаси;

$X_3$  – бандликнинг кичик бизнес ва тадбиркорлиқдаги улуси;

$X_4$  – кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми.

Ҳар бир таъсир этувчи эгзоген омил ўз моҳиятига кўра тадбиркорлик фаолияти учун мотив ҳисобланади. Масалан, асосий капиталга киритилган инвестициялар фаолиятни ташкил этиш учун зарурий ресурсларни сотиб олишни таъминласа, инфляция даражаси тадбиркорнинг йўқотиши мумкин бўлган фойдасини, бандликнинг кичик бизнесдаги улуси ижтимоий мотивларни ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми тадбиркорларнинг ташқи бозорларга интилишини ўзида ифодалайди.

### 3.1-жадвал

#### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот

ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари<sup>54</sup>

Йиллар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми, млрд. сўм ( $Y$ )	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм ( $X_1$ )	Инфляция даражаси, % ( $X_2$ )	Бандликнинг кичик бизнес ва тадбиркорлиқдаги улуси, % ( $X_3$ )	Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми, млрд. АҚШ дол. ( $X_4$ )
2011	63901,0	19500,0	7,6	75,1	2826,2
2012	77574,9	24455,3	7,2	75,6	1910,5
2013	93366,6	30490,1	7,0	76,7	3752,3
2014	115647,0	37646,2	6,4	77,6	3657,8
2015	142993,0	44810,4	5,5	77,9	3377,7
2016	170622,0	51232	5,6	78,2	3139,2
2017	207312,0	72155,2	9,5	78,0	2759,3
2018	265031,0	124231,3	17,5	76,3	3810,8
2019	296459,0	195927,3	14,5	76,2	4714,8
2020	335621,0	202000,1	12,9	74,5	3100,9

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омил кўрсаткичларининг мөҳияти кўриладиган бўлса, таъсир этувчи омиллар сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг шаклланишига асосий таъсир этувчи омил кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқариш модели кўринишидаги моделга яқин бўлган боғланишга эга бўлинади (3.1-жадвал).

Юқоридаги жадвалда ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги бир хил эмаслиги, яъни омил кўрсаткичларининг бир жинсли эмаслиги сабабли асосий тренд моделини чизиқли логарифмик боғланиш кўринишида аниқлаб оламиз. Бунинг учун омил кўрсаткичларининг барчасини натурал логарифмик кўрсаткичларга келтириб олинади (3.2-жадвал).

### **3.2-жадвал**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг логарифмик қиймати<sup>55</sup>**

<i>t</i>	<i>LnY</i>	<i>LnX<sub>1</sub></i>	<i>LnX<sub>2</sub></i>	<i>LnX<sub>3</sub></i>	<i>LnX<sub>4</sub></i>
2011	11,07	9,88	2,03	4,32	7,95
2012	11,26	10,10	1,97	4,33	7,56
2013	11,44	10,33	1,95	4,34	8,23
2014	11,66	10,54	1,86	4,35	8,20
2015	11,87	10,71	1,70	4,36	8,12
2016	12,05	10,84	1,72	4,36	8,05
2017	12,24	11,19	2,25	4,36	7,92
2018	12,49	11,73	2,86	4,33	8,25
2019	12,60	12,19	2,67	4,33	8,46
2020	12,72	12,22	2,56	4,31	8,04

Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омилларнинг боғланиши асосида юз берадиган ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги даврий қатор кўринишидаги маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қиласиз.

Дастурий пакетдан фойдаланиб, қуйидаги шаклдаги логарифмик чизиқли модель аниқланди:

<sup>55</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$LnY = 0,736 \cdot LnX_1 - 0,004 \cdot LnX_2 + 6,29 \cdot LnX_3 - 0,169 \cdot LnX_4 - 22,052 \quad (3.1)$$

Аниқланган чизиқли логарифмик модель потенцирланса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмини ифодаловчи чизиқсиз кўринишдаги эконометрик модель келиб чиқади:

$$Y = \frac{X_1^{0,736} \cdot X_3^{6,29}}{X_2^{0,004} \cdot X_4^{0,169} \cdot e^{22,052}} \quad (3.2)$$

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2021-2025 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ўзгаришининг истиқболдаги кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай моделлар рўйхатини келтирамиз (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал

#### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари<sup>56</sup>**

Кўрсаткич номи	Модель	Йиллар				
		2021	2022	2023	2024	2025
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	$Y = \frac{X_1^{0,736} \cdot X_3^{6,29}}{X_2^{0,004} \cdot X_4^{0,169} \cdot e^{22,052}}$	383446,2	407639,6	434011,3	459532,3	484269,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	$X_1 = 20736,12 \cdot t - 33803,86$	194293,5	215029,6	235765,7	256501,8	277237,9
Инфляция даражаси, %	$X_2 = 0,974 \cdot t + 4,013$	14,7	15,7	16,7	17,6	18,6
Бандликнинг кичик бизнес ва тадбиркорликдаги улуши, %	$X_3 = 76,667 - 0,0103 \cdot t$	76,6	76,5	76,5	76,5	76,5
Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми, млн. АҚШ дол.	$X_4 = 117,945 \cdot t + 2656,253$	3953,6	4071,6	4189,5	4307,5	4425,4

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва

<sup>56</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришини кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи

$$Y = \frac{X_1^{0,736} \cdot X_3^{6,29}}{X_2^{0,004} \cdot X_4^{0,169} \cdot e^{22,052}} \quad (3.3)$$

(2) – регрессия тенгламаси тузилди.

Тузилган моделнинг ишончлилиги ва адекватлигини бир неча мезонлар асосида текшириб, натижалар аниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Аниқланган трендда автокорреляция паст даражадалиги ва бошқа мезонлар бўйича ҳам талабга жавоб берганлигидан юқорида аниқланган (2)- регрессия тенгламаси ишончли деб топилди ва адекват эканлиги исботланди.

Кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ўрта муддатда, яъни 2011-2025 йилларда ўзгариши қийматларини графикда кўриниши ифодаланди (3.1-расм).



**3.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши (2021-2025 йиллар учун прогноз)<sup>57</sup>, (млрд. сўм)**

<sup>57</sup>Муаллиф тадқикотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тузилган моделдаги ўзгарувчилар коэффициентлари асосида ҳар бир омил қийматининг қўшилган бир бирлиги ҳисобига натижавий омил қийматининг қанчага ўзгаришини баҳолашимиз мумкин бўлади. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмини қўшимча 1 сўмлик асосий капиталга киритилган инвестициялар, бандликнинг кичик бизнес ва тадбиркорликдаги улуши тўғри боғлиқликда ўсиб боришига олиб келса, инфляция даражаси, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми ва бошқа тасодифий омилларнинг умумий таъсири ортиши кўрсаткичнинг камайишига олиб келади.

Юқоридаги омилли боғланишлар асосида биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ортишида энг муҳим деб топилган кўрсаткичларнинг натижавий кўрсаткич ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмига таъсири асосидаги ривожланиш сценарийси ишлаб чиқдик.

Хуроса қилиб айтганда, пандемия шароитида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ортишини стратегик режалаштириш жараёнида аниқланган трендлардан фойдаланиш тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ташкилий-хуқуқий жиҳатдан оптималлаштириш имконини беради.

Таҳлилларимизга кўра, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни эконометрик моделлаштиришнинг учинчи босқичи – верификация босқичида тузилган моделни аҳамияти тўртта йўналиш бўйича текширишга асосланади. Бунда:

- тузилган моделнинг сифати кўпликдаги корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг аҳамияти аппроксимация хатолиги ва Фишер мезони ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг параметрларини ишончлилиги Стьюдент мезони бўйича баҳоланади;

– Дарбин-Уотсон мезони ёрдамида “энг кичик квадратлар усули”нинг бажарилиш шарт-шароитлари текширилади.

Таҳлил қилинаётган қаторлар динамикаси ҳар доим анчагина узокроқ бўлган вақтли қаторларнинг танламаси ҳисобланади. Шунинг учун корреляцион-регрессион таҳлил асосида олинган эконометрик моделларнинг ишончлилигини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш лозим.

Тузилган эконометрик моделнинг аҳамиятилиги, ишончлилиги ва кейинчалик прогнозлашда қўллаш мумкинлиги қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

1. Эконометрик модел аҳамиятини Фишер мезони ва аппроксимация хатолиги ёрдамида баҳолаш.

2. Эконометрик модел сифатини кўп омилли корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳолаш.

3. Эконометрик модель параметрларини Стыюдент мезони ёрдамида баҳолаш.

4. Қаторларда қолдиқ автокорреляцияни Дарбин-Уотсон мезони бўйича баҳолаш.

Аниқланган кўп омилли чизиқсиз боғланишдаги моделнинг аҳамияти ва унинг параметрлари сифатини баҳоламасдан туриб, моделдан амалиётда фойдаланиш катта хатоликларнинг юзага келишига олиб келади. Шуни эътиборга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш моделини унинг аҳамияти ва модель параметрларининг сифатини баҳолаймиз.

Eviews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил жараёнида аниқланган параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастур томонидан ҳисобланган асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали баҳоланганд (3.4-жадвал).

### **3.4-жадвал**

#### **Омилларнинг боғланиш хусусиятлари ва тузилган омилли модел**

## сифатининг асосий кўрсаткичлари<sup>58</sup>

Dependent Variable: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажми, $\ln Y$				
Method: Least Squares				
Date: 17/12/21 Time: 19:07				
Sample: 2011 2020				
Included observations: 10				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми $\ln X_1$	0.735855	0.59297	12.40963	0.0001
Инфляция даражаси $\ln X_2$	-0.004350	0.138017	-0.031516	0.9761
Бандликнинг кичик бизнес ва тадбиркорликдаги улуши $\ln X_3$	6.290973	2.062705	3.049865	0.0284
Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми $\ln X_4$	-0.069577	0.132352	-1.281259	0.2563
Тасодифий омиллар таъсирини эътиборга оловчи қиймат $\ln C$	-22.05184	8.759158	-2.517576	0.0533
R-squared	0.989344	Mean dependent VAR	11.94000	
Adjusted R-squared	0.980818	S.D. dependent VAR	0.577466	
S.E. of regression	0.079978	Akaike info criterion	-1.907284	
Sum squared resid	0.031982	Schwarz criterion	-1.755992	
Log likelihood	14.53642	Hannan-Quinn criter.	-2.073252	
F-statistic	116.0497	Durbin-Watson stat	2.410548	
Prob(F-statistic)	0.000041			

Дастурий пакет асосида амалга оширилган таҳлил натижавий омилнинг таъсир этувчи омиллар билан кўплиқдаги корреляцияси  $r=0,9954$  га, детерминация коэффициенти  $R^2=0,9808$  га тенг эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса таъсир этувчи омиллар билан натижавий омилнинг юқори зичлиқда корреляцияга эга эканлигини ва ҳисобланган кўрсаткичлар билан реал кўрсаткичлар орасидаги фарқ сифатидаги қолдиқларнинг ҳам зич боғланганлигини кўрсатади.

Жадвалда кўрсатилган кўрсаткичлар қийматидан фойдаланган ҳолда тузилган эконометрик моделнинг аҳамияти ва параметрлари сифатини баҳоланади.


Аниқланган моделдаги эндоген омил учун Фишер мезони қиймати 116,05 га тенг бўлиб, унинг аҳамияти 0,000041 га тенг. Бундан кўриниб турибдики, тузилган тренд моделини аҳамият жиҳатидан амалиётда қўллаш мумкин.

<sup>58</sup>Муаллиф томонидан EViews10 дастурида хисоблаш асосида ишлаб чиқилган.

Модель сифати дастурий пакет воситасида Акиаке ахборот мезони (1,91), Шварц мезони (1,75) ва Ханнан-Күин мезони (2,07) орқали баҳоланган. Ушбу мезонлар қиймати ҳам тренд моделини қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Тузилган эконометрик моделда автокорреляция ёки мультиколлениарлик мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи Дарбин-Уотсон (*DW*) мезони 2,41 га тенг бўлиб, оптимал чегара 2,0 атрофида эканлиги ҳисобга олинса, моделнинг сифатини нисбатан юқори эканлигини, яъни автокорреляция даражаси паст эканлигини, бироқ моделда паст дараждаги мультиколлениарлик мавжудлигини кўриш мумкин.

EViews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг 2011-2020 йиллар оралиғидаги ҳажмининг  $\pm 2$  статистик хатолик чегараларида ўзгариши трендини шакллантирамиз ҳамда ушбу тренднинг аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаймиз (3.2-расм).




**3.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг 2011-2020 йиллар оралиғидаги  $\pm 2$  статистик хатолик чегараларида ўзгариши<sup>59</sup>**

Расмда келтирилган кўрсаткичлар тузилган моделнинг аҳамияти ҳамда

<sup>59</sup>Муаллиф томонидан EViews10 дастури асосида ишлаб чиқилган.

адекватлигини акс эттиради. Жумладан, Теил нотенглик коэффициенти 0,0024 га, Теил U2 коэффициенти 0,303 га, Биас нисбати 0 га, вариация нисбати 0,003 га, ковариация нисбати 0,9973 га ҳамда симметрик MAPE 0,368 га тенг эканлиги тузилган моделнинг зарурий оралиқларда жойлашганлигини қўрсатади. Хусусан, симметрик MAPE учун чегара 10 гача эканлиги ҳисобга олинса, тахминийлик хатолиги даражаси белгиланган чегарадан кичиклигини кўриш мумкин, яъни MAPE: 0,368<10.

Юқоридагилар билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг омиллар таъсирида ўзгариш моделини баҳолашда қолдик, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графигидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3.3-расм).



**3.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг қолдик, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графиги<sup>60</sup>**

Графикда қолдик модель асосида ҳисобланган ва ҳақиқий қийматларнинг қолдик қўрсаткичлари ўртасидаги тебраниш даражаси юқори бўлса-да, ҳақиқий қўрсаткичлар ва тузилган модель асосида ҳисобланган қўрсаткичлар графиги ўртасидаги фарқ даражаси сезиларсиз эканлигини

<sup>60</sup>Муаллиф томонидан EViews10 дастури асосида ишлаб чиқилган.

кўриш мумкин.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар ҳамда кўрсаткичлар қийматларини статистик баҳолаш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг 2011-2020 йиллардаги ҳажми ва унга омиллар таъсирини ҳисобга олган қўйидаги тренд моделини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилган маҳсулот ҳажмини келгуси даврда ривожлантириш стратегиялари асосида сценарийлар ишлаб чиқиш жараёнида қўллаш мумкин. Яъни:

$$Y = \frac{X_1^{0,736} \cdot X_3^{6,29}}{X_2^{0,004} \cdot X_4^{0,169} \cdot e^{22,052}} \quad (3.4)$$

Тузилган тренд моделидан фойдаланишда соҳага киритилаётган ресурслар (эззоген омиллар) ҳажмини ҳар бир бирлик қўшимча киритилаётган ресурс бирлигидан олинадиган самарани ҳисобга олган ҳолда белгилаш ресурс самарадорлигини оптимал таъминлаш имконини беради ҳамда тармоқнинг мувозанатлашган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлайди. Шу билан бирга таъсир этувчи омиллар сифатида танланган мотивация омилларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиш даражасига таъсирини баҳолаш имконини беради.

### **3.2. Тадбиркорликни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини тубдан ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишда бозор инфратузилмалари обьектларининг ўзига хос ўрни мавжуд. Шу жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва тадбиркорлик бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларини такомиллаштириш соҳада олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашуви шароитида кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қабул қилинган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало тадбиркорларга талаб даражасида хизмат қўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш замон талабларидан биридир.

Ўзбекистонда “...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш қўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”<sup>61</sup>.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари меҳнатининг нуфузини ошириш, улар фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, тадбиркорлик фаолиятини шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этишда қулай бозор инфратузилмаларини фаолиятини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бозор инфратузилмаларини шакллантириш борасида мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасининг етук олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, уларнинг аксарияти бозор инфратузилмаларини яратиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат қўрсататувчи инфратузилма обьектларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, Р.Х.Эргашев ва С.Н.Хамраевалар томонидан тайёрланган ўкув қўлланмада “...қишлоқ хўжалигига мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаб уни сотишгача бўлган жараёнда,

<sup>61</sup>Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.

яъни тайёрлов, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, таъминот, савдо-сотик, молия ва тижорат тизимини ўз ичига олган янги самарали инфратузилма тизимини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш агарар тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлди<sup>62</sup> таъкидлаб ўтилган. Ўқув қўлланмада асосан, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш муаммоси яхлит тизимга келтирилган ҳолда етарлича ўрганилганлигини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Шунингдек, МДҲ олимлари инфратузилмани ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган, бироқ уларнинг асосий изланишлари умумий тарзда бозор инфратузилмаларини шакллантиришқа қаратилган<sup>63</sup>. Илмий изланишларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларини ташкил этиш ва такомиллаштириш алоҳида тадқиқотлар олиб боришга доир соҳалардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимизнинг бир қатор қарорларига кўра, тегишли вазирлик, компания, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан республикамиз худудларининг табиий-иқтисодий шарт-шароити, саноат ихтисослашуви ва жойлаштирилиши, аҳолининг ўсиш суръатлари, аҳоли бандлиги ва бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда бозор инфратузилма субъектлари ташкил этилди.

Ташкил этилган инфратузилма обьектлари зарур техника ва жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш белгилаб берилган ҳолда ушбу шоҳобчаларга турли имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар олиш ва бошқалар) ҳам берилди. Давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлар натижасида турли инфратузилма субъектларнинг бошланғич фаолиятларининг самарали йўлга қўйилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

<sup>62</sup> Эргашев Р.Х., С.Н.Хамраева. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма, Т.: 2011, 249 бет.

<sup>63</sup> Кузнецова А.И. Инфраструктура. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 432 стр.

Бугунги кунда бозор инфратузилмаси асосан, маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол кўламлари ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизими сифатида эътироф этилади. Бозор инфратузилмасини мустаҳкам фаолият юритиши маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига ҳамда аҳоли яшаш тарзига бевосита боғлиқ.

Шу жиҳатдан, бозор инфратузилмасининг хизмат турларини куйидагича келтириб ўтиш жоиз:

- ✓ Тижорат банклари хизмати;
- ✓ Мехнат ва хомашё биржалари;
- ✓ Брокерлик хизматлари;
- ✓ Улгуржи савдо ва ярмаркалар хизмати;
- ✓ Аудит ва суғурталаш хизмати;
- ✓ ахборот ва консалтинг марказлари;
- ✓ Тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш марказлари;
- ✓ Нотариус идоралари;
- ✓ Юридик хизматлар.

Тадбиркорликни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришда бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун асосан бу соҳада фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш билан боғлиқ. Бугунги кунда шаҳар ва вилоятлардаги олий ўқув юртлари ҳамда бошқа ўқув тизимларида инфратузилма обьектларида хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш, уларни бизнес режа тузиш, инвестицион лойиҳаларни тузиш, мулкни қайта баҳолаш, турли брокерлик хизматлари, бошқарувчи менежерлар, ахборот-консалтинг хизматлари, аудит ва суғурта хизматлари, нотариус ва юридик хизматлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши соҳалари бўйича маркетинг

хизматларини кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш замон талабига айланди. Бу соҳада яна бир муҳим масала – бозор инфратузилма муассасаларининг хизматлари учун тўланадиган ҳақ доимо ўсиб бормоқда. Шу туфайли кўплаб кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар бозор инфратузилма муассасалари хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.

Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У барча турдаги корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлайди ва ишлаб чиқаришнинг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилган фаолиятлар мажмуидир. Бугунги кунда шаҳар ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган аксарият бозор инфратузилма муассасаларининг бош муассасалари Тошкент шаҳрида жойлашган, шуни ҳисобга олган ҳолда, улар тасарруфидаги вилоят ва туман бўлимларига хизмат ҳаражатларини пасайтиришга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим. Шунингдек, вилоят ва туманлардаги тадбиркорларга турли хизмат кўрсатаётган консалтинг, суғурта муассасалари, ахборот-маслаҳат, аудиторлик марказларига солик бўйича имтиёзлар бериш ҳам, бу йўналишдаги ишлар ривожига муҳим иқтисодий асос бўлар эди.

Шу билан бирга, бозор инфратузилмасини самарали ташкил этиш йўналишларини белгилаш, уларни оптималь жойлаштириш, устувор ривожлантириш йўлларини аниқлаш, бозор инфратузилма субъектлари билан тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий ва хуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, бу соҳада мавжуд муаммолар тадбиркорлик фаолиятини ривожига тўсиқ бўлмайди (3.5-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республика бўйича жами 6946 та инфратузилма субъектлари фаолият юритаётган бўлиб, булар бевосита тадбиркорларга ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шу жиҳатдан уларнинг хизматларидан ўз вақтида фойдаланиш тадбиркорнинг даромад манбайнини ошишига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга қулай шарт - шароит яратилади. Бироқ, кўпчилик тадбиркорлар

### **3.5-жадвал**


#### **Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд бозор инфратузилма объектлари (2021 йил ҳолатига кўра, бирлиқда)**

<b>Инфратузилма объектлари номи</b>	<b>Сони</b>
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424
<b>Жами:</b>	<b>6946</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси мълумотлари асосида тайёрланган.

ахборот-маслаҳат марказлари, консалтинг марказлари, аудитор фирмалари, бизнес-инкубаторлар, суғурта ташкилотлари фаолиятидан фойдаланиш даражаси паст. Аммо, юқорида номлари келтирилган инфратузилма объектлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иқтисодий ва хуқуқий ҳамкори ҳамда маслақдоши бўлиши шубҳасиздир. Улар эса фақат молиявий муносабатларни йўлга қўйишдаги инфратузилма объектлари билан узвий алоқада бўлишлари табиий ҳол.

Мамлакатимиз худудларида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш ва уларнинг маданий-маиший хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда бозор инфратузилмаларини жойларда барпо этиш ва ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, бозор инфратузилмаси муассасалари бозорда товар, пул, меҳнат ресурслари ва ахборотлар ҳаракатини таъминлашга хизмат қиласи.



### 3.6-расм. Тадбиркорлик фаолиятида инфратузилманинг вазифаларини тақсимланиши<sup>64</sup>

Юқоридаги келтирилган 3.6-расмдан кўриш мумкинки, тадбиркорлар фаолиятида бозор инфратузилмасининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиш ҳамда бунинг натижасида аҳоли истеъмолини тезда қондирилиши ва даромад манбаининг ошишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тақорланиб туришини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қиласида ва бу эса жойларда иш билан бандлик масаласига ижобий таъсир этувчи механизм сифатида хизмат қиласи. Ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш ва уларни тармоқлар ўртасида тақсимлаш орқали ресурслар тежамкорлигига эришилади ва улардан самарали фойдаланишга имконият пайдо бўлади.

3.7 расмдан кўриш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолияти муҳим ҳисобланади. Чунки, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тадбиркорликни ривожлантирувчи куч сифатида ҳамда қўллаб-куватловчи восита сифатида хизмат қиласи. Бироқ, ҳар бир соҳада ютуқлар бўлгани каби, тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари

<sup>64</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

фаолиятида ҳам ўзига хос камчиликлар учраб туриши бу эса тадбиркорликни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.



### 3.7-расм. Тадбиркорликни мотивацияй омиллар асосида ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятининг гурухланиши<sup>65</sup>

Тадбиркорлик фаолиятини мотивацияй омиллар таъсирида ривожланишига кўмаклашувчи минибанклар хизматидан фойдаланишдаги муаммолар:

- тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун кредитлар бўйича талаблари ўз вақтида қондирилмаслиги;
- банкда нақд пул йўклиги сабабли тадбиркорлар ўз ходимларининг иш ҳақини вақтида бермаслиги;
- тадбиркорларнинг хисоб рақамидаги маблағларни уларнинг розилигисиз тадбиркор «истамаган томонга» йўналтиришга йўл қўйилиши;
- тадбиркорларнинг ўз хисоб рақамларидан нақд пул олишдаги

<sup>65</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

муаммоларнинг мавжудлиги;

- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи банк мутахассисларининг малакаси пастлиги, иш тартибига риоя қилмаслик, оперативликнинг йўқлиги ва бошқалар.

Энг асосий муаммолардан бири тадбиркорлик фаолияти субъектларига хизмат кўрсатувчи банк муассасалари хизматчиларининг иш ва ҳаракатига боғлик бўлмаган ҳолатларнинг мавжудлиги тадбиркорликни мотивациялашда ва бошқарувда ўзига хос қийинчиликларни вужудга келтирмоқда, улар қуидагилар:

- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи мини-банклар керакли техник жиҳозлар билан яхши таъминланмаганлиги (компьютерлар, принтерлар, модем, телефонлар);
- мини-банк билан алоқани самарали йўлга қўйишида тадбиркорларнинг малакаси старли эмаслиги;
- туманларда тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи мини-банкларда электр энергиясининг доимий учиреб қўйилиши;
- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- мини-банклар ходими томонидан тадбиркорларни етарлича рағбатлантирилмаслиги;
- тадбиркорларга банклар томонидан хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги.

Тадбиркорликни мотивациявий омиллар асосида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларидан бири бўлган суғурта фаолиятидан оқилона фойдаланмаслик уларнинг стратегик ҳолатига жиддий таъсир этади. Суғурта мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий масаласи ҳисобланади. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича, деярли барча ривожланган мамлакатларда тадбиркорликни суғурталаш кенг ривожланган. Хусусан, бу соҳада АҚШ, Европа иттифоқи давлатлари, Япония ва Корея давлатларининг тажрибалари эътиборга лойик. Номлари юқорида келтирилган давлатларда айнан тадбиркорликни

мотивациялашда сұғуртанинг аҳамияти юқорилиги ҳамда барча фаолият турларини сұғурталаниши, тадбиркорлик фаолиятида күрилган заарларнинг ўз вақтида қопланиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сұғурталаш борасида 25 йил давомида “Мадад” сұғурта агентлиги ихтисослашған тарзда фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, бошқа сұғурта компаниялари умумий тарзда тадбиркорларга сұғурта хизматларини күрсатиб келмоқда. Бироқ, тадбиркорлар кредит ёки лизинг хизматларидан фойдаланғанда сұғурта муассасалари хизматларидан фойдаланишга, яғни мажбурий сұғурта қылдириш пайтида ушбу фаолиятга қизиқишиади.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятида сұғуртанинг аҳамияти юқори бўлиб, тадбиркорларни турли рисклардан ҳимоя қилишда ва фаолиятининг узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятини сұғуртавий ҳимоялаш борасида тадбиркорларга тушунтириш ишларини ташкил этиш соҳа олдида турган масалалардан биридир.

Шу билан бирга, ахборот-маслаҳат марказлари, консалтинг марказлари аудитор фирмалар, юридик хизматлар, брокерлик хизматларидан фойдаланишда тадбиркорлар фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди. Бугунги кунда тадбиркорларни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилма объектларидан самарали фойдаланишни оқилона ташкил этиш орқали юқори натижага эришиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- бозор инфратузилмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, маълум бирларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш;
- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ҳамда қўллаб-куватлашга йўналтириш;
- давлат органлари томонидан амалга ошириладиган текширувларда

инфратузилма объектларини ҳам жалб этиш ва уларнинг қатнашувини таъминлаш;

- тадбиркорларга хизмат қилувчи бозор инфратузилма объектларидан бўлган улгуржи ва чакана савдо хизматларини қонуний асосда ташкил этиш;
- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятини ўрганиш мақсадида маҳаллий Ҳокимият раҳбарлигига мониторинг тадбирларини ташкил этиш;
- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятидаги хизмат ҳақларини пасайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолияти орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

Маълумки, республикамизда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилган бўлиб ушбу жамғарма ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий мотивациян омиллардан энг аҳамиятлиси ҳисобланади.

Умуман олганда тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг аҳамияти юқорилигини ҳисобга олган ҳолда бу борадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш турли тўсиқларни пайдо бўлишини олдини олишга хизмат қиласди.

### **3.3. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивациявий омилларини таомиллаштириш**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тубдан ўзгартириш ва улар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш шиддатли рақобат шароитидаги ўз иқтисодий ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда турли мулкчилик

муносабатларининг шаклланиши, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мулқорларнинг ўрта синфини шаклланиши, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаларининг мавжудлиги, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида юртимиз тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

- ✓ мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқаридиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;
- ✓ давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;
- ✓ кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;
- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа

тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференсиялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солик ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошлангич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;
- ✓ кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;
- ✓ саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;
- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташки иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишига қўмаклашиш;
- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консультатив қўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

Ушбу қарорда келтирилган йўналишларнинг туб мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилишга, фаолият юритиши жараёнидаги тўсиқларни бартараф этишга, ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш жараёнини яхшилашга, тадбиркорлик фаолиятини моливий

жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик фаолияти натижасида яратилган маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга, тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш ҳамда соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги мавжуд муаммолар қуйидагилардан иборат, яъни:

- хусусий тадбирорлик ва кичик бизнесни очишдаги муаммоларнинг мавжудлиги;
- тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасидаги муаммолар ва маълум бир тўсиқларнинг юзага келиши;
- тадбиркорлик субъектиларига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур бўладиган ер ажратиш соҳасидаги муаммолар;
- тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги мутахассислар этишмовчилиги муаммолари;
- тадбиркорлик фаолияти ривожидаги маркетинг муаммолари;
- тадбиркорлик фаолияти маҳсулотларини аккредитация қилиш ва сертификатлаштиришдаги муаммолар.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва очишдаги муаммолар, асосан:

- Ягона дарча тизими бўйича тадбиркорларга хизмат кўрсатиш тўлиқ амалга ошмаяпти (рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш);
- Бизнесни жой билан таъминлашдаги муаммолар (бўш турган ерлар, бинолар бўйича барча учун очик ягона база йук);
- Хусусийлаштирилган кўчмас мулклар ҳозирда тадбиркорлар томонидан ишлатилмаяпти, уларни қайта олиш муаммо, чунки улар тадбиркорларга хусусий мулк қилиб берилган.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасидаги муаммолар:

- Муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия, сув билан

таъминлаш, канализация, иссиқлик энергияси билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланишда ҳали ҳам тўсиқлар мавжуд;

- Хусусан, туман ҳокимликлари томонидан ягона дарча асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш амалга ошмаяпти. Муҳандислик коммуникацияларига уланиш учун техник шартларни расмийлаштирадиган ваколатли органлар ва таъминотчи ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг шахсан келиши талаб қилинмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мутахассислари етишмовчилиги муаммолари ҳам мавжуд бўлиб, улар фаолиятга тўсиқ бўлаётган қуидаги омиллардан иборат:

- Бизнес режа, ТИА ишлаб чиқадиган мутахассислар мавжуд эмаслиги;
- Архитектура-қурилиш соҳасида қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқадиган мутахассисларнинг камлиги ёки соҳага бўлган қизиқишнинг йўқлиги;
- Саноат ишлаб чиқаришда инженер-технолог мутахассисларга эҳтиёж катта бўлиб, бироқ бу соҳада мутахассислар камлиги, бу эса ишлаб қиариш ва хизмат кўрсатишга жиддий таъсир этиши;
- Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этадиган, хорижий илғор тажрибани биладиган мутахассисларнинг етарли эмаслиги;
- Юқоридаги соҳалар бўйича сифатли мутахассисларини тайёрлаш бўйича таълим муасссаларида ишлар етарли даражада эмаслиги.

Маркетингдаги муаммолар ҳам тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида учраб турди, унга асосан қуидагилар киради:

- Тадбиркорлик субъектлари қўргазма, ярмаркаларда доимий тарзда иштирок этмаслиги;
- Тадбиркорлик субъектларида маркетинг, менежмент тизимини кенг жорий этилмаганлиги;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маркетинг ва менежмент бўйича мутахассисларнинг етарли эмаслиги;

- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида инновацион технологияларнинг, ғояларнинг ягона маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги.

Тадбиркорлик фаолиятидаги маҳсулот ва хизматларни аккредитация қилиш ва сертификатлаштириш соҳасидаги муаммоларга:

- Амалдаги қонунчилик маҳсулотларни аккредитация қилиш ва сертификатлаштириш бўйича миллий тизим белгилаган доира билан чегараланган;

- Миллий стандартларнинг халқаро стандартларга номувофиқлиги;

- Барча функцияларнинг бир органга юклатилганлиги;

- Амалдаги қонунчиликда номувофиқликлар ва ноаниқликларнинг мавжудлиги;

- Маҳсулотларни текшириш учун синов лабораторияларининг етарли эмаслиги;

- Мавжуд синов лабораторияларининг техник ва маънан эскирганлиги оқибатида янги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни текширишнинг имконияти мавжуд эмаслиги;

Тадбиркорлик фаолиятини жараёнида яратилаётган маҳсулотларни сертификатлаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ечими топилмаси қуйидаги оқибатларларга сабаб бўлади:

- Халқаро миқёсда аккредитация қилиш ва сертификатлаштириш бўйича миллий органлар томонидан бериладиган сертификатларнинг тан олинмаслиги;

- халқаро саводдаги тўсиқларнинг вужудга келиши;


- миллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро савода рақобатбардош эмаслигининг вужудга келиши;

- экспорт қилишда харажатларнинг кўпайиши билан боғлиқ муаммоларнинг вужудга келиши.

Тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг асосий қисми фаолиятни бошқарув жараёнида мотивациявий омиллардан

фойдаланмаслик ва уни бошқарув жараёнида кенг қўлланилмаслиги ҳамда тадбиркор керакли меъёрий-хуқукий хужжатларнинг мазмунига тушунмаслиги, ўз вақтида давлат бошқарув органларига мурожаат қилмаслиги сабабли салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Тадбиркорлик фаолиятида бошқарувчи ўзининг бошқариш тизимида юқорида келтирилган йўналишларни тўғри жорий этса, ундан оқилона фойдаланса, бошқарувда мотивациявий омиллардан фойдаланишини тўғри ташкил қиласа, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий мотивациявий омилларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиб, амалиётга тўғри тадбиқ эта олсагина самарали фаолият юритишга эриша олади (3.8-расм).



### **3.8-расм. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий мотивациявий омилларининг гурухланиши<sup>66</sup>**

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий

<sup>66</sup> Муалифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тайёрланган.

ва хуқуқий мотивациявий омилларидан ташкилий мотивациявий омилларини кўрадиган бўлсак, у қўйидагилардан иборат:

- Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омилларга таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ходимлардан интизомлиликни талаб этиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ўз қобилиягини ишга солиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда инновацион фаолиятни такомиллаштириш;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи ташки ҳамкорлар билан муносабатларни яхшилаш;
- Тадбиркорлик фаолиятида яратилган маҳсулот ва хизматларнинг экспорт даражасини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Тадбиркорлик фаолияти натижалари бўйича давлат органларига ҳисоботлар топшириш механизмини тубдан такомиллаштириш.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий мотивациявий омиллари қўйидагилардан ташкил топган бўлиб, яъни:

- Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;
- Тадбиркорлик фаолияти хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, ўринсиз текширувларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда молиявий институтларнинг ролини ошириш;
- Тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва солиқ юкини янада камайтириш ва рағбатлантириш;
- Тадбиркорлик фаолияти жараёнида иқтисодий маслаҳат хизматлари фаолиятини ривожлантириш;
- Тадбиркорлик фаолиятида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини

янада такомиллаштириш.

Ушбу юқорида келтирилган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий мотивациявий омилларини амалиётда кенг қўлланилиши тадбиркор учун маълум бир даражада иқтисодий самарадорликни шакллантирса, бир томондан тадбиркор бошқарувни тўғри ташкил этишида, иқтисодиётда ўз ўрнини топишида ҳамда қонунчилик тамойилларига амал қилишида ўзига хос самара беради.

Шу жиҳатдан ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишни тўғри ташкил қилишда бошқарувчи менежерларнинг зиммасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айнан, замонавий бошқарувни шакллантиришда бошқарувчига ишни тўғри ташкил қилиш эмас, балки мотивациявий омиллардан фойдаланган ҳолда бошқарувни самарали ташкил этиш муҳимдир:

Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини турли рисклардан ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, бунда тадбиркорлик фаолиятида учрайдиган иқтисодий хавфларни аниқлаш, уларни баҳолаш ҳамда улардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш, бу эса бошқарувчининг маъсулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш учун рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш соҳасидаги муаммолар ва тўсиқларнинг юзага келишини олдини олиш мақсадида уларни хуқуқий саводхонлигини ошириш.

Учинчидан, маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги ер ажратиш комиссия ишини қайтадан кўриб чиқиши ва тадбиркорлик субъектлари учун ер ажратиш механизмини тубдан ўзгартириш чоралари кўриш.

Тўртинчидан, тадбиркорлик фаолиятига доир соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича таълим муассаларида кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни – таълим билан бевосита боғлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришда инновацион фаолликни ошириш.

Бешинчидан, тадбиркорлик фаолияти ривожидаги маркетинг муаммолари ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ, шу боис, фаолият юритувчи субъектларни маркетинг ва менежмент соҳаларига оид иқтисодий билимларини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш.

Олтинчидан, тадбиркорлик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган ва маҳсулот ва хизматларни аккредитация қилиш ва сертификатлаштиришдаги муаммоларнинг мавжудлиги улар фаолиятини ривожланишига тўсик бўлмоқда. Бу муаммоларнинг ечими улар учун зарур омиллардан бири бўлган экспорт маҳсулотларини халқаро стандартлар ва халқаро амалиёти негизида аккредитациялаш ва сертификатлаштириш бўйича миллий инфраструктура сифатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича давлат дастурини белгилаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хуроса ўрнида айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивациявий омилларидан тўғри фойдаланиш фаолиятнинг бошқарувига ижобий жиҳатдан кўмак берса, бир томондан иқтисодий самарадорликни ошишига, тадбиркорнинг иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилинишига муҳим замин яратиб беради.

### **3-боб бўйича хулосалар**

1. Ушбу бобда ўрганилаётган соҳа ислоҳотининг асосий мақсади тадбиркорлик фаолияти ривожи ва уни бошқаришда мотивациявий омиллар таъсирини кучайтиришдан иборат. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида ривожлантириш услубиётини кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Демак, бошқарув органлари таъсирини пасайтириш учун тадбиркор ўз фаолиятини бошқаришда ички мотивация омилларини тўғри шакллантириш ва бунинг натижасида ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиш даражасига эга бўлиши талаб қилинади.

2. Монографик тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Жиззах шаҳари миқиёсида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқарув органларининг аралашуви қисман бўлсада сақланиб қолинганлиги маълум бўлди, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолиятини ташкил этишда ва фаолият юритиш жараёни хақида етарли даражада керакли маълумотларига эга эмаслиги ва бу соҳада тарғибот ва тушунтириш тадбирларини жорий этишнинг афзаллиги ҳамда уни тадбиқ этиш борасидаги илмий изланишларни янада такомиллаштириш, ҳудуд ва ҳудудларо тадбиркорлик фаолиятига жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

3. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтиришнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар тадбиркорларнинг меъёрий ҳужжатларни билиш ҳолати таҳлил қилинади, рағбатлантириш ҳолати таҳлил қилинади, бошқарув органлари тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқилиб тадбиқ этилади, тадбиркорлик фаолиятни ташкил этиш ва юритиш борасидаги дастурлар яратилиб, унга кўра тадбиркорларни рўйхатга олиш ишларини соддалаштириш, фаолият юритишида ахборот-коммуникация технологиялари орқали маълумот алмашиш, бошқарув органлари таъсирини пасайтириш бўйича тадбиркорлик

фаолиятига доир мотивациялар ишлаб чиқиш, бошқаришга доир стратегик дастурлар яратиб боришдан иборат.

4. Бугунги кунда бозор инфратузилмаларининг шаклланиши юқори даражада баҳолаш мумкин, бироқ ташкил этилган инфратузилма объектлари асосан умумий соҳаларни ўз хизматлари билан таъминлаб келмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришда бозор инфратузилмалари ролини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

5. Тадбиркорлар фаолиятида бозор инфратузилмасининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиш ҳамда бунинг натижасида аҳоли истеъмолини тезда қондирилиши ва даромад манбайнинг ошишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қиласи ва бу эса жойларда иш билан бандлик масаласига ижобий таъсир этувчи механизм сифатида хизмат қиласи.

6. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолияти муҳим ҳисобланади. Чунки, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тадбиркорликни ривожлантирувчи куч сифатида ҳамда қўллаб-қувватловчи восита сифатида хизмат қиласи.

7. Тадбиркорликни мотивациявий омиллар асосида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларидан бири бўлган суғурта фаолиятидан оқилона фойдаланмаслик уларнинг стратегик ҳолатига жиддий таъсир этади. Айнан, ҳозирда суғурта тадбиркорларнинг энг яқин таянчига айлангани, уларни турли рисклардан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда, шу боис, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши ва бошқарув тизимини тубдан яхшилашда суғуртавий ҳимоянинг таъминлаш катта аҳамиятга эга.

8. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омилларга

таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш, самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқиш, бошқаришда ходимлардан интизомлиликни талаб этиш, бошқаришда ўз қобилиятини ишга солиш, бошқаришда инновацион фаолиятни такомиллаштириш, фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашувчи ташки ҳамкорлар билан муносабатларни яхшилаш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий мотивациявий омиллари ҳисобланиб, уларни тўғри жорий этилиши бошқарувда юқори самара бериши шубҳасиздир.

9. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, ўринсиз текширувларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш, молиявий қўллаб-қувватлашда молиявий институтларнинг ролини ошириш, солиққа тортиш ва солиқ юкини янада камайтириш ва фаолиятни рағбатлантириш, улар учун иқтисодий маслаҳат хизматлари марказлари фаолиятини тубдан ривожлантириш иқтисодий мотивациявий омиллари ҳисобланиб, уларни тадбиркорлик фаолиятида даромад манбайнин ошишига имкониятни юзага келтиради.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий мотивациявий омиллари асосан соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштиришдан, ходимларга белгиланган мажбуриятлар бажаралишини назорат қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқишдан, раҳбар жамоанинг барча аъзоларига адолатли бўлишини таъминлашдан, фаолият вазифаларини ходимларнинг ҳуқуқий бурчларидан келиб чиқиб аниқ режалаштириш асосида ташкил қилиш тадбиркорнинг ҳуқуқий бурчларидан ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Танланган мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишига муваффақ бўлинди:

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пойдевори амалдаги бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлган тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни ишлаб чиқариш таркибининг маълум даражадаги нисбатини келтириб чиқаради ва иқтисодиёт субъектларида ихчам иқтисодий фаолият турини танлашга, бозордаги ўзгаришларга жавобан тезлик билан ўз фаолиятини ташкил этишга мойилликни шакллантириб боради. Бунда тадбиркорлик фаолиятининг мавқеи ошиб боради.

2. Тадбиркорлик фаолияти - бу иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланди, шу жиҳатдан глобаллашув шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор талаби сифатида иқтисодий майдонга чиқиб, ўзининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши билан истеъмолчи талабнинг доимий ёки вақтинчалик қондириш борасида ҳамда рақобат муҳитини яратишда муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жиҳатдан ривожлантириш ўринлидир.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини, унинг табиатини англашда бир қанча ёндашувларни ҳисобга олиш керак. Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти ўзининг ташкилий-хуқуқий жиҳатидан алоҳида мақомга эга. Иккинчидан, унда мулк ва мулкий муносабатлар табиати аниқ қўринишида бўлади. Учинчидан, тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув даражаси ва соҳаси бозорга ишлаши билан белгиланади. Булар тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини юзага чиқаради.

4. Илмий тадқиқотларимиз давомида Ўзбекистон ва хорижда чоп этилган адабиётлар билан танишган ҳолда тадбиркорлик ва тадбиркорлик

фаолиятига берилган таърифларни назарий жиҳатдан ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қиласан тадбиркорлик фаолиятини таърифлашнинг янгича назарий қарашларнинг шаклланиши замон талаби жиҳатдан асослаб берилди.

5. Тадқиқот ишида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омилларнинг назарий жиҳатлари очиб берилди ҳамда ундан фойдаланишнинг илмий ва услубий асослари ёритиб берилди. давлат томонидан тартибга солишганинг объектив жараён эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

6. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омилларнинг таъсири ва уни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга, авваламбор тадбиркорлик фаолиятида мотивация омилларни кўрсата билиш, шу билан бирга бошқаришда мотивация омиллар таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқищдан иборат.

7. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уни бошқариш ҳолати республика миқиёсида ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шу билан бирга ушбу ҳолат бўйича Жиззах вилоятида тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиниб, соҳада мавжуд камчиликлар аниқланди.

8. Тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантиришнинг хорижий услубиёти ўрганилиб, чет мамлакатларда эришилган ютуқлар ва уларнинг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришда мақбул жиҳатларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бозор инфратузилмаларининг роли ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш ҳам муҳимлиги жиҳатдан ажралиб туради.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивациявий омилларини такомиллаштириш соҳа

олдидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, фаолиятни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий мотивациявий омиллари таъсирида ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқилганлиги уларни самарали бошқариш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларига асосланиб келтирилган назарий хулосалар билан бирга қуидаги амалий таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин.

1. Ўзбекистонда рақобат мухитини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг роли ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш лозим.

2. Тадбиркор ёки тадбиркорлик фаолияти жамият қонунларига бўйсунган ҳолда фаолият юритади, унда ўзининг мулки ёки қарзга олинган маблағи билан иштирок этади ҳамда барча маъсулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойда кўришга шунингдек, шиддатли рақобат мухити шароитида ўз ташаббуси ва ҳаракати билан фаолият юритишни англаб этишимиз лозим. Шу билан бирга тадбиркор бошқарувда ҳам маъсул шахс сифатида бошқарув қарорларини амалиётга татбиқ этиш услубларини яратади.

3. Мотивация назариясини янги фикрлар бойитган ҳолда мотивация - бу шахсни бошқарув фаолиятидаги жараёнларда муайян мақсадни амалга оширишда ишга йўналтирувчи ҳатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш руҳида ҳаракатланиши ҳисобланади. Шу билан бирга инсон томонидан бўладиган барча ҳатти-ҳаракатлар ўзи-ўзидан бўлмайди, балки уларнинг замирида маълум бир мақсад ёки манфаатларнинг бўлиши мотивацияни шакллантиради ва уни ривожлантиришга ундайди. Бу фикрларни тадбиркорлик фаолиятига боғлайдиган бўлсак, ушбу фаолият ҳам ўзига хос мақсадга эга ва асосий мақсади йўлида ҳатти-ҳаракатлар қилиши ҳамда уни доимо рағбатлантиришларини ҳоҳлаган тарзда ривожланишига қўмаклашларини истайди.

4. Тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолиятни бошқаришдан ҳам иборатлигини таъкидлаш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини тўғри бошқаришда мотивация омилларининг таъсирини кучайтириш ва уларни бошқарув амалиётига тадбиқ этиш тадбиркорнинг шахсий даромад манбааларини ошишига ҳамда тадбиркорда мустақил бошқарувчанлик қобилиятининг пайдо бўлишига замин яратиб беради. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг амалий асосларини такомиллашуви уни мотивлаш даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади.

5. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мамлакат тараққиётини белгиловчи, хусусий мулкчилик тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи иқтисодий дастак сифатида хизмат қилиб келмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали ахолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик масалари борасидаги тадбирларни ҳал қилиш осон кечади. Шунинг учун тадбиркорларга кенг имконият яратиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Тадбиркорлик фаолияти бевосита бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш вазифасини бажаради; иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни модернизациялашга ундовчи механизм сифатида иштирок этади, соҳага янги инновацион технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини диверсификациялашни амалга ошириш каби тадбирларни қўллашда бошқарувчи ва ходимларни рағбатлантиришни талаб этади.

7. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда мотивациявий омиллар таъсирида бошқариш механизмини ташкил этиш, бошқарувчининг ички ва ташқи муҳит билан боғлиқлик даражасига, шунингдек, тадбиркор бошқарувни самарали ташкил этишда мотивациявий омиллардан фойдаланиш орқали ўз муаммоларини ҳал қилишга эришиши мумкин. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш жараёнига мотивациявий омилларни жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир.

8. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мотивация омиллар таъсирида бошқариш тизимини такомиллаштиришлари учун бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган қуидаги масалаларни ҳал этишни талаб қиласди:

- биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг натижаси унга сарфланган маблағлар қайтимига боғлиқдир. Шу сабабли тадбиркор ҳам соҳага пул тикишдан олдин ўз фаолиятининг стратегик режаларини тўғри тузиши ва уни жорий қилишда бошқарув тамойилларини тўғри қўллай олиши ҳисобига амалга ошириш;
- иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятида мотивациявий омиллар таъсирини кучайтиришни жаҳон андозаларига мос ҳолда амалга ошириши;
- учинчидан, тадбиркорлик фаолиятида мотивациявий омиллар таъсирини кучайтиришда ички ва ташқи муҳит жиҳатдан таъсир этувчи рискларни англаши ва бошқаришда ундан ҳимояланиш чораларини кўриши лозим.

9. Жиззах вилоятнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олганда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришда мотивация омиллар таъсирини кучайтириш натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

10. Хорижий давлатлардаги тажрибаларни ўрганиш натижасида шунга амин бўлдикки, асосан Европа ва АҚШ да тадбиркорлик фаолияти кичик ва ўрта бизнес шаклида ташкил топган. Шунингдек, кўплаб хорижий давлатларда оилавий тадбиркорликнинг ҳам мавжудлиги айнан таҳлил натижалари орқали аниқ бўлди. Бизда ҳам оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни Ҳукумат кўмаги ва қонунчилик хужжатларига таянган ҳолда амалга оширилса, ушбу соҳанинг барқарор ривожланишига муҳим замин яратилади.

11. Монографик тадқиқотлар натижасида маълум бўлди, Жиззах шаҳари миқиёсида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқарув органларининг аралашуви қисман бўлсада сақланиб қолинганлиги, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз

фаолиятини ташкил этишда ва фаолият юритиш жараёни хақида етарли даражада керакли маълумотларига эга эмаслиги ва бу соҳада тарғибот ва тушунтириш тадбирларини жорий этишнинг афзаллиги ҳамда уни тадбиқ этиш борасидаги илмий изланишларни янада такомиллаштириш, ҳудуд ва худудларо тадбиркорлик фаолиятига жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

12. Тадбиркорлар фаолиятида бозор инфратузилмасининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиш ҳамда бунинг натижасида аҳоли истеъмолини тезда қондирилиши ва даромад манбайнинг ошишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қиласи ва бу эса жойларда иш билан бандлик масаласига ижобий таъсир этувчи механизм сифатида хизмат қиласи.

13. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, ўринсиз текширувларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш, молиявий қўллаб-куватлашда молиявий институтларнинг ролини ошириш, солиққа тортиш ва солиқ юкини янада камайтириш ва фаолиятни рағбатлантириш, улар учун иқтисодий маслаҳат хизматлари марказлари фаолиятини тубдан ривожлантириш иқтисодий мотивациявий омиллари ҳисобланиб, уларни тадбиркорлик фаолиятида даромад манбайнинг ошишига имкониятни юзага келтиради.

14. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий мотивациявий омиллари асосан соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштиришдан, ходимларга белгиланган мажбуриятлар бажаралишини назорат қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқишдан, раҳбар жамоанинг барча аъзоларига адолатли бўлишини таъминлашдан, фаолият вазифаларини ходимларнинг ҳуқуқий бурчларидан келиб чиқиб аниқ режалаштириш асосида ташкил қилиш тадбиркорнинг ҳуқуқий бурчларидан ҳисобланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон**

#### **Республикаси Президентининг фармонлари Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, –Т.: Адолат, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни. 2000 йил 25 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», “Тадбиркорликка оид қонун хужжатлари тўплами”, Т.: “Шарқ”, 2002.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонуни 15.09.2006 й.
5. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 05.01.2006 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2004 йил, 3-сон, 28-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами”, Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоиши.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурларини амалга ошириш тўғрисида» Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

## Қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон «Тадбиркорлик субектлари учун маъмурий ва солик юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартағи ПҚ-5041-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор.

## **II. Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлик ва Қўмиталар қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги №504-сон «Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғриси»да Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги №554-сон Европа инвестиция банки иштироқида «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори.

### **III. Китоблар ва илмий рисолалар**

1. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 саволга - 100 жавоб. –Т.: Мехнат. 2002. –157 б.
2. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Фойибназаров Б.К., Эргашходжаева Ш.Ж., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир. 2011. – 280-б.
3. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2008. – 120 б.
4. Ван Хорн, Джеймс, К., Вахович, (мл.), Джон М. Основы финансового менеджмента, 11-е издание: пер. с англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2004. – 992 с.
5. Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т.: “Академнашр”-2009.
6. Виссема Х. Стратегический менеджмент и предпринимательство: возможности для будущего процветания / пер. с англ. – М.: Издательство “Финпресс”, 2000. – 272 с.
7. Грифман Р., Пастей М. Международный бизнес. Питер. 2006.-186 стр.
8. Ғуломов С.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. –Т.: 2002–365 б.
9. Гозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” нашриёти, 2003 йил. 332 бет.
10. Дойль П. Менеджмент: стратегия и тактика. – СМПБ.:Питер, 1999.
11. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006 –С.267.
12. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. М., 1994. 40 стр.
13. Коваль А.Г., Балашов Ю.К. Кадры предприятия// Журнал №7 / 2002. – 12 с.
14. Королёв М.И. Экономика. Риски. Защита: словарь-справ./М.И. Королёв. – М.: Анкил, 2008. – 832 с.

15. Кузнецова А.И. Инфраструктура. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 432 стр.
16. Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Самадов А.Н., Шарипов И.Б. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўкув қўлланма. – Т.: 2010, – 274 бет.
17. Лапуста М.Г., Порсев А.Г., Старостин Ю.Л., Скамай Л.Г. Предпринимательство. М.: Изд. “Инфра-М” 2003.-534 стр.
18. Маслоу А. Г. Мотивация и личность. — СПб.: Евразия, 1999. - 478 с.
19. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1998.
20. Мирзаев И.К. Тенденция развития предпринимательской деятельности. Науч. сессия проф.препод. по итогам НИР 2007 г. – СПб.: Изд-во СПБГУЭФ, 2008. 22-26 стр.
21. Никологородский Д. Изменение форм собственности и структуры промышленных предприятий.// Ж. Вопросы экономики. 1997,-№9. 23-35 стр.
22. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т.: «Молия» 2002 йил. 210-б.
23. Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика: пер. с англ. – М.: “Лаборатория базовых знаний”, 2000. – 800 с.
24. Рудина Ю.Б. Основы бизнеса. М.: 2003.-777 стр.
25. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Ўзбекистон” 2002. -180- б.
26. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархиш. Таҳрир Ҳайъати: А.Абдувохитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 97 бет.
27. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома-Тўйтепа. Таҳрир Ҳайъати: А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 224-бет
28. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журнали, 1989. 12-сони.
29. Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.

30. Хоскин А. Курс предпринимательства. М., 1993, 23-бет.
31. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: 1982. – 29 бет.
32. Широков Б.М. Малые бизнес. М.: 2006.-495 стр.
33. Шеремета А.Д. Малое предпринимательство: организация, экономика, управление. М.: Изд. “Инфра-М” 2009.-479 стр.
34. Эргашев Р.Х., С.Н.Хамраева. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўкув қўлланма, Т.: 2011, 249 бет.
35. Юсупов М, Эргашходжаева Ш. Тадбиркорлик асослари. Т.: 2005-158 б

#### **V. Даврий матбуот, статистик маълумотлар ва илмий ишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Кўмитаси Жиззах вилояти худудий бошқармаси маълумотлари.
2. Беркинов Б.Б. Оиласий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография – Т.: Fan va texnologiya, 2019;
3. С.К.Салаев Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. Диссертация, – Т., 2008-324 б.;
4. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация, – Т., 2017. – 138-б. .
5. Файзуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Диссертация. – Т., 2018.;
6. Юсупов Б.А. «Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш», Диссертация, – Т., 2020. – 148 б.;
7. Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация. – Т., 2020.;
8. Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Диссертация., – Т., 2019.;
9. Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Диссертация., – Т., 2020.
10. Давлетов Ж. Б. Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳияти. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Самарқанд: 2020.

## **VI. Журналлардаги мақолалалрга ҳаволалар**

1. Journal of ENTREPRENEURSHIP, MANAGEMENT and INNOVATION  
2021.
2. The European Observatory for SME Research. Second Annual Report.-  
2019. ENSR. European Network for SME Research. 2019, December.
3. Давлетов Ж.Б. «Хар бир оила – тадбиркор» концепциясининг илмий ва амалий жиҳатлари // Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили: амалга ошириш жараёнлар. Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 20-22.

## **VII. Даврий нашрлар ва статистик тўпламлар**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Тошкент, 2010-2020 йиллар.
2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2018-2020 йй.
3. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2020. с
4. “Норма Ҳамкор” материаллари. Тошкент. 2011-2020 йиллар.

## **VIII. Интернет манбалари**

1. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
2. <https://ec.europa.eu>
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
5. <https://chamber.uz>
6. [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)
7. [www.bank.uz](http://www.bank.uz)
8. <https://statefund.uz>
9. <https://mehnat.uz>
10. [https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition\\_en](https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en)
11. <https://www.usaid.gov/ru/central-asia-regional/fact-sheets/usaid-central-asia-future-growth-initiative>
12. <https://www.frontiersin.org/articles/10.3389/fpsyg.2021.680296/full>